

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

А К А Д Е М И Я

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ САБАБ ВА
ШАРОИТЛАРИ ҲАМДА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ўқув қўлланма

Масъул муҳаррир
Ш. Т. Икромов

Тошкент – 2016

Муаллифлар :

юридик фанлар номзоди, доцент **Д.М. Миразов, А.С.Ваҳидов** (I боб);
юридик фанлар доктори, профессор **Қ.Р. Абдурасулова**, юридик фанлар номзоди,
доцент **Б.Э. Закиров** (II боб); психология фанлари номзоди, доцент **Б.Н. Сирлиев,**
Ё.А. Фарфиев (III боб); юридик фанлар номзоди, доцент **Ж.С. Мухторов,**
С.Б. Хўжақулов (IV боб); **Б.Ф. Алимов, А.Ш. Муродов** (V боб);
Қ.А. Саитқулов (VI боб)

Тақризчилар :

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори,
профессор **М.Х. Рустамбоев;**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ёрдамчиси,
юридик фанлар доктори **А.А.Мирзаев;**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош
бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник **И.М. Холиқов**

**А-15 Аёллар жиноятчилигининг сабаб ва шароитлари ҳамда
профилактикаси: Ўқув қўлланма / Қ.Р. Абдурасулова, Д.М.Миразов,
Ж.С. Мухторов ва бошқ. – Т.:Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2016. – 158 б.**

Мазкур қўлланмада аёллар жиноятчилигининг тарихи, криминологик тавсифи,
сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳамда уларни
бартараф этиш чора-тадбирлари, жиноятчи аёллар типологиясининг мазмуни ва
моҳияти мавзуга оид илмий-назарий адабиётлар, суд-тергов амалиёти материаллари
ва статистика маълумотларидан фойдаланган ҳолда очиб берилган.

Олий таълим муассасаларининг тингловчи, курсант, катта илмий ходим-изланув-
чи ва мустақил изланувчилари, амалиёт ходимлари, шунингдек кенг китобхонлар
оммасига мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)8я73

КИРИШ

Аёл – мўътабар она, азиз опа-сингил, суюкли ва вафодор ёр, сирдош, маслаҳатдош, тарбиячи, устоз, сиёсатчи, ташкилотчи, тадбиркор ва авлод давомчисидир. Бир сўз билан айтганда, аёл – гўзаллик тимсолидир. Жамиятнинг соғломлиги, унинг барқарорлиги ва порлоқ келажаги йўлида ишларни амалга оширишда аёлларнинг ўрни беқиёсдир.

Ҳолбуки, Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Аёл гўзал бўлса – олам гўзал, аёл бахтли бўлса – оила, бутун жамият бахтли бўлади. Биз ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур – аёлини эъзозлаган эркак бахтли бўлади, аёлини ҳурмат қилган миллат кам бўлмайди. Аёлни ҳурмат қилсак, миллатни ҳурмат қилган бўламиз»¹.

Чунки юртимизда қадимдан аёллар улуғланиб, уларга ҳурмат эътибор кўрсатилган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2015 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган «Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат» номли маърузасида «Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозалиги, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўрамиз. Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ» деб таъкидлади. Ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топтириш мақсадида 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб номланди. Жорий йилнинг бундай номланиши замирида аёлларни асраб-авайлаш, оналарни соғлом авлод зарғари, яратувчилари сифатида кўриш мақсади ётганини англаш мумкин.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б. 231.

Ҳолбуки, ўзбек аёлларига тенг келадиган аёл йўқ... бундай аёлларни бошқа ҳеч жойда тополмайсиз. Энг кўп меҳнат қиладиган, оилани энг севадиган, оилани ҳақиқий оила, эркакларни эркак қиладиган ҳам аёллардир¹.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аёлларга эътибор сезиларли даражада ошди. Хусусан, республикамиз хотин-қизларининг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларда фаол иштирок этиш имкониятлари кенгайди. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этаётган аёллар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, Давлат дастурлари ишлаб чиқилди.

Жумладан, фикримизни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида фуқароларнинг жинси, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли эканлиги, 46-моддасида аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, 117-моддасида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг кафолатланганлиги бевосита тасдиқлайди.

Конституциянинг мазкур моддалари аёлларга эркаклар билан тенг асосда илм олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, хизмат пиллапояларидан кўтарилиш, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда фаолият кўрсатиш имконини беради. Ҳозирги вақтда республикамиз аёллари эркаклар билан бир қаторда жамият ҳаётининг турли жабҳаларида, жумладан, илгари фақат эркакларга имтиёз берилган соҳаларда ҳам самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, аёлларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилгани ва ҳозирда ҳам бу жараён давом этаётганлигига қарамай оила гавҳари бўлмиш аёллар томонидан жиноятларнинг содир этилиши жуда ҳам аянчли ҳолдир.

Ўтказилган таҳлиллар охириги йилларда содир этилган жиноятларда аёллар иштироки 2013 йилда 17,2 фоизни, 2014 йилда 16,7 фоизни, 2015 йилда 16,0 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда. Келтирилган рақамлар унчалик кўпга ўхшамайди, аммо ҳар бир аёлнинг зиммасида оиласи, болалари тарбияси, жамиятимиз келажаги турганлигини кўз олдимизга келтирсак, бу фикрнинг тўғри эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015. – Б. 229 – 230.

Чунки онаси жиноятчи бўлган оила таназзулга учрайди, болалари назоратсиз қолади. Тадқиқотлардан маълумки, назоратсиз қолган болаларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигига «ҳисса» қўшиш даражаси юқори бўлади.

Тадқиқотларга кўра, умумий жиноятчиликда аёллар содир этадиган жиний хатти-ҳаракатлар эркеклар томонидан содир этиладиган жиноятлардан фарқ қилади. Шу боис аёллар жиниятининг табиати ва оқибати, содир этиш усули ва жиноят қуролини маълум бир вазиятларда қўлланиши, жиноят содир этилишида иштирок этишдаги ўрни, жиноят қурбонини танлаш, маиший турмуш шароити кабиларга криминологияда алоҳида эътибор қаратилган ҳолда тадқиқот ишлари олиб борилади ва зарур тавсиялар берилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ сабаб ва шароитларни криминологик ва жиноят ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш ҳамда улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг профилактикасини самарали ташкил этиш зарурати мавжуд.

Мустақиллик йилларида жиноятлар, хусусан, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг криминологик тавсифи, уларнинг олдини олиш масалаларига мамлакатимиз олимлари – З.С. Зарипов, И. Исмаилов, Ю.М. Каракетов, М. Усмоналиев, М.Ҳ. Рустамбоев, Қ.Р. Абдурасуловаларнинг илмий тадқиқот ишларида эътибор берилди ҳамда муайян даражада билим ва қарашлар тизими шаклланди.

Ушбу қўлланмада айнан мазкур аёллар жиноятчилигига нисбатан илмий-амалий ёндашув мавжуд криминологик билимлар, назарий қоидалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аёллар жиноятчилигига қарши курашишга доир амалий фаолиятидаги фактик маълумотларга асосланиб, аёллар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикасини ёритиш мақсад қилиб олинган.

Ўйлаймизки, мазкур ўқув қўлланма барча китобхонларга, шу жумладан, олий таълим муассасаларининг тингловчи, курсант, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчилари ва амалиёт ходимларига манзур келади ҳамда аёллар жиноятчилигини ўрганиш, бу борада илмий изланишлар олиб бориш, аёллар жиноятчилигига қарши курашиш ва профилактикасини ташкил этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

I БОБ

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1-§. Аёллар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили

Аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг тузилишида нисбатан ўзгармас катталиққа эга бўлган ҳолда, ижтимоий шарт-шароитларга қараб ўзгариб борадиган, шу билан бир вақтда умуман жиноятчилик (эркаклар жиноятчилиги)даги ўзгаришларни такрорламайдиган ҳодисадир. Юқорида зикр этилган сабабларга кўра, аёллар жиноятчилиги жиноятчиликнинг ўсиб боришга мойил бўлган нисбатан мустақил қисмини ташкил этади.

Умумий жиноятчилик ёки унинг муайян йўналиши ўрганилганда албатта, жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, бу кўрсаткичларсиз жиноятчилик ҳақида тасаввурга эга бўлишнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Ушбу кўрсаткичлар бир вақтнинг ўзида жиноятчиликнинг элементлари деб ҳам изоҳланади. Мазкур кўрсаткичлар тўртта таркибий қисмдан, яъни жиноятчиликнинг аҳволи (ҳолати), тузилиши, даражаси ва динамика-сидан иборат бўлади. Криминологияда бу кўрсаткичларнинг мазмун ва моҳияти юзасидан аниқ тўхтамга келиб бўлинган. Улар асосида кўрсаткичларга нисбатан муайян таърифлар шакллантирилган. Айнан мазкур кўрсаткичлар аёллар жиноятчилигининг ҳам миқдор ва сифат кўрсаткичлари мазмунини очиқ беради. Шу боисдан уларга таяниб аёллар жиноятчилигининг элементларини қуйидагича шакллантириш мумкин:

аёллар жиноятчилигининг аҳволи (ҳолати) – бу маълум бир даврда ва маълум бир ҳудудда аёллар иштирокида содир этилган жами жиноятлар ҳамда жиноятчи аёллар йиғиндиси;

аёллар жиноятчилигининг тузилиши – маълум бир даврда ва маълум бир ҳудудда аёллар иштирокида содир этилган муайян жиноятларнинг аёллар иштирокида содир этилган жами жиноятлар ёки умумий жиноятлар нисбати, яъни аёллар иштирокида содир этилган жами жиноятлар қайси турдаги жиноятлардан иборатлигини англатади.

Аёллар жиноятчилигининг тузилишини аниқлаш учун муайян формула асосида ҳисоблаш талаб этилмайди, оддий статистик кўрсаткичларда ушбу тузилишни англаб олиш мумкин ҳисобланади;

аёллар жиноятчилигининг даражаси – бу маълум бир даврда ва маълум бир ҳудудда аёллар иштирокида содир этилган жами жиноятлар ёки уларни содир этган аёллар кўрсаткичларининг ушбу ҳудудда яшовчи аёллар сонига нисбатига айтилади, яъни ҳудудда яшовчи жами аёлларнинг қанча қисмига нечта аёллар иштирокида содир этилган жиноят ёки жиноятчи аёл тўғри келиши тушунилади.

Формула,

$$\frac{АЖЧ\ 1000}{Ас} = Аж.д$$

Аж – аёллар иштирокида содир этилган жами жиноятлар сони;
1000 – нисбий кўрсаткич ҳисобланиб, унинг ўрнига 10, 100 ёки 10000 сонини ҳам ишлатиш мумкин. Бу сонларни танлаш маъмурий ҳудудда яшовчи аёллар сонининг қанчалик кўп ёки камлиги билан боғлиқ бўлади;

Ас – маъмурий ҳудудда яшовчи жами аёллар сони;

Аж.д – аёллар жиноятчилигининг даражаси (коэффициенти).

Юқорида аёллар жиноятчилигининг даражасига берилган таърифда маъмурий ҳудудда яшовчи аёлларнинг муайян қисмига аёллар иштирокида содир этилган нечта жиноят тўғри келиши билан бирга қанча жиноят содир этган аёллар тўғри келишини аниқлашга урғу берилган эди. Шу муносабат билан жиноятчи аёлларнинг нисбати ҳам келтирилган формула орқали аниқланиши мумкин бўлади. Бунинг учун фақат аёллар иштирокида содир этилган жами жиноятлар ўрнига жиноятчи аёллар кўрсаткичидан фойдаланилади;

аёллар жиноятчилигининг динамикаси – бу маълум бир даврда ва маълум бир ҳудудда аёллар иштирокида содир этилган жами жиноятлар ёки жиноятчи аёллар кўрсаткичларининг бошқа даврга нисбатига айтилади, яъни ўсган ёки камайганлиги тушунилади.

Аёллар жиноятчилигининг динамикасини аниқлаш ҳам худди унинг тузилишини аниқлаш каби муайян формула асосида ишлашни талаб этмайди. Бу борада муайян кўрсаткичлар таққосланади холос.

Анъанага кўра, аёллар эркакларга қараганда анча кам жиноят содир этади. Узоқ вақт мобайнида эркаклар ва аёллар жиноятчилигининг нисбати тахминан 7:1, 6:1ни ташкил этиб келган. Одатда, порахўрлик, ўзлаштириш, растрата ёки хизмат ваколатини суиистеъ-мол қилиш йўли билан талон-торож қилиш, харидор ёки буюртмачиларни алдаш каби жиноятлар бундан мустасно бўлган. Мазкур

жиноят турларида аёллар одатда аниқланган жами жиноятчиларнинг ярмини ташкил этган. Бу ҳолат хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий роли ва функциялари, улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маълум соҳалари: савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда банд эканлиги билан изоҳланади. Бу ерда собиқ Иттифокда мазкур соҳаларда кўрсатиладиган хизмат даражасининг пастлиги, аҳолига зарур бўлган товар ва хизматларнинг сурункали тақчиллиги ҳам ўз таъсирини кўрсатганки, булар ҳар хил қонунбузарликлар, хизмат ваколатини суиистеъмол қилишлар ва пировард натижада жиноятларга қулай замин яратган.

Статистика маълумотлари аёллар жиноятчилиги тузилишида иқтисодиёт соҳасидаги, жумладан ўғрилик, фирибгарлик, безорилик, гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ва ўтказиш каби «умумий» жиноятларнинг салмоғи анча катталигидан далолат беради. Одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш каби жиноятларни аёллар кўпинча оилавий-маиший можаролар негизида содир этадилар, бунда кўпинча жабрланувчилар, асосан айбдорларнинг эр ёки жазманининг виқтим, провокацион хулқ-атвори етакчи роль ўйнайди. Ўзбекистонда ҳам бошқа чет эл давлатлардаги сингари онанинг ўз чақалоғини ўлдириши аёлларга хос жиноят бўлиб қолаётир. «Одам ўлдиришнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, янги туғилган чақалоқни ўлдириш қишлоқ жойларида ҳам тарқалган. Қатор ҳолларда бу жиноятларнинг орқасида айбдорнинг эри ёки жазмани туради, мазкур жиноятлар зикр этилган шахсларнинг таъсирида ёки уларнинг розилиги билан содир этилади»¹. Безорилик хатти-ҳаракатларини содир этган шахслар орасида аёлларнинг салмоғи одатда 5-6 фоизни, барча аёл жиноятчилар орасида эса 3-4 фоизни ташкил этади. Эркаклар сингари аёллар ҳам безориликни одатда маст ҳолатда содир этади, бу сурункали равишда алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш, ғайри-ижтимоий турмуш тарзининг, баъзан руҳий хасталик билан боғлиқ умумий маънавий таназзулнинг оқибати ҳисобланади.

Жиноятчи аёллар орасида дайди аёлларнинг салмоғи ҳамаша катта бўлган. Аммо 1991 йили бу қилмиш Жиноят кодексидан декриминализация қилинди. Бу, табиийки, аёллар умумий жиноятчилигининг статистикасида ҳам ўз аксини топди. Жиноятчиликнинг статистик кўрсаткичлари яхшиланди, аммо ижтимоий ҳодиса, унинг илдизлари сақланиб қолди.

¹ Антонян Ю.М. Преступность среди женщин – М., 1992. – С. 34.

Мазкур ғайриижтимоий ҳодисанинг кескинлигини англаган Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тузилмалари томонидан сўнгги даврда бу йўналишда маълум чоралар кўрилди¹.

Жиноятчилик энг аввало ижтимоий ҳодиса бўлгани учун, унинг миқдор ва сифат хусусиятлари, динамикаси ва тузилишидаги ўзгаришларнинг туб сабаблари жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, тарихий, жуғрофий-сиёсий ва демографик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ.

Жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи қонуний равишда аёлларнинг шахс сифатидаги ҳолати ўзгаришига олиб келади. Бундай алоқа жиноий қилмишлар соҳасида ҳам мавжуд. Аёлларнинг бандлиги ва улар томонидан содир этилган жиноятлар ўртасида маълум боғлиқлик кузатилади. Бундан аёллар жиноятчилигини ва умуман жиноятчилик муаммосини муайян тарихий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда ўрганиш керак бўлади. Муайян ижтимоий вазиятларнинг таҳлилигина мазкур мураккаб муаммони ҳал қилиш имконини беради².

Тарихий ёндашув аёллар жиноятчилигининг тузилишида салбий тенденциялар кучайишининг асосий сабабини, иқтисодий таназзул билан боғлаб ўрганиш лозимлигини тақозо этади.

Ўтган асрнинг 20-30 йилларида аёллар жиноятчилиги эркаклар жиноятчилигидан фақат сони жиҳатидан эмас, балки ўз хусусиятига кўра ҳам фарқ қилиши айtilган. Криминология фани ўша вақтдаёқ жиноятчиликни ўзига касб қилиб олган аёллар мавжудлигини тан олган ва уларни тўртта: қотиллар, аборт қилувчилар, қўшмачилар, тан жароҳати етказувчилар гуруҳига ажратган эди.

Ўтган асрнинг 20-50 йилларида аёллар жиноятчилигининг аҳволи, уларнинг жазони ўташ жойларидаги турмуш тарзи ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо халқ хўжалигининг турли соҳаларида аёлларнинг банд бўлиши, аёллар фаоллигининг ортиши натижасида улар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг тури кўпайганлигини кузатиш мумкин.

Айтиш жоизки, аёллар жиноятчилигини назарий ва эмпирик тадқиқ этишга эркаклар жиноятчилигига қараганда камроқ аҳамият

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.,1997. – Б.86.

² Серебрякова В.А. Криминологическая характеристика женщин-преступниц // Вопросы борьбы с преступностью. – 1971. – №14.– С. 5.

берилди. Ҳозирда мавжуд бўлган ҳисобга (рўйхатга) олиш тизими фақат жиноятлар сонини таҳлил қилиш имконини беради. Бошқа ахборотларни олиш учун эса бир қатор социологик (ҳужжатларни ўрганиш, сўровлар ўтказиш, анкета саволларига жавоблар олиш, кузатув олиб бориш ва ҳ.к.) тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалогик таҳлили шуни кўрсатадики, аёллар жиноятчилиги ўзгармас эмас, балки ҳаётнинг турли соҳаларидаги ўзгаришлар, албатта, унинг тузилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва у илгари ўзида бўлмаган хусусиятларни касб этиб боради.

Бу эса аёллар жиноятчилигини атрофлича ўрганиш заруриятини юзага келтириб чиқаради, чунки аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчилик тузилиши ва айрим турдаги жиноятлар тузилишининг анчагина қисмини ташкил қилади.

Собиқ совет давлатида иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда аёллар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичи энг юқори бўлган, маҳкумлар орасида аёллар кўпчиликини ташкил этган, 50-йилларда эса аёллар томонидан содир этилган жиноятлар сонининг камайганлиги ва ўтган асрнинг 80-йилларининг охиригача бу кўрсаткичнинг ўзгармаганлиги кузатилади. Аммо жамиятимизда рўй берган ўзгаришлар, ўтиш даври мураккабликлари туфайли 90-йиллардан бошлаб аёллар жиноятининг ўсиб бораётганлиги ташвишланарли ҳолдир.

Узоқ вақт мобайнида аёллар жиноятчилиги тузилишида жиддий ўзгаришлар рўй бермади, аммо бу тизимга кирувчи қисмларда ўзгаришлар бўлган. Бу ҳол аввало эркаклар ва аёллар хулқ-атворининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий шарт-шароитларнинг ўзгариши билан боғлиқдир.

Аёллар жиноятчилиги тузилишида ўғирлик, товламачилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи, савдо қоидаларини бузиш, фоҳишахоналар сақлаш, қасддан баданга шикаст етказиш, харидор ва буюртмачиларни алдаш, таносил касалликларини юқтириш кўпчиликини ташкил этади¹. Аёллар, ҳатто энг оғир жиноят қасддан одам ўлдиришга ҳам қўл уришмоқда.

Аёллар жиноятчилигида тамагирлик жиноятларининг сони кўпчиликини ташкил этиб келган. Бу тарихий факт, 50 йил олдин ва ҳозирда ҳам шундай. Шу билан бирга, аёллар жиноий фаолиятининг

¹ Халимов Ҳ.А. Аёл – оила кўрғони // Қонун ҳимоясида. –1998. – №8. – Б.34.

тамагирлик йўналишини амалга оширишнинг анчагина нозик механизмлари мавжуддир. Аёлларнинг касбий фаоллиги жиноятчиларнинг жамиятга қарши қаратилган мақсадларини амалга оширишлари учун кўшимча имкониятлар яратади.

Аёллар жиноятчилиги тузилишидаги сифат ўзгаришлари турли маъмурий-худудий бўлинмаларда бир хил бўлмайди. Турли вилоятларда аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг тури ҳам бир хил эмас. Масалан, 2014–2015 йилларни таққослайдиган бўлсак, республиканинг айрим вилоятларида аёллар жиноятчилигининг олдини олиш борасидаги ишлар эътибордан четда қолганлиги натижасида вилоятлар бўйича бу турдаги жиноятчилик кўрсаткичи республика миқёсидаги кўрсаткичлардан ортиб кетган.

Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 4,6 фоизга камайган бўлса-да, бироқ Фарғона вилоятида 8,9 фоиз, Сурхондарё вилоятида 2,7 фоиз, Бухоро вилоятида 0,3 фоизга ошганлиги кузатилади.

Республика бўйича аёллар томонидан жиноят қидирув йўналишида содир этилган безорилик жинояти 16,7 фоиз, фирибгарлик жинояти 13,1 фоиз, қасддан оғир тан жароҳати етказиш жинояти 10,7 фоиз, товламачилик жинояти 8,8 фоизга ошганлиги намоён бўлади.

Мазкур жиноятлар вилоятлар кесимида таҳлил қилинганда Қорақалпоғистон Республикасида 12,7 фоиз, Навоий вилоятида 12,6 фоиз, Хоразм вилоятида 8,0 фоиз, Бухоро вилоятида 5,8 фоиз, Сурхондарё вилоятида 2,4 фоиз ва Тошкент вилоятида 0,5 фоизга ошганлиги кузатилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аёллар кўпроқ Фарғона, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида жиноят содир этишда иштирок этганлар.

Қайси ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар аста-секин амалга ошаётган ва аҳоли турли қатламлари турмуш даражасига кескин таъсир кўрсатмаётган бўлса, ўша ерда аёллар жиноятчилигининг коэффициенти пастдир.

Аёллар жиноятчилигининг даражасини ўрганиш бир неча хил ёндашувни талаб этади. Жумладан, аёллар жиноятчилигининг даражаси ўрганилганда муайян давр ва ҳудудда жиноят содир этган жами аёллар ўша давр ва ҳудудда яшовчи жами аёлларга, жами аҳолига ёки жиноят содир этган жами шахсларга нисбат қилиб олиниши мумкин саналади.

Аёллар томонидан шаҳар ва қишлоқда содир этиладиган жиноятларнинг маълум фарқлари мавжуд. Хусусан, шаҳарга хос жиноятлар –

ўғрилик, фирибгарлик, савдо қоидаларини бузиш, ўзлаштириш, баданга шикаст етказиш ҳисобланса; қишлоқда эса – тақиқланган экинларни етиштириш кўпроқ учрайди.

Бундан ташқари, шаҳар жойларда оилавий можаролар натижасида шахсга қарши жиноятлар кўпроқ содир этилади. Масалан, фуқаро Ш. ТТЗ заводида штамповкachi бўлиб ишлаган ва шу заводда йиғувчи слесар бўлиб ишловчи турмуш ўртоғи билан заводга қарашли Буюк ипак йўли кўчасида жойлашган 4-ётоқхонада истиқомат қилган. Икки нафар фарзандлари бор фуқаро Ш. турмуш ўртоғини шу ётоқхонада яшовчи фуқаро А.га рашк қилиши туфайли тез-тез жанжал бўлиб турган. Навбатдаги жанжаллардан бирида фуқаро Ш. стол устида турган ошхона пичоғини олиб, эрининг қорнига санчади. Сўнгра эрини шу аҳволда қолдиради ва пичоқни латтага ўраб, «Дўрмон» қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи ариққа ташлаб юборади¹.

Аёллар жиноятчилигининг яна бир хусусияти – бу ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сонининг жуда кам эканлигидадир.

Аммо ҳақиқатда эса улар содир этилган айрим жиноятлар (масалан, ўғрилик, фирибгарлик ва ҳоказолар)нинг рецидиви юқори ҳисобланади. Қасддан баданга шикаст етказиш, қасддан одам ўлдириш каби жиноятларнинг рецидиви мулкка қарши қаратилган жиноятларга нисбатан бир неча марта кам.

Аёлларга хос хусусиятлардан яна бири улар жиноятни асосан ёлғиз ўзлари содир этадилар. Гуруҳ таркибида кўпинча ўғрилик, касб билан боғлиқ жиноятларни содир этадилар. Талончилик, босқинчилик жиноятларини содир этишда улар асосан ёрдамчи сифатида иштирок этадилар.

Аёллар жиноятчилигининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш бевосита жиноятларни келтириб чиқарувчи сабабларни ўрганиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат аёллар, балки умумий жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳозирги замон аёллар жиноятчилигига криминологик тавсиф беришда эркаклар ва аёлларнинг агрессив хулқ-атворида жиддий фарқлар мавжудлигига, жумладан, маниакал-сексуал хусусиятга эга бўлган қотилликлар аёллар учун, ҳатто ҳар хил руҳий касалликларга эга шахслар учун ҳам қоидадан кўра кўпроқ истисно тариқасидаги

¹ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суди архивидан. 184-94 сонли жиноят иши.

ҳолат ҳисобланади. Юридик амалиётда бундай турдаги агрессия намоён бўлган ҳолатлар камдан-кам учрайди. Шунда ҳам улар асосан аёллар гуруҳининг безорилик йўналишидаги ҳаракатларига тегишли бўлиб, сурункали хусусиятга эга бўлмайди. Буни бевосита потенциал жиноят содир этиш жараёнида аёлларнинг эркакларга нисбатан жисмоний заифлиги билан изоҳлаш мумкин. Мазкур вазиятда хотин-қизларнинг бу турдаги жиноий қилмишларининг объектларини вояга етмаганлар ташкил этади. Бироқ, жиноят статистикаси таҳлил қилинганида, бундай хулқ-атвор ҳатто вояга етмаганларга нисбатан ҳам типик эмаслигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ушбу ҳолатни махсус тадқиқотларнинг натижалари ҳам тасдиқлайди. Балки зўравонлик ҳаракатларининг объекти сифатида вояга етмаганларни танлашга тўсқинлик қилувчи оналик инстинкти ўз таъсирини кўрсатар? Бироқ бу ҳолда оналар томонидан янги туғилган ўз чақалоқларининг ўлдирилиши анча кенг тарқалганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ушбу саволга жавоб топишда Ч. Ломброзо бир аср муқаддам келтирган далилларга мурожаат қилиш ўринли бўлади. У мазкур ҳодисани ўзининг машҳур «Жиноятчи ва фоҳиша аёл» асарида аёлларнинг жиноятга мойиллиги кўпинча фоҳишалик билан шуғулланишида ўз аксини топиши билан тушунтиради. Аёлларнинг жиноят содир этишга мойиллигини маълум даражада амалга ошмаган сексуал фантазиялари, майллари, истакларидан қутулиш имконияти сифатида қараш мумкин деб ҳисоблайди.

Мазкур муаммоли вазиятнинг чуқурроқ таҳлили ўз ўзидан унинг моҳиятини англаш имконини беради. Бунинг учун нафақат жинсларнинг ижтимоий роли – диморфизми соҳасидаги, балки хулқ-атвор реакцияларини чуқур ўрганишга асосланган патопсихология ва сексопатология соҳасидаги илмий билимларга таяниш ҳам талаб этилади. Чунки эркаклар ва аёлларнинг агрессив хулқ-атворидаги кўрсаткичлар энг ёрқин фарқлардан биридир. Бу ўринда агрессив шахс типи криминологик тадқиқотларда жиноятчиларни типларга ажратишда энг кўп эътибор бериладиган шахснинг асосий типларидан бири эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Умуман эркаклар жиноятчилигидан фарқ қилувчи аёллар жиноятчилигининг хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1) аёллар сони мамлакатдаги эркаклардан кўп (Республика аҳолисининг 50,2 фоиз) бўлишига қарамасдан, аёллар жиноятчилиги

эркакларникига нисбатан бир неча марта кам ва илгари ҳам шундай бўлган;

2) аёллар жиноятчилигида рўй бераётган ўзгаришлар билан эркаклар жиноятчилигидаги ўзгаришлар бир хил эмас. Ўзгаришлар умуман ва айрим жиноят турлари бўйича ҳам мос келмайди;

3) аёллар жиноятчилиги ўз тузилишига кўра эркаклар жиноятчилигини такрорламайди ва ундан миқдор жиҳати билангина эмас, балки сифат кўрсаткичларига кўра ҳам фарқ қилади. Умумий жиноятчиликка аёллар жиноятчилиги асосан ўзигагина хос бўлган жиноят турларини содир этиш билан ҳисса қўшади. Бу жиноятларнинг содир этилиши маълум маънода баъзи вазиятлар, конкрет микромуҳитда, муайян вақтда шаклланган аёлларнинг хулқ-атвори билан боғлиқдир.

Аёллар жиноятчилигида рўй бераётган ўзгаришларни ўрганиш биринчи навбатда:

а) аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг статистик қонуниятларини;

б) аёл жиноятчига криминологик тавсиф беришни;

в) аёллар жиноятчилиги тузилишини аниқлаш имконини беради.

Қисқа қилиб айтганда, эркаклар ва аёллар жиноятчилигининг нафақат ўхшаш томонлари ва фарқларини, балки улар ривожининг йўналиши, ўзига хос хусусиятлари ва сифатий ўзгаришларни аниқлаш фан учун ҳам, амалий фаолият юритишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Аёллар жиноятчилигида рўй бераётган ўзгаришлар эркаклар жиноятчилигидаги билан параллел ҳолда бормайди, аёллар жиноятчилиги нисбатан мустақил ҳолда ривожланади. Аммо жиноятчилик бир бутун ҳолда ўзини ташкил этувчи қисмларга таъсир кўрсатади. Бу таъсир қарама-қарши алоқани вужудга келтиради. Яъни аёллар жиноятчилигида рўй берган ўзгаришлар умуман жиноятлар ва унинг тузилишида ҳам ўзгаришлар рўй беришига олиб келади.

Аёллар жиноятчилигини таҳлил этишда бу ижтимоий ҳодисанинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқловчи белгилар асос бўлиб хизмат қилади. Фикримизча, биринчи навбатда аёллар содир этган жиноятларни таҳлил этишда жиноятларнинг тарқалганлик ва оғирлик даражасига эътибор қаратиш лозим. Жиноятларни бу белгилар бўйича таснифлаш аёллар жиноятчилигида рўй берган асосий ўзгаришларни аниқлаш имконини беради. Яна бир белги жиноятнинг мотиви эса аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг хусусиятини янада чуқурроқ таҳлил этишга имкон беради.

2-§. Жиноят содир этган аёллар типологияси

Инсоният ўзлигини англай бошлабдики, уни ташқи олам сир-синоатлари билан бирга инсонлар нима учун жиноят содир этади, шахс жиноятчи бўлиб туғилладими ёки жиноятчи шахс сифатида шаклланадими мазмунидаги саволларга жавоб топиш қизиқтириб келган. Бу борада жинсий ўзига хослик муҳим аҳамиятга эга. Аниқроғи, эркаклар ва аёллар жиноятчилигининг фарқли томонларини, хусусан, уларнинг ижтимоий ва биологик хусусиятларини айнан жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаблари сифатида ўрганиш долзарблик касб этади. Умуман олганда, бундай фарқлаш анъанага кўра жинсий хулқ-атвори тушунтиришга нисбатан умумий ёндашувларга ҳам хосдир.

Криминологияда жиноятчилик умумий кўринишда, шунингдек унинг айрим йўналишлари алоҳида кўринишда ўрганилади. Мисол учун, аёллар жиноятчилиги, вояга етмаганлар жиноятчилиги, рецидив жиноятчилик ёки уюшган жиноятчилик каби. Уларнинг ҳар бирига таъриф берилганда албатта, жиноятчиликка берилган таърифга асосланилади. Шу тариқа, *аёллар жиноятчилиги деганда*, муайян ҳудудда, маълум вақт мобайнида аёл жинсидаги шахслар томонидан содир этилган жиноятлар йиғиндиси тушунилади.

Илмий анъанага кўра қарор топган жиноятчи шахсининг типологик тавсифи ва мазкур муаммога бағишланган махсус ишларнинг натижаларини ҳамда шахсий изланишларимиз асосида чиқарилган хулосаларга таянган ҳолда, аёллар жиноятчилиги мотивациясининг хусусияти ва мазмунига кўра, умумий кўринишда аёлларни қуйидаги жинсий типларга ажратиш мумкин:

а) зўравон шахс тип – бу типга одатда маиший заминда безорилик ҳаракатлари, одам ўлдириш ва баданга шикаст етказиш, ўз чақалоғини ўлдириш жиноятларини содир этувчи аёлларни киритиш мумкин. Булар инсон ҳаёти, соғлиғи жисмоний дахлсизлиги ва бошқаларга салбий муносабатда бўлган шахслардир. Масалан, Муборак тумани жиноят ишлари бўйича судининг ҳукми билан А. Н. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 1-қисми билан айбли топилиб, унга 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра А. Н. Муборак шахри, 4 «а» миттитуманда жойлашган «Алвон елканлар» номли болалар боғчаси олдида Р.О. билан жанжаллашиб қолиб, ўзи билан олиб юрган пичоқни олиб,

Р.Они қасддан ўлдириш мақсадида унга пичоқ уради. Аммо А. Н. Ўзининг жиноий ҳаракатини охирига етказа олмаган;

б) *ғараз мақсадли зўравон тип* – шахсий, авваламбор, моддий манфаатларга ҳар қандай йўл билан, жумладан, инсон ҳаётини гаровга қўйиб бўлса ҳам эришишни назарда тутадиган ғайриижтимоий қарашларни пухта ўзлаштирган, ижтимоий хавфлилик даражаси жуда юқори бўлган шахс типи. Масалан, Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича судининг ҳукмига кўра М.Ж. (ҳеч қаерда ишламайди) Шаҳрисабз шаҳрида Г.Ч. билан қонуний никоҳсиз бирга яшаган, мулкига эгалик қилиш учун унинг ожизлигидан фойдаланиб, ғараз мақсадда Г.Ч.нинг бўйнига бир марта пичоқ уриб, кейин бўғиб ўлдириб, 51822900 сўмлик рўзғор буюмларини машина топиб, ортиб мурдага ва уйга ўт қўйиб кетганлиги учун Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «в» банди, 173-моддаси 2-қисми «б», «в» бандлари, 166-моддаси 4-қисми «а» бандлари билан айбли деб топилиб, жиноятлар жами бўйича 16 (ўн олти) йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Қонунга биноан ғараз мақсадда одам ўлдирилганида Жиноят кодексининг 166-моддаси 4-қисми «а» банди билан қўшимча квалификация қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

М.Ж. эса марҳум Г.Ч.нинг мулкани эгаллаш мақсади унинг бўйнига пичоқ уриб, кейин ўта раҳмсизларча бўғиб ўлдириб, жиноят изларини яшириш мақсадида кўпчилик яшайдиган, атрофдагилар учун хавфлилигини била туриб уйга ўт қўйиб кетган;

в) *тамағир тип* – жиноятчи аёлларнинг ғаразли типига хос бўлган мотивация, шу жумладан оилавий барқарорликни таъминлаш зарурати билан боғлиқ мотивацияли шахс типи. Масалан, Қарши шаҳри жиноят ишлари бўйича судининг ҳукми билан Т.Н. фуқаро Р.Қ.нинг уй сотиб олмоқчи бўлиб юрганлигини эшитиб, фирибгарлик йўли билан, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан унинг мулкани қўлга киритиш мақсадида ўзига тегишли бўлмаган уй-жойни ўзимга тегишли уй-жой, шуни Сизга сотаман деб, Р.Қ.дан 6500000 сўм пулини олиб ўзига ўзлаштирганликда, фуқаро Х.С.га унинг гиламларини сотиб бераман деб, унинг 1700000 сўмлик гиламини алдаб олиб, ўзининг шахсига ўзлаштириб юборганликда, ўзининг бу жиноий ҳаракатлари билан ўзгаларнинг жуда кўп миқдорни ташкил этган 8200000 сўмлик мулкани қўлга киритиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми «а» бандида

назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган;

г) *эҳтиёткор бўлмаган тип* – қонун-қоидаларга енгилтаклик, маъсулиятсизлик билан, лоқайд муносабатда бўладиган шахслар – тасодифан, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этадиган аёлларнинг катта қисмини ташкил этади. Масалан, Х.Д. ўзига тегишли ВАЗ-21083 русумли автомашина Темур Малик кўчаси бўйлаб, Ж.Обидова кўчаси томонидан Абдуллаева кўчаси томонга соатига 60 км тезликда ҳаракатланиб, йўл ҳаракати қоидасининг 1.4, 3.5-банди 4-қисми ва 16.3-банди талабларига зид равишда, яъни йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари, ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришлари ва тартибга солинган пиёдалар ўтиш жойларида ҳайдовчилар светофорнинг рухсат этувчи ишораси ёнган тақдирда ҳам, пиёдаларга қатнов қисмини шу йўналишда кесиб ўтишни тугаллашига имкон беришлари кераклиги тўғрисида талабларни бузиб, йўл ҳаракати қоиданинг 5.16.1-белгисига амал қилмасдан ҳаракати бўйича пиёдалар ўтиш жойидан унинг йўналишида ўнгдан чапга йўлни кесиб ўтаётган 54 ёшли пиёда Ю. М.ни уриб юбориб, унга ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказган;

д) *қарам тип* – бу тип вакиллари га гиёҳвандлик воситалари, спиртли ичимликлар ёки турмуш ўртоғига руҳан қарамлик туфайли турли жиноятлар содир этиш хосдир. Масалан, Касби тумани судининг ҳукмига кўра А. Х. учта гугурт қутиларига жойланган 13,7 гр. марихуана гиёҳвандлик воситасини фуқаро Х. Б.га 45000 сўмга сотган, шунингдек унинг уйдан яна 8 та гугурт қутиларига жойланган 46,7 гр. марихуана гиёҳвандлик воситаси топилган. У жиноятни ўзи билан никоҳсиз яшаб келган П. А.нинг таъсири остида у билан иштирокчиликда содир этган.

Шахснинг криминоген мотивацияга мойиллигининг чуқурлиги ва турғунлиги жиҳатидан аёл жинсидаги жиноятчиларни қуйидаги шахсий типларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

тасодифий жиноятчи аёллар – тасодифий ҳолатлар натижасида, ўзининг аввалги хулқ-атворининг умумий тавсифига зид равишда жиноят содир этган аёллар;

вазиятга боғлиқ жиноятчи аёллар – беқарор шахсий хусусиятлар ва турмуш шароитларининг таъсирида жиноят содир этган аёллар;

беқарор жиноятчи аёллар – жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормаларидан чекинган, бироқ шунга қарамасдан уларни қатъий ўзлаштириб олмаган аёллар;

профессионал жиноятчи аёллар – жиноят содир этиш орқали ўз олдига қўйган мақсадларга эришишга қатъий интиладиган аёллар.

Криминоген мотивациянинг хусусияти, чуқурлиги ва турғунлигига асосланган мазкур типологияни келтирар эканмиз, биз уни судланганлик ва рецидивнинг расман мавжуд эканлиги ё йўқлиги, тайинланган жазо тури, ёши, касби ва бошқалар, яъни шахснинг жиноят-хуқуқий ва ижтимоий-демографик тавсифи мезонлари билан атайин боғламадик. Шунингдек, типологияни жиной хатти-ҳаракатларнинг хусусиятига қаратишга ҳам уринмадик, зотан мазкур типология криминология фанида етарли даражада кўриб чиқилган. Бу қараш айнан шахсни мотивациянинг йўналиши бўйича ўрганишга асосланган ёндашувга жавоб беради, чунки, бизнинг фикримизча, ҳар қандай рецидивист ҳам профессионал жиноятчи типига мос келавермаслиги, биринчи марта жазога ҳукм этилган шахс эса қамоққа тасодифий ҳолатлар туфайли тушиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

Аёллар жиноятчилигини жиноятчиликнинг мустақил таркибий элементи сифатида ўрганишга XIX асрнинг иккинчи ярмида асос солинган бўлиб, ушбу масалага дастлаб Ламбер Адольф Жак Кетле (1796–1874) ва Чезаре Ломброзо (1836–1909) эътибор берган.

Илмий статистика асосчиларидан бири, бельгиялик социолог ва криминолог А. Кетле жиноятчиликнинг ривожланиш қонуниятларини тушунтиришга ҳаракат қилиб, «жиноят содир этишга мойиллик одамнинг ёши, жинси, касби, маълумот даражаси, йилнинг мавсуми ва бошқаларга боғлиқ бўлади»¹, деган хулосага келган. У эркаклар ва аёллар жиноятчилигидаги фарқларни фақат жинсларнинг жисмоний ривожланишидаги фарқ билан тушунтирибгина қолмай, аёлларнинг девиант хулқ-атворини ижтимоий турмушдан узилганлик, оилавий мажбуриятлар доирасида ўралашиб қолганлик билан ҳам изоҳлади. Кетленинг фикрича, жиноятга мойиллик эркакларда аёлларга нисбатан кучлироқ намоён бўлади, чунки аёллар кўп жиҳатдан ҳис-туйғулар таъсири остида бўлади, уларга шарм-ҳаё ва камтарлик хосдир, шунингдек ўзининг ижтимоий қарамлиги ва ёлғизлиги туфайли улар жиноят содир этиш учун камроқ имкониятга эга бўладилар. Бундан

¹ *Кетле А.* Человек и развитие его способностей. – СПб., 1865.– С. 7–8.

ташқари, ўзининг жисмоний заифлиги туфайли улар (аёллар) жиноятга туртки берадиган ҳолатлардан доим ҳам фойдалана олмайдилар.

У жиний хулқ-атворнинг вужудга келишига ижтимоий муҳит сабабчи, аёлларнинг биологик хусусиятлари жиноятларнинг алоҳида турларини белгилайди ёки айрим ҳолларда уларнинг миқдор кўрсаткичларини чегаралайди, шу боис бу хусусиятлар жиноятлар содир этилишининг сабаби ҳисобланмайди, деган фикрни илгари сурди. Шунингдек, аёлларнинг турмушдаги ҳар хил қийинчиликлардан руҳий жиҳатдан камроқ ҳимояланганлигини ҳам ҳисобга олмаса бўлмайди, дея таъкидлайди А. Кетле.

Антропологик мактаб вакиллари – Ч. Ломброзо ва унинг Россиядаги издоши П.Н. Тарновская бу ҳодисани бир қадар бошқача тушунтирадилар¹. Ч. Ломброзо аёллар жиноятчилигининг жадаллиги эркакларникига нисбатан паст эканлигини аёл организмнинг ўзига хослиги, аёл табиати ва унинг маълум даражада «биологик норасолиги» билан изоҳлади. Ч. Ломброзонинг машҳур ғояларидан яна бири бу аёлларнинг тажовузкорлигига ҳайз кўриш цикллариининг катта таъсир кўрсатиши ҳақидаги фикрдир. Ч. Ломброзо томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, жиноят содир этганлиги учун қамоққа олинган 80 нафар аёллардан 71 таси жиноят содир этиш пайтида ҳайз кўрган. Ч. Ломброзонинг бу назарияси ҳозирги кунда ҳам машҳурдир. Жумладан, жаҳон суд амалиётида шундай ҳодисалар ҳам маълумки, юқорида зикр этилган ҳолат аёллар томонидан қасддан шахсга қарши содир этилган жиноятлар учун чиқарилган ҳукмни юмшатишга хизмат қилган².

Аёллар томонидан содир этилган қасддан одам ўлдириш ҳар доим ҳам криминологларнинг эътиборини тортиб келган, зотан аёллар томонидан содир этиладиган одам ўлдириш ва бошқа зўрлик ишлатиб амалга ошириладиган жиноятларнинг даражаси нисбатан юқори эканлиги анча олдин аниқланган.

Ч. Ломброзонинг издоши, италиялик криминолог Энрико Феррининг фикрича, аёллар эркакларга қараганда шафқатсизроқ бўлиб, «ашаддий» рецидивист аёллар ўз қилмишларидан энг бешафқат

¹ Ломброзо Ч. Женщина-преступница и проститутка.– Киев, 1902; Ломброзо Ч., Ласки Л. Политическая преступность и революция. – СПб., 1906; Тарновская П.Н. Женщины-убийцы. – СПб., 1902.

² Женская преступность. Энциклопедия приключений и катастроф. – Минск, 1996. – С. 517.

жиноятчи эркакларга нисбатан камроқ пушаймон бўладилар. Ч. Ломбронинг аёлларнинг таъсирчанлик даражаси пастлиги ҳақидаги фикрга қўшилгани ҳолда Э.Ферри қуйидагича таъкидлайди: «Бу уларда оналик функцияларини бажаришлари оқибатида содир бўлади, мазкур функцияларни бажариш шу қадар кўп куч талаб қиладики, натижада аёлларнинг биологик ривожланиши секинлашади ва руҳий ривожланиш даражасига кўра улар болалар билан катта одамлар ўртасида туради»¹.

Юқорида номи зикр этилган антропологик мактабнинг яна бир вакили П.Н. Тарновскаянинг илмий қарашлари эътиборга моликдир. У инсондаги жинсий хулқ-атвор унинг жиноят содир этишга биологик мойиллигидан келиб чиқади, деб ҳисоблайди, бироқ нобоп турмуш шароитлари, тарбия ва намунанинг салбий таъсирига ҳам эътиборини қаратади.

П.Н. Тарновская асосан Россиянинг Европа қисми марказида яшовчи 160 нафар одам ўлдирган аёлларнинг шахси ва хулқ-атворини пухта ва муфассал ўрганиб чиққан. Барча жиноятчилар антропологик текширувлардан ўтказилди, кўпчилигининг эса кўриш, эшитиш, ҳид ва таъм билиш, умумий ва оғриқни ҳис қилиш қобилиятлари текшириб кўрилди. Мазкур аёллар ва улар оилаларининг ўтмишдаги ҳаёти, жумладан, касби, касалликлари, феъл-атвори, нимага мойилликлари ва одатлари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек жиноятчилар билан суҳбатлашиш жараёнида олинган психологик маълумотлар тўпланди.

Олинган материаллар ва қиёсий таҳлил асосида П. Тарновская жиноятчи ва жиноятчи бўлмаган аёллар ўртасида, шунингдек қотилларнинг алоҳида турлари ўртасида антропологик хусусиятидаги айрим фарқлар мавжуд, деган хулосага келди. Унинг фикрича, бош чаноғи нисбатан яхши ривожланмаган ва ҳажман кичик бўлган, «насл бузилишининг кўп сонли анатомик аломатлари – юз, бош, кулоқ, тиш дистрофиялари кўриниб турган, сезги органларининг фаолиятида ўзгаришлар содир бўлган, ёмон ирсиятдан янада тубанлашган қотил аёллар руҳий ва жинсий жиҳатдан жуда катта камчиликларга эга бўлганлар. Қизиққон ва жиззаки ёки маънавий заиф, яхши-ёмон ишнинг фарқига бормайдиган, жинсий функцияси нотўғри ривожланган ёхуд руҳий ва асаб хасталиклари билан касалланган жиноятчи аёллар чиндан ҳам ўсиб келаётган авлодининг заифлашган ёки ўзгарган ҳаёт

¹ Ферри Э. Преступные типы в искусстве и литературе. – СПб., 1908. – С. 47–48.

энергиясининг ўзига хос норасо маҳсулини ташкил этади... Булар ҳомиладорликнинг биринчи кунлариданок нотўғри ривожланган одамлардир»¹.

Узоқ вақт давомида, яъни XX асрнинг 30-йилларига қадар аёллар томонидан зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларининг сабаблари асосан биологик, ирсий омиллар билан изоҳланиб келинди. Бироқ, шу билан бирга, жинойий типларнинг фақат физиологик жиҳатларини баҳолаб қолмай, уларнинг дунёни ҳис қилиш ва атроф-муҳитни идрок этиш соҳасини ўрганишга ҳаракат қилинган асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. Бошқача айтганда, жиноятчи аёлларнинг шахсини ўрганишда яна бир йўналиш – психологик йўналиш вужудга келди.

Аёллар жинойий хулқ-атворининг табиати ва уни вужудга келтирган сабаблар ўрганилган бошқа бир қатор ишларни ҳам тилга олиш мумкин, уларнинг айримларида муайян мисолларни таҳлил ва талқин қилиш усулидан самарали фойдаланилган. Улар жумласига Е.К. Краснушкин ва Н.Г. Холзаковаларнинг «Гомосексуалист-қотил аёллар ҳаётидаги икки ҳодиса» мақоласини киритиш мумкин². Унда аёллар томонидан содир этилган одам ўлдириш жиноятларининг биринчи навбатда кенг ва чуқур психологик таҳлили берилган. Қолаверса, бу таҳлил психиатрик хусусиятга эга бўлган ноёб кузатишлар ва тиббий маълумотлар билан тўлдирилган. Жиноятчиликка ирсий омилларнинг таъсири ҳам ўрганилган.

Аёлларнинг тубан хулқ-атворининг энг типик кўринишларидан бири – улар томонидан ўз чақалоғини ўлдириш сабаблари ҳақидаги илмий ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. 1928 йили Б.С. Маньковский фарзандкушликнинг кўпайиши сабабларини ўтмишдаги оилавий негизларнинг ижтимоий бўҳронлар ва инқилобий ўзгаришлар таъсирида бузилганлиги, янги турмуш тарзи ҳали яхши мустаҳкамланиб улгурмаганлиги билан тушунтиради. Бунинг натижасида жамиятда жинсий муносабатларга енгилтаклик билан қараш кучайди. Бу енгилтаклик Б.С. Маньковскийнинг фикрича, никоҳсиз ҳомиладорлик ва никоҳсиз туғилган болалар сонининг ўсишига олиб келди. Бу эса ўзининг ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволдан қандай йўл билан бўлмасин қутулишни истаган аёллар сонининг ортишига сабаб бўлди³.

¹ *Тарновская П.Н.* Женщины убийцы. – М., 1974. – Б. 456.

² *Краснушкин Е.К., Холзакова Н.Г.* Два случая из жизни женщин убийц-гомосексуалисток. Преступник и преступность. – М., 1926.

³ *Маньковский Б.С.* Детоубийство. Убийства и убийцы. – М., 1928. – С. 261-262.

Мазкур ишларни, уларда мавжуд бўлган муаммога янгича ёндашувни ва уларнинг шубҳасиз долзарблигини объектив тан олган ҳолда, бу ишлар, юқорида тилга олинганидек, фақат тавсифий хусусиятга эга эканлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Тадқиқотчи криминологлар ўз ишларида кўп жиҳатдан аёллар жиноий хулқ-атворининг маълум қонуниятларини аниқлаганлар ва қайд этганлар, бироқ унинг детерминациясини мувофиқ равишда тушунтирмаганлар.

Мазкур ҳолатни қайд этган ҳолда, бу тадқиқотлар амалга оширилган тарихий давр, муҳит ҳақида ҳам унутмаслигимиз керак. Сиёсий тузум ва расмий мафкура жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиш мумкинлиги ҳақидаги назарияни инкор этувчи жиноятчилиكنинг сабабларига оид бирон-бир асос, далилларнинг келтирилишига йўл қўймас эди. Табиийки, бу вазият криминология фанининг ривожланишига, шунингдек аёллар жиноятчилиги муаммоларининг ўрганилишига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Жиноятчиликнинг мазкур тури фақат XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб олимларнинг эътиборини яна ўзига торта бошлади. Бунда фақат жиноятчи аёллар шахсининг статистик қонуниятлари ва хусусиятларигина эмас, уларнинг жиноий хулқ-атворининг турли кўринишлари ҳамда микроижтимоий муҳитнинг, шу жумладан жазони ижро этиш жойларидаги муҳитнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганила бошланди.

Шунга қарамай, аёллар жиноятчилиги билан боғлиқ кўпгина масалалар юзасидан илмий маълумотларнинг тақчиллигини қайд этган ҳолда, мазкур муаммони ёритишга Россия криминологлари томонидан анчагина эътибор берилди. Улар орасида Ю.М. Антонян, Л.Ш. Беркашвили, Т.Н. Волкова, В.Н. Зырьянов, И.И. Корзун, В.А. Серебрякова ва Д.А. Шестаковларнинг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

II БОБ

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

1-§. Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабаблари

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг объектив ва субъектив сабаблари аёлларнинг жиноий хулқ-атвори ҳамда ушбу хулқ-атворга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий, маиший омиллар асосида ўрганилади. Бундай омиллар жумласига, биринчи навбатда қуйидагилар киради: ижтимоий-демографик омиллар (урбанизация, миграция, жинс ва ёшга оид маълумотлар ва маъмурий-худудий тузилишнинг ўзгариши); иқтисодий омиллар (умумий ва тармоқлардаги бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, нарх-навони белгилаш); сиёсий ва ижтимоий-руҳий омиллар (миллий мафкура, ахборот технологиялари, демократик институтларнинг фаолияти, ижтимоий дастурларни амалга оширишга давлатнинг муносабати); ташкилий-ҳуқуқий омиллар (амалдаги қонун ҳужжатлари, уларни қўллашни таъминловчи институтларнинг самарадорлиги) киради.

Бироқ юқорида келтирилган ушбу омиллар доирасини мукамал ва тўлиқ деб бўлмади. Чунки жиноятнинг содир этилишига олиб келадиган катта-кичик омиллар миқдорини тўла ва тўғри аниқлаш мумкин эмас. Шунга қарамасдан криминолог олимлар бу борада кўпроқ натижага эришиш мақсадида тинимсиз интилмоқдалар ва ҳозирда жиноятчиликка 320дан ортиқ омиллар таъсир кўрсатишини аниқлаганлар. Ҳозирги замон криминологиясида жиноятчиликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари тушунчаларининг қўлланиши, уларнинг фарқлари юзасидан мунозара тобора кескин тус олиб бормоқда. Олимлар жиноий хулқ-атворнинг асл сабабларини бугунги кунда (жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида) аниқ ва тўлиқ билиш мумкин эмас, деган хулосага келмоқдалар. Зотан, кишиларнинг хулқ-атворини тушунтирувчи мукамал назария ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Бундай назария қачондир ишлаб чиқилган тақдирда ҳам муайян жиноятнинг (шу жумладан жиноятчиликнинг ҳам) асл сабабларини тушунтирувчи ҳолатлар ва омилларни аниқ белгилаши мумкин эмас.

Шу нарса диққатга сазоворки, мазкур тенденциялар энг янги криминологик тадқиқотларда ҳам ўз аксини топмоқда. Масалан, М.О. Наукенов юқорида зикр этилган баҳсли муаммонинг ечимини

топишга ҳаракат қилиб, ўз асарида «сабабий омиллар» тушунчасини қўллаган¹. Бу муносабат билан Е.И. Каиржанов, жиноятчилик сабабларини ўрганиш тарихидан келиб чиқиб, жиноятчилик сабабларининг манбалари сонига қараб уларни бир омилли ва кўп омиллига ажратиш мумкинлигини қайд этади².

Мазкур қарашдан келиб чиқиб, аёллар жиноятчилигининг сабаблари ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитларини ёритишдан ҳам кўра, ушбу жиноятчиликни вужудга келтирувчи омилларни таҳлил қилиш ўринлидир. Бунда жиноятчилик омилларига жиноятчиликка бевосита таъсир кўрсатувчи (уни келтириб чиқарувчи, унга туртки берувчи ёки монелик қилувчи) ходиса (ходисалар йиғиндиси) деб қараш лозим. Бу борада яна шуни инобатга олиш керакки, жиноятчиликнинг умумий сабаби мавжудлиги эмпирик жиҳатдан аниқ исботланмаган, унинг тавсифи зиддиятли, гипотетик хусусиятга эга.

Биз сабаб ва шарт-шароитларга маълум тарихий босқичда аёллар жиноятчилиги кўрсаткичларининг динамикаси – ўсиши ёки пасайишини белгиловчи ҳолатлар деб қараймиз.

Агар шарт-шароитлар атамасини қўллайдиган бўлсак, айнан улар – яшаш шароитлари аёлларнинг жамиятдаги ҳолатини ёрқин тавсифлайди.

Бу нуқтаи назардан олиб қараганда, криминолог олимларнинг жамият тараққиётидаги ҳар бир янги босқич аёлнинг шахс сифатидаги ҳолати ўзгаришига олиб келади, деган фикри ўринлидир. Зотан, жиноий қилмишлар соҳасида ҳам шундай алоқа мавжуд. Масалан, аёллар банд бўлган соҳалар ва улар содир этувчи жиноятларнинг турлари ўртасида маълум алоқа мавжуд. Бундан аёллар жиноятчилигини, умуман жиноятчилик муаммоси қатори, муайян тарихий шарт-шароитларга боғлаб ўрганиш зарур деган муҳим методологик қоида келиб чиқади. Муайян ижтимоий вазиятларни таҳлилдан ўтказишгина юқорида зикр этилган мураккаб муаммонинг ечимини топиш имконини беради.

Бу борада зарарли ишлаб чиқаришларда банд бўлган хотин-қизларнинг салбий статистикасига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зотан, тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмаган, оғир турмуш шароитларида, зарарли ишлаб чиқаришларда меҳнат қилиш шахснинг саломатлигига ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатади.

¹ *Наукенов М.О.* Коррупционные преступления: криминологический и уголовно-правовой анализ. – Алматы, 1999. – С. 62.

² *Каиржанов Е.И.* Криминология (общая часть). – Алматы, 1995. – С. 72.

МДХ мамлакатларида 2,4 миллиондан ортиқ хотин-қизлар оғир ишлаб чиқаришларда банд бўлиб, оғир уй-рўзғор ва тиббий хизмат кўрсатиш шароитларида шахснинг умумий соғлиғига, шу жумладан унинг руҳиятига, айниқса, салбий таъсир кўрсатмоқда¹.

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги аста-секин ортиб бормоқда. Хотин-қизларнинг жамоат ташкилотлари сони кўпаймоқда. Республика Адлия вазирлигида хотин-қизлар ва болаларнинг муаммолари билан шуғулланувчи 40дан ортиқ ташкилот рўйхатга олинган. Мазкур фаолиятни мувофиқлаштириш учун 1995 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган фармони уларнинг барча босқичлардаги ижроия ҳокимияти органларида кўпроқ қатнашишлари учун имкон яратади. Фармонга мувофиқ турли поғоналардаги ҳокимлик маъмуриятларида тегишли даражалардаги хотин-қизлар кўмиталарининг раислари ҳоким ўринбосарлари лавозимига тайинланадилар ва ижтимоий соҳанинг ҳолати учун жавоб берадилар. Ушбу фармон квота тизимини қайта тиклайди ва давлатнинг аёлларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ривожлантиради.

Хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилишга қаратилган муайян қадамлар ташланганига қарамай, биз уларни ҳал қилишнинг том маънода демократик, илғор даражасига ҳали етганимизча йўқ. Бу нуқтаи назарда Россия намунаси диққатга сазовор. Чунончи, Россия Федерал йиғилишига сайловда мамлакат тарихида биринчи марта хотин-қизлар мустақил ижтимоий-сиёсий куч сифатида иштирок этди. Уларнинг бир қисми алоҳида партия – «Россия хотин-қизлари» партиясини тузди. Бугунги кунда Россия парламентаризмининг юқорида зикр этилган партия фаолиятсиз тасаввур қилиш мушкул.

Ўзбекистонда ҳам хотин-қизлар аҳволини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатининг концепцияси ишлаб чиқилган ва бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги «Оилада давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий манфаатлари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари» Давлат дастурида ўз аксини топган. Бироқ аёлларнинг муаммоларини ҳал қилишнинг миллий механизми ҳали шакллантирилганича йўқ. Тенг

¹ Аргументы и факты. – 2003. – №42.

имкониятлар тўғрисида қонун қабул қилинмаган. Хотин-қизлар жинсига қараб камситилган ҳолларда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи суд амалиёти деярли мавжуд эмас. Бу нуқтаи назардан Конституциянинг барча фуқаролар тенг ҳуқуқлилиги ҳақидаги демократик қоидалари ва тамойиллари миллий қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларида янада муфассал мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Ўз-ўзидан аёнки, биз ушбу ишда кўриб чиқаётган муаммоларнинг юқорида қайд этиб ўтилган алоҳида жиҳатлари ўз ҳолича содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий йўсиндаги салбий ҳодисалар ҳар хил даражада ижтимоий беқарор одамларни муқаррар равишда жиноят йўлига олиб киради, деган маънони англатмайди. Зотан, жиноий хулқ-атвор инсоннинг шунчаки турмуш шароитларига эмас, балки унинг мазкур шароитларни қандай идрок этиши ва уларга қандай баҳо беришига боғлиқдир.

Маълумки, жиноий-хулқ атворни онг доим ҳам қамраб олавермайдиган нозик, чуқур ва ўзига хос ички кечинмалар шакллантиради. Бу кечинмалар инсон ҳаётининг асослари, унинг дунёқараши, ўзининг ҳаётдаги ўрнига муносабати ва турмуш шароитларига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий ҳуқуқсизлик, умумий руҳий беқарорлик, маънавий-психологик қадриятларнинг йўқолиши ва бунинг натижаси ўлароқ, бундай шароитларда оилавий турмушга, ижтимоий муҳим «оила ўчоғининг ёқувчиси» ролини бажаришга лаёқатсизлик жамиятида, айниқса, ёшлар орасида аёллар жиноятчилигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардир.

Ёш аёллар ва қизлар, жумладан вояга етмаганлар ҳам қандайдир йўллар билан бойиб кетиши, ижтимоий зинанинг нисбатан баланд поғоналарига кўтарилишга ҳаракат қилмоқдалар. Интилиш, албатта, яхши, аммо бу мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай, ҳатто ғайриқонуний воситалар ишга солинмоқда.

Маълумки, бойлик бу фақат моддий неъмат бўлиб қолмай, жамиятда нисбатан юксак мавқени кўлга киритиш, ижтимоий нуфузга, ҳар хил имтиёзларга эга бўлиш воситаси ҳамдир. Бу кўпчиликни, айниқса, ёшларни ўзига тортмоқда. Бойликка одамлар нафақат тўғри, балки эгри йўллар билан ҳам интилмоқда, зотан, пул, имтиёзлар ва юксак мавқе уларга қачондир, ноаниқ келажакда эмас, балки ҳозир, шу дамда керак. Афсуски, бунинг учун ҳозир имкониятлар мавжуд.

Юқорида зикр этилган жараёнларнинг бошқа бир салбий томони ҳам бор. Бу ёшлар орасида асосан моддий неъматларнинг мавжудли-

ги принципига кўра ижтимоий табақаланишнинг кучайиб бораётганида кўринади. Тарғиб қилинаётган «гўзал ҳаёт»дан четда қолган ва ўз муаммоларини ҳал қилишнинг бошқа усулини топа олмаган айрим ёшлар (айни пайтда хотин-қизлар) жиноятга қўл урмоқдалар. Бу эса аёллар жиноятчилигининг субъектив ва объектив сабабларининг ўзаро уйғунлигини намоён этади.

Илмий адабиётларда бу масала илгари ҳам кўтарилган эди. Масалан, Ю.М. Антонян таъминланмаган ва кам таъминланган оилаларда ёш аёллар ва қизлар яхши кийиниш ҳамда бошқа зарур ва нуфузли буюмларга эга бўлиш имкониятига эга эмаслиги, бунинг натижасида улар ўзини камситилган ҳис қилиши, уларда юқорида зикр этилган неъматларга эга бўлган шахсларга нисбатан ҳасад, баъзан ҳатто нафрат туйғулари уйғониши, бу уларни ўғрилиққа қўл уриши, фоҳишалик билан шуғулланишига туртки беришини қайд этган¹. Бу фикрни аёл жинсига мансуб вояга етмаган жиноятчилар муаммосига бағишланган махсус тадқиқотларнинг натижалари ҳам тасдиқлайди. Бундан ташқари, миллий илмий адабиётларда учрайдиган аёллар жиноятчилиги тўғрисида айрим маълумотлар ҳам юқорида келтирилган хулосаларга мос келади.

Аёллар жиноятчилиги ижтимоий муҳитдаги маданият ва жинслар тенглиги муаммолари билан бевосита боғлиқдир. Консерватив патриархал маданият типи, жамиятимиз бошидан ўтказилган мустабид тузум аёллар ижтимоий қарамлигининг икки хил мезонини шакллантирди. Бу асоссиз икки хил стандартларга таянувчи ахлоқда, жинсий тенгсизлик шаклини акс эттирувчи тилда, хурофий қарашларни болалиқдан шакллантирадиган таълимда, хотин-қизларнинг шаъни ва кадр-қимматини ерга урадиган образни шакллантирувчи оммавий ахборот воситаларида ўз ифодасини топади.

Бугунги кунда йирик шаҳарларда ижтимоий-маиший ва маданий аҳамиятга молик муассасаларда мансабдор шахслари ва хизматчиларини, маҳаллий ҳокимият органлари ходимларини пора бериш йўли билан ўзига оғдиришга асосланган хуфия хонадонлар (амалда бузуқхоналар), қўшмачиларнинг кенг тарқалган ва мукамал тармоғига эга бўлган фоҳишалар хизматидан фойдаланиш уюшган тижорат негизига қўйилган. Фоҳишалик билан шуғулланишга ва жиноий фаолиятнинг бошқа шунга ўхшаш шаклларига вояга етмаганлар ҳам фаол жалб этилмоқда.

¹ Антонян Ю.М. Преступность женщин // Социалистическая законность. – 1991. – № 7. – С. 20.

Вояга етмай туриб жиноят содир этганлиги сабабли ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш бўлимларида ҳисобда турган қизларнинг шахсини ўрганиш, улар орасида ўқишдан бўйин товлаш, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш билан бирга жинсий бузуқлик билан ҳам шуғулланаётганлар эркак жинсидаги ўсмирларга караганда кўпроқ учрайди.

Жинсий ҳаётнинг эрта бошланиши ўсмир қизларга ҳам турлича таъсир кўрсатади. Бундай хулқнинг шаклланганлиги қиз болаларга, уларнинг оила аъзоларига анчагина кўнгилсизликлар туғдириши мумкин. Уларда физиологик қониқишга эҳтиёж туғилса, қизларнинг ҳис-ҳаяжонга тез берилувчанлиги, иродасининг ожизлиги ўзини тутолмаслиги туфайли тартибсиз жинсий алоқаларга киришиши ва у билан боғлиқ кўнгилсиз оқибатларга, хусусан фоҳишалик билан шуғулланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, турли таносил касалликларини келтириб чиқаради. Чунончи, 1998 йилда захм (гонорея) билан касалланганлар орасида 14 ёшгача бўлганлар 0,5 фоиз, 15-17 ёшлилар орасида 17 фоиз ва 18-20 ёшлилар 77 фоизни ташкил қилган. Жинс нуқтаи назаридан кўриб чиқсак 14 ёшгача бўлган захм касаллигига чалинганларнинг 65,5 фоизни; 15-17 ёшлилар орасида 62,2 фоизни; 18-20 ёшлилар ичида эса 57,7 фоизни қизлар ташкил қилади¹.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, вояга етмаган қизларда жинсий алоқага мойилликнинг эрта уйғониши ва фоҳишаликнинг кенг тарқалиши ОИТС, таносил касалликларининг кўпайиши бевосита боғлиқдир. Фоҳишалик кўп ҳолларда жиноят содир этилиши учун замин ҳам ҳисобланади. Вояга етмаган қизлар хулқидоғи бузилишлар уларнинг фоҳишалик билан шуғулланиши ва хулқининг жиноийлашувига, шунингдек жиноий қилмишнинг содир этилишига шарт-шароит яратиши мумкин. Фоҳишалик бу жиноятчилик олами билан бевосита алоқадор ҳодиса бўлиб:

- фоҳишаларнинг кўшмачи (сутенер)ларга тобе эканлиги;
- уларнинг кўпинча жиноий тажовузлар объекти, чунончи гиёҳвандлик воситалари билан ғайриқонуний муомаланинг объектига айланиб қолиши;
- фоҳишаларнинг жиноий гуруҳларнинг аъзоларига хизмат кўрсатиши;

¹ Оила психологияси. – Т., 2001. – Б. 222.

– жиноятларнинг содир этилиши гуруҳнинг пассив аъзоси (лақмалар учун тузоқ, сохта жабрланувчи ва ҳ.к.) сифатида иштирок этишларида намоён бўлади.

Албатта, эрта бошланган жинсий ҳаёт муқаррар равишда жиноят содир этилишга олиб келади деб бўлмайди, аммо у вояга етмаган қиз ҳаётининг барча томонларига салбий таъсир кўрсатади. Хулқи бузук вояга етмаган қизлар орасида жинсий ҳаётнинг эрта бошланганлик ҳоллари кўп учрайди. Вояга етмаган қизлар ўртасида сўров йўли билан ўтказилган тадқиқот натижасига кўра вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида ҳисобда турган қизларнинг учдан бир қисми жинсий ҳаётни 14 ёшдан бошлаганлигини, 6,7 фоиз эса жинсий ҳаёт кечирмаганлигини айтган. Ўрганилган қизларнинг 43,3 фоиз жинсий ҳаётни 16-17 ёшдан, 41,7 фоиз 14-15 ёшдан, 5,8 фоиз 13 ёшдан, бошлаганлигини айтганлар, 2,5 фоиз эса қўйилган саволга жавоб бермаганлар.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузар қизларнинг ярмидан кўпи 16 ёшга тўлмасдан жинсий ҳаёт кечирини бошлаганлар. Уларнинг ҳар учтадан биттаси турли вақтларда бир қанча эркаклар билан тартибсиз жинсий алоқага киришганликларини айтганлар. Бунда ҳис-туйғулар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган.

Қизларнинг жинсий бузуқлиги кўп ҳолларда спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган. Текширилганларнинг ярмидан кўпи (54,2 фоиз) биринчи марта жинсий алоқага маст ҳолда киришганлар. Уларнинг фақат 43,3 фоизгина хушёр бўлганлар. Бу нохуш ҳодисанинг маст ҳолда рўй берганлиги ёки воқеанинг тасо-дифан юз берганлиги ҳақидаги жавоблар энг кўп бўлган.

Бугунги кунда жиноятларнинг олдини олишда жинсий соҳадаги бузилишларга етарлича эътибор берилмаяпти, чунки улар жиноят содир этиш билан ҳар доим ҳам боғлиқ бўлавермайди. Ҳатто, қизларга тартибсиз, жумладан гуруҳ бўлиб жинсий алоқага киришиш хос бўлса ҳам, суд-психиатрия экспертизасига жўнатилганида экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ҳеч бирида содир этилган жиноят билан боғлиқ жинсий бузуқлик тўғрисидаги масала савол сифатида қўйилмаган. Мазкур жиҳатга жиноят содир этишнинг субъектив сабаби сифатида қараб, етарлича эътибор берилмаётганлигини ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи нуқтаи назарида бемалол тушунтирса бўлади.

Агар ақли заифлик, руҳий камчиликнинг мавжудлигини аниқлаш шахснинг муомала лаёқатига эга эканлигини аниқлаш учун керак бўлса, бинобарин у ҳуқуқий оқибатларга эга бўлади, жинсий анома-

лиялар (нормадан четга чиқишлар) мавжудлигини аниқлаш айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги масалани ҳал этиш чоғида унинг руҳий ҳолатини тиббий баҳолашда ҳеч бир аҳамият касб этмайди. Назария ва амалиёт бу муаммони кўриб чиқмаган, бироқ экспертлар (сексопатологлар, психиатрлар) зиммасига жинсий аномалиялар, уларнинг сабаблари ва хусусиятлари, оқибатлари ҳақидаги масаланинг ечимини топиш вазифасини юклаш вақти келди.

Тўғри бугунги кунда суд-тергов амалиёти ва илмий адабиётларда ушбу муаммога етарлича эътибор берилмаяпти. Аммо комплекс суд-психиатрия ва сексопатологик экспертизаларда текширилган қизларнинг камида 1,5 фоизида худбинлик, ақлий заифлик, телбанамо хулқ-атвор билан кечадиган жинсий бузукликнинг мавжудлиги аниқланган. Лекин бу нуқсонлар шахсда муомала лаёқатининг йўқлигини билдирмайди ва шу боис жиноий қилмишни квалификация қилишга ва жазо тайинланишига таъсир этмайди. Бироқ бу аёллар жиноятчилигининг олдини олишда профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишда жуда муҳим саналади.

Шу боисдан юридик адабиётларда муомала лаёқати доирасидаги руҳий нуқсонларнинг жиноий қилмишга таъсири ва уларни жиноятчиларни ахлоқан тузатиш жараёнида инобатга олиш мумкинлиги ҳақидаги масала қизгин муҳокама қилинмоқда. Айти пайтда айбдор руҳий ҳолатининг объектив воқелиги (бинобарин, жиноятнинг субъектив томони ҳам) сифатидаги жинсий аномалия ҳолатига ҳанузгача жиноят-ҳуқуқий баҳо берилган эмас.

Афтидан, буни эрта бошланган жинсий ҳаёт, тартибсиз жинсий алоқалар қизлар орасида кўпроқ тарқалганлиги билан изоҳлаш мумкин. Аммо айти пайтда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар орасида кўпчиликни ўсмирлар ташкил этади, вояга етмаган қизлар жиноятчилиги муаммоси эса нисбатан яқиндагина махсус криминологик тадқиқотлар мавзуига айланди.

Тиббиётга оид махсус адабиётларга мурожаат қилсак, бундай хулқ-атворнинг сабаблари нафақат ташқи таъсир остида, балки ҳуқуқбузар қизларнинг шахсияти билан боғлиқ хусусиятлар туфайли мавжуд бўлиши мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда. Вояга етмаган қизлар орасида жинсий аномалиялар биз аниқлаганимиздан кўра кўпроқ, деб ҳисоблаш учун асослар бор. Вояга етмаганларнинг жинсий бузилиши сабабларини тадқиқ этиш қўшимча равишда ўрганилиши зарур бўлган мустақил мавзудир. Бироқ ушбу ижтимоий ҳодисаларнинг психологик, иқтисодий ва бошқа сабаблари мавжудлиги шубҳасиздир.

Демак, таносил касалликларининг айниқса, болалар орасида тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Ушбу тадбирлардан бири ёшлар орасида жинсий тарбияни амалга ошириш ҳисобланади.

Шу боис мутахассисларни жалб этган ҳолда вояга етмаганлар (кўпроқ қизлар) орасида жинсий тарбияга оид суҳбатлар ўтказилиши лозим. Масалан, Германияда бошланғич синф ўқувчиларига махсус дарсларда болаларнинг қандай дунёга келиши ва ҳоказолар ҳақида тушунчалар бериб борилади. Бу эса уларда жинслар ва жинсий ҳаёт ҳақидаги муайян билимларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Бу ўринда хорижий давлатлар тарбиясини республикамиз таълим тизимига киритиш лозим, деган фикрдан йироқмиз. Чунки ҳар бир ҳолатда, айниқса, болалар тарбияси, хусусан, жинсий тарбия билан боғлиқ масалалар ниҳоятда ўйлаб, эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб этади. Миллатимиз, халқимизнинг менталитетини эътиборга олган ҳолда мактаб, колледжларнинг ўқувчилари учун мўлжалланган дарсликлар яратиш, жинсий тарбия бўйича мутахас-сисларни тайёрлаш ўйлаймизки, ижобий самара беради.

Сўнгги вақтда болаларни қасддан ўғирлаш ва уларнинг бедарак йўқолиши ҳолатлари норасмий «секс саноати» соҳасидаги уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг натижаси, деб тахмин қилиш учун барча асослар мавжуд. Мазкур бизнес соҳасида ишлаб чиқариш технологияси жуда пухта йўлга қўйилганлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Бунинг учун жаҳон «Интернет» тармоғи сайтларига киришнинг ўзи кифоя.

Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти номукамал бўлган шароитларда уюшган жиноий тузилмаларнинг роли криминоген вазиятга, шу жумладан аёллар жиноятчилигига таъсири ҳам қонуний равишда ортади. Жиноий фаолият билан шуғулланувчи алоҳида шахслар ва гуруҳлар бирлашади. Бундай уюшмаларнинг қатъий иерархия ва интизомга бўйсундирилган инфратузилмаси маромига етказилади. Жиноий уюшмалар фаолиятига хотин-қизлар тобора фаол жалб этилади. Табиийки, жиноятчиликнинг умумий ўсиши содир бўлаётган, уюшган жиноий тузилмалар фаол иш олиб борилаётган шароитларда аёллар жиноятчилигига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қаршилик кўрсатиши, хотин-қизларнинг жиноий уюшмалар тизимига жалб этилишининг олдини олиши анча қийинлашади.

Шаклланаётган фоҳишабозлик тизимининг яна бир хавфли жиҳати шундаки, мазкур тизимни уюшган жиноятчилик ўз назорати

остига олишга ҳаракат қилади. Фоҳишалар хизматидан фойдаланишдан тушаётган пуллар уюшган жиноятчиликнинг, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг хизматчиларини пора эвазига оғдиришга сарфланаётган капиталининг катта қисмини ташкил этаётир.

Жиноий жазога лойиқ фаолият соҳаларининг кенгайиши, халқ хўжалигининг турли соҳаларида уюшган жиноий гуруҳларнинг «бирлашиши», фоҳишалар хизматидан даромад олиш, порнографик нарсалар ва гиёҳвандлик воситаларини тарқатиш ҳозирги замон босқичида уюшган жиноятчиликни таърифлайдиган асосий белгилардан биридир.

Бундай шароитларда уюшган жиноий фаолиятда аёлларнинг иштироки масалаларига доир жиддий илмий тадқиқотларнинг йўқлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жиноятчиликнинг, шу жумладан аёллар жиноятчилигининг тузилишида мавжуд бир қатор салбий ҳодисаларни узоқ вақт ва сунъий равишда яшириб келиш (бунинг натижаси ўлароқ, мазкур ҳодисаларга қарши кураш чора-тадбирларининг мавжуд эмаслиги) бугунги кунда ўз «ҳосили»ни бермоқда ва жиноий профессионализмнинг савияси тобора ортиб борапти. Профессионал аёллар жиноятчилиги муаммоси мавжудлиги, бу муаммонинг илгари ҳам мавжуд бўлгани сир эмас, аммо «жиноятчилик сабабларини тубдан йўқотишга қаратилган умумхалқ кураши» даврида бу муаммога, табиийки, эътибор берилмаган. Бугунги кунда эса, аёллар жиноятчилигининг объектив ва субъектив сабабларини ўрганмасдан ва унинг хусусиятларини аниқламасдан аёллар жиноятчилигини объектив билиш, ўрганиш ва унинг самарали олди олинишини таъминлаш мумкин эмас.

Жиноятга қўл уришдан ўзини тийишга мажбур қилувчи омил, ижтимоий назорат функциясини бажарувчи оила аёллар озодликдан маҳрум қилиш жойларидан чиққунига қадар одатда бузилиб кетади. Ота-онанинг ажралиши ва оиланинг бузилиши натижасида болаларга эътибор сусаяди. Сўққабош, никоҳда омади юришмаган оналар никоҳда бахтиёр оналарга қараганда ўз фарзандларининг тарбиясига кам эътибор берадилар. Отасизлик эмас, балки назоратнинг сусайиши ҳамда фарзанд билан қолган онанинг ўзининг янги мақомига мослашишида муҳим роль ўйнайди. Бу эса аёллар жиноятчилигининг объектив сабаблари сифатида гавдаланади.

Шу нарса диққатга сазоворки, юқорида зикр этилган ҳолларда эркак маҳкумларга қараганда, маҳкум аёлларнинг оилалари кўпроқ бузилиб кетади. Бундай ҳолатлар собиқ маҳкумларнинг жамиятга

мослашишини ўз-ўзидан оғирлаштиради, узок вақт мобайнида нормал турмуш шароитларидан маҳрум бўлган, жазони ўташ даврида ғайриижтимоий кўникмалар ва одатлардан кутилмаган аёллар олдида баъзан фақат битта йўл – жиноий фаолиятни давом эттириш қолади.

Тўғри, бу авваламбор, жамиятимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бошдан кечираётган объектив қийинчиликлар билан боғлиқ, кўп жиҳатдан қонуний бўлган ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жараёндир. Бу ерда, жумладан, бозор иқтисодига ўтилишига қараб, давлатнинг очик жаҳон иқтисодиёти тизимига муқаррар равишда қўшилиши натижасида мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида хотин-қизларнинг роли ортиб боришига эътиборни қаратишни истар эдик. Бу ҳам объектив тарихий жараёндир, аммо у доим ҳам ижобий натижаларга олиб келавермайди.

Тадбиркорликда хотин-қизларнинг иштирок этиши – бозор иқтисодиёти шароитларида юзага келган зарурат тақозосидир. Республикада кичик бизнес соҳасида банд бўлганларнинг 45 фоизни хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти турли мулк шаклларига асосланган нодавлат корхоналарда ёлланма ишчи кучи сифатида меҳнат қилади.

Бозор иқтисодиёти тузилмалари шаклланаётган, илгари бизга маълум бўлмаган эркин тадбиркорлик шакллари қонун йўли билан самарали тартибга солиш тизими мавжуд бўлмаган шароитларда жамият жиноий фаолият, шу жумладан аёллар жиноятчилигининг янги шакллари билан тўқнаш келишга мажбур бўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида хотин-қизлар ролининг ортиб бориши банк операциялари билан боғлиқ фирибгарлик, давлатнинг пул маблағларини ўзлаштириш, солиқ қонунларини бузиш каби жиноят турлари учун қулай замин яратишини жаҳон амалиётидан кўриш мумкин.

Масалан, «Спецкомплектгаз» ОТАЖ бухгалтери С., ушбу жамиятнинг бошқаруви раиси Д. ва омбор мудири А.лар билан олдиндан тил бириктириб, ўзларига ишониб топширилган ўзгалар мулкани талон-торож қиладилар. С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а» банди, Жиноят кодекси 205-моддаси 2-қисми «а» банди ва Жиноят кодекси 207-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилган, жиноят жами бўйича 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган¹.

¹ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди архивидан. 1-382/99 рақамли жиноят иши.

2000 йил октябрда «Пахта-банк» АБ бошқарувининг раиси, Ўзбекистон фуқароси Г. В. 1,5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. У банк муассислари билан жиноий тил бириктириб, уларга ғайриқонуний равишда 100 миллион сўм миқдордаги кредитни берганликда айбланди.

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг айрим моддалари, жумладан Жиноят кодексининг солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 184-моддасини қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг доираси кенгайганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Биз ўрганган шахсларнинг аксариятига нисбатан жиноий таъқиб дастлабки тергов босқичида, қоида тариқасида, давлатга етказилган зарар қопланиши ва айбдорларга қонунда белгиланган жарималар солиниши муносабати билан тўхтатилган.

Тўғри, ҳозирги замондаги аёллар жиноятчилигининг тавсифи юқорида келтирилган омиллар билангина чекланмайди, бироқ принципал аҳамиятга эга. Шу боис уларга аёллар жиноятчилигига уларнинг салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида жиддий эътибор бериш керак.

Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг объектив сабабларини ўрганишда улар яшайдиган ва фаолият кўрсатадиган муҳит масаласига эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Социология нуқтаи назаридан микромуҳитнинг асосий типлари бир қатор олимлар, жумладан, Ю.В. Сычев томонидан ҳам ўрганилган. Унинг фикрига кўра, мазкур типларга қуйидаги: 1) шахснинг фаолияти тури (ишлаб чиқариш – меҳнат, оилавий-маиший, ўқув-тарбия, маданий-оқартув, ҳарбий, мажбурий меҳнат)га қараб; 2) худудий белги (катта шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва ҳ.к.)га қараб; 3) миллий-этник белгига қараб; 4) ёшига қараб; 5) жинсий белгига қараб ажратиш мумкин¹.

Мазкур типологиянинг микромуҳитини криминологик ўрганишга татбиқ этиш мумкин, чунки унда микромуҳитнинг барча асосий турларига эътибор берилган бўлиб, жиноятчи шахсининг шаклланиш йўллари ва механизмини тушуниб етиш учун уларни таҳлилдан ўтказиш зарур.

¹ *Сычев Ю.В.* Микросреда личности и её место в системе социальных связей // *Философские проблемы общественного развития.* – М., 1971. – С. 146.

Бу борада аёлларга хос жинсий белгини биринчи даражали деб, қолган белгиларни эса шахснинг аёл жинсига мансублигидан келиб чиқиб, кўриб чиқиш керак бўлади.

Маълумки, оила микромуҳитнинг асосий соҳаларидан биридир. Оиланинг муайян шахсга таъсири унинг таркиби (ота-онанинг ёки улардан бирининг мавжудлиги) ва оиладаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти билан белгиланади. Ота-онали оилада инсон одатда ижтимоий алоқаларнинг дастлабки ва умумий тажрибасини орттирса, ўзининг шахсий оиласида муносабатларни у шу вақтгача орттирган ижтимоий тажрибасига асосан қуради. Шунинг учун ҳам хотин-қизларнинг девиант хулқ-атворининг шаклланишида оила микро-муҳитининг ролига мана шу тафовутлардан келиб чиқиб қараш керак.

Тадқиқотларга кўра, ўрганилган жиноятчи аёллардан 16,9 фоизи тўлиқ оилада, 55,4 фоизи тўлиқ бўлмаган оилада (шундан 93,1 фоизи ёлғиз она кўлида), 12,3 фоизи яқин қариндошлари томонидан, 15,4 фоизи болалар уйлари, интернатларда тарбияланган. Бунда тўлиқ оилада тарбияланганларнинг 42,3 фоизи отаси ёки онасининг иккинчи никоҳга киришига гувоҳ бўлган.

Оилавий, маиший соҳада аёллар томонидан жиноят содир этилиши масалаларига махсус криминологик тадқиқотларда катта эътибор берилган. Уларнинг деярли ҳаммасида спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш ва ичкиликбозликнинг жиноий хулқ-атвор билан бевосита алоқадорлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Бу ўринда Д.А. Шестаковнинг оилавий муносабатлар ҳамда жиноий хулқ-атвор билан уларнинг ўзаро алоқаси муаммоларига бағишланган ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу олимнинг хизмати шундаки, унинг тадқиқотлари таъсирида ҳозирги замон криминологиясида мустақил йўналиш – оилавий криминология шаклланди¹. Мазкур муаммоларни тавсифловчи қуйидаги маълумотлар аҳамиятлидир.

*Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилганлар
(ўрганилганларнинг тегишли тоифаларига фоиз нисбатида)*

жиноятчи эрлар	30 фоиз
жиноятчи хотинлар	16 фоиз
жабрланувчи эрлар	44 фоиз
жабрланувчи хотинлар	22 фоиз

¹ Шестаков Д.А. Семейная криминология. – СПб., 2006. – С. 148.

*Спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиши билан оилавий
можароларнинг алоқаси (фоизда)*

можаро ҳолатлари	хотинини ўлдирган	эрини ўлдирган
маст бўлмаган ҳолатда	80 фоиз	80 фоиз
эр маст бўлган ҳолатда	10 фоиз	10,5 фоиз
хотин маст бўлган ҳолатда	3,5 фоиз	3,5 фоиз
эр-хотин маст бўлган ҳолатда	2,5 фоиз	3 фоиз
жами	96 фоиз	97 фоиз

Юқоридаги жадваллардан кўриниб турибдики, оила-рўзғор муносабатлари негизда одам ўлдирганлар сонида спиртли ичимликларни суиистеъмол қилган эркаклар ва аёллар салмоғи бир хил эмас. Аммо бу ҳар 10 та алкоголизмга чалинган эркакка 3-5 та она шундай касал деб топилган аёл тўғри келишини кўрсатувчи мавжуд статистикага мосдир.

Оила-рўзғордаги жанжаллар негизда аёллар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103-105, 108-109-моддаларида назарда тутилган ва безорилик жиноятини (ЖК 277-м.) ҳам анча кўп содир этадилар. Уларнинг бундай ҳаракатлари натижасида кўпинча уларнинг эрлари, жазманлари, қариндош-уруғлари ва қўшнилари жабр кўради.

Жиноятчи аёлларнинг микроижтимоий оила муҳитини таърифлашда муҳим аҳамиятга эга маълум виктимологик жиҳат – жабрланувчиларнинг хулқ-атвориغا эътиборни қаратишни истар эдик. Кўриб чиқилган жами жиноятларнинг 59,8 фоизда жабрланувчиларнинг хулқ-атвори, шу жумладан: алкоголизм, айбдорнинг шахсига, унинг фарзандларига ҳурматсизлик, уриш, калтаклаш кўринишидаги зўравонлик жиноятга туртки берганини кўрсатди. Бундан ташқари, жиноят ишлари ва қонуни қўллаш амалиётини ўрганиш натижасида биз тергов ва суд органлари кўпинча жабрланувчиларнинг моҳият эътибори билан жиноий жазога лойиқ тегишли қилмишлар доирасига мансуб бундай хатти-ҳаракатларига мувофиқ юридик баҳо бермайди, деган хулосага келдик. Масалан, аёлларнинг жиноий хулқ-атворини жиноят-ҳуқуқий баҳолашда мазкур виктимологик омилга беписанд қараш ҳоллари одатда уларга қўйиладиган айбнинг даражаси ва қонуний равишда жиноий жазо санкцияларининг миқдорида ҳам ўз аксини топади.

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туман судининг 2008 йил 23 октябрдаги ҳукми билан С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси 1-қисми билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра С. 2008 йил 2 август куни соат 13.00 ларда келинойиси Й. билан жанжаллашиб, кўлидаги ошпичоғи билан унинг кўкрак қисмига бир марта уриб, унинг ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати етказганликда айбланган.

Суд жазо тайинлаётганида жабрланувчининг ғайриахлоқий хулқига, унинг касалхонада 10 кун даволанганига эътибор бермаганлиги туфайли С. ва Й.нинг кассация шикоятига кўра Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилиб, кўшимча суд экспертизасининг хулосасида Й.га етказилган тан жароҳати содир этилган вақтида ҳаёти учун хавфли бўлмаган деб кўрсатилган. Шуларга асосан вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати туман судининг С.га нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгартириб, унинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодекси 105-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиб, уни 3 йил озодликдан маҳрум этишга ажрим чиқарган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги 1998 йил 1 декабрь фармони-нинг 2-моддасига асосан С.ни жазодан озод этган.

Яккабоғ туманида яшовчи С. 2010 йил 4 сентябрда эри Ю. билан ўзаро жанжаллашиб, унинг бошига болта билан уриб, унинг ўлимига сабаб бўлган. Айбдорнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 98-моддаси билан квалификация қилинган.

Қарши туманида туғилган оилали, 2 нафар фарзанди бўлган П. А. билан яшаган, уни бошқа хотинлар билан юрганликда гумон қилиб, ухлаб ётганида бошига болта билан уриб, жабрланувчининг ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатини етказган ва ҳодиса жойидан қочиб кетган.

Қарши туман судининг ҳукми билан П. Жиноят кодекси 25-97-моддаси 2-қисми «в» ва «ж» бандлари билан айбдор деб топилиб, унга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Ўқув-тарбия микромуҳити шахснинг ҳаётий қадриятлари ва қизиқишларининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Маълумот даражаси билан криминогенликнинг ўзаро боғлиқлиги умум эътироф этилган: шахснинг маълумот даражаси қанча юқори бўлса, унинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир қилиш эҳтимоли шунча кам бўлади, зотан, юқори маълумот даражаси шахсга у ёки бу хулқ-атвор вариантининг оқибатларини яхшироқ англаш, ижтимоий мақбул эҳтиёжларни шакллантириш ва уларни қондиришнинг қонуний йўллари-ни топиш имконини беради.

Жиноятчи аёлларнинг маълумот даражаси ўрганилганда мактаб, лицей, колледж ва олий ўқув юртларидаги таълим бериш ва тарбиялаш билан боғлиқ айрим муаммоларнинг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Зотан, бу муассасаларда ўқув-тарбия жараёни узок вақт мобайнида «бир жинсли», умумлаштирилган ва тенглаштирилган ёндашув асосига қурилиб келган. Бундай аҳвол бугунги кунда ҳам қисман сақланиб қолаётир. Пировард натижада ўсмирларда ўғил болалар ва қизларга хос бўлган индивидуал руҳий-жисмоний хусусиятларнинг чегаралари «ювилиб» кетмоқда. Тарбияга оид чора-тадбирларнинг мавжуд тизими айнан ўсмирлар феъл-атвори, руҳияти, физиологик эҳтиёжларига кўпроқ мос келади, уларга хос бўлган дунёқарашни шакллантиради. Қизлар эса ўз шахсининг шаклланиши даврида бундай таъсирни ҳис қилиш натижасида, *биринчидан*, ўзига табиат ато этган аёллик асосларини йўқотади, *иккинчидан*, уларда эркакларга хос бўлган жиҳатлар – эркакшодалик, етакчилик қилишга интилиш, баҳсли вазиятларни ҳал қилишда кучга таяниш, жиззакилик, шафқатсизлик ва ҳоказо хусусиятлар шаклланади.

Юқорида зикр этилган омиллар баъзан шахсининг аномал ривожланишига, инсоний алоқаларнинг асл қадриятларини нотўғри тушунишига, ғайриижтимоий сифатларнинг ривожланишига олиб келади. Агар мазкур салбий омилларнинг таъсири катта бўлиб, вояга етмаган қизлар жиноят содир этсалар улар таълим жараёни мажбурий-тарбиявий хусусият касб этадиган колониялар ёки махсус ўқув муассасаларида таълимни давом эттирадилар. Аёл жинсига мансуб вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганувчилар озодликдан маҳрум этиш жойлари ва тергов ҳибсхоналарида бундай вояга етмаган қизларда таълим жараёнида тажовузкорлик айниқса кучайишини қайд этадилар.

Аёллар жиноятчилигини ўрганиш натижалари шаҳарлар ва қишлоқ жойларида аёлларнинг жиноятчилик даражаси ўзаро фарқланишини намоён этади. Бу, жумладан, ижтимоий муҳитдаги омилларнинг таъсири билан ҳам изоҳланади. Шаҳарда инсоннинг хулқ-атвори устидан яқин маиший муҳитнинг назорати анча заифлашади, бу эса, табиийки, ғайриқонуний қилмишлар содир этилишини енгиллаштиради. Қишлоқ жойларида шаҳарга нисбатан мустаҳкам ижтимоий алоқаларнинг сақланиб қолганлиги ўз ҳолича ижтимоий назорат элементи бўлиб хизмат қилади ва умумий ижтимоий-психологик ўзаро боғлиқлик билан ҳисоблашишга мажбур қилади.

Қишлоқ шароитларида шахс ўз хулқ-атворини ўзини қуршаган одамларнинг қарашларига мувофиқлаштиришини онглиликдан ҳам кўра кўпроқ конформизм, яъни мурасасозликнинг ифодаси деб билиш керак. Ўзи кўниккан муҳит билан алоқани йўқотгач, қишлоқ аҳолисининг вакили зарарли таъсирларга жуда осон берилишининг сабаби шу билан изоҳланади.

Оила-рўзғор муҳитида қишлоқ аёллари шахсга қарши жиноятлар ва ўғрилиқлар ҳам содир этади, аммо бундай жиноятлар жамоатчилик томонидан шаҳардагига нисбатан анча қаттиқ қораланади. Бунинг устига қишлоқда жиноят содир этган ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган аёллар озодликка чиққанидан кейин кўпинча уйига қайтиб келмайди, балки бошқа жойларда, асосан шаҳарларда қолади. Бу ўзига хос қонуниятда ҳам ўзига хос мезонларга эга бўлган қишлоқ микромуҳитининг маълум хусусияти кўзга ташланади, зотан, мазкур мезонлар, одатда, юқорида зикр этилган тоифага мансуб аёллар ўзининг аввалги яшаш жойига қайтиб келишига соф психологик тўсиқ бўлиб хизмат қилади, чунки яшаш жойидаги мустаҳкам ижтимоий фойдали алоқалар озодликдан маҳрум қилиш тариқасида ўталган жазонинг муддати билан бевосита боғлиқдир. Бундай шароитларда орттириладиган салбий кўникмалар ва хулқ-атвор принциплари эса, аёллар тушунчасида, озодликдаги аввалги турмуш тарзига мос келмайди.

Шаҳарларда ва қишлоқ жойларида аёллар жиноятчилигига микроижтимоий муҳит омилларининг таъсирига умумий таъриф беришда, шахс ижтимоий муҳитининг ўзгаришида миграция жараёнларининг аҳамиятини ҳам эътиборга олиш керак.

Авваламбор, оила, қариндош-уруғлар, қўшнилар, ошна-оғайнилар, меҳнат жамоаси кабилар билан боғлиқликда шаклланган ижтимоий алоқаларнинг узилиши оқибатлари айнан аёлларнинг жиноий хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатади.

Яшаш жойининг аниқ эмаслиги, шахсий тирикчилик ва оилани таъминлаш учун маблағлар етишмаслиги кўпинча бундай шахсларда ҳасадгўйликнинг кучайишига олиб келади, уларни ўзини ва ўз яқинларини қандай қилиб бўлмасин ҳимоя қилишга даъват этади, бунинг оқибатида аёллар баъзан жиноятга қўл уради.

Миллий мансублик белгисига кўра тузилган микроижтимоий гуруҳлардаги муҳитнинг ўзига хосликлари ҳам аёлларнинг криминоген фаоллигига ўзининг таъсирини ўтказувчи объектив омил сифатида эътироф этилади.

Бу ўринда аёллар жиноий хулқ-атворининг мазкур жиҳати жуда катта қизиқиш уйғотишига қарамай, у илгари деярли ўрганилмаган. Фақат лўлилар бундан мустасно бўлиб, аҳолининг криминоген гуруҳи сифатида улар тадқиқотчилар эътиборини 70-йилларнинг ўрталари 80-йилларнинг бошидагина ўзига тортди.

Лўлилар орасида жиноятларнинг олдини олиш ва улар содир этган жиноятларни очиш муаммоси юзасидан эълон қилинган адабиётларни ўрганиш уларда лўлилар миграциясига уларнинг ғайриқонуний хулқ-атворининг асосий омили деб қаралади.

Мутахассисларга лўли аёллар томонидан жиноят содир этишнинг анъанавий усули ҳам маълум, яъни улар бирон-бир фуқаронинг уйига «боланинг йўргагини алмаштириш» баҳонасида ёки бошқа баҳонада гуруҳ бўлиб кириб, хоналар бўйлаб тарқаладилар ва буюмларни ўғрилаб чиқиб кетадилар. Баъзан лўли аёллар гуруҳида «черня» деб номланган шахслар ҳам бўлади. Бошқа лўли аёллар уй бўйлаб тарқалиб, уй эгаларининг эътиборини ўзига жалб этган вақтда, «черня» уй эгаларининг кўз ифодасини кузатиб туради ва уларнинг ўзини тутишига қараб қимматбаҳо буюмлар яшириб қўйилган жойларни фаҳмлаб, уларни ўғирлайди ва бошқалардан олдин чиқиб кетади. Бироқ лўлиларнинг муқим яшаш жойи бўлмаганлиги, жиноят содир этган жойларидан зудлик билан «ғойиб» бўлишлари туфайли улар амалга оширган қилмишларнинг латентлиги юқори ҳисобланади.

Бир гуруҳ шахс бўлиб содир этилган жиноятлар тузилишида аёллар жиноятчилигининг салмоғи мазкур жиноятчиликнинг ҳолатини таърифловчи асосий кўрсаткичлардан биридир.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судида 2013 йил 20 октябрда М. Г.нинг жиноят иши гуруҳ таркибида бир нечта жиноят содир этилганига мисол бўлади. Муқаддам гиёҳвандлик воситаларини сотганлик учун судланган ушбу аёл бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, қонунга хилоф равишда қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, ўз қизи В.Г.ни шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун пул эвазига Дубай шаҳрига юборган.

Микроижтимоий муҳитнинг шахсга гиёҳвандлик ва фоҳишаллик каби ижтимоий салбий ҳодисалар орқали салбий таъсирини кўриб чиқиш ҳам аҳамиятлидир.

Ўзига хос ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари бўлган фоҳишалар ва гиёҳвандлар муҳитида ўзига хос субмаданият ҳамда норасмий хулқ-атвор ва ахлоқ нормаларининг мавжудлиги, уларнинг жиноятчилик билан бевосита алоқадорлиги ҳақида, шу жумладан махсус

криминологик тадқиқотлар даражасида ҳам жуда кўп айтилган¹. Адабиётларда, масалан, гиёҳвандлик ва маълум иш билан шуғулланмаслик ўртасида ўзига хос алоқа мавжудлиги қайд этилади: «бу, авваламбор, шахснинг алоқалари доирасини торайтирувчи ва унинг ижтимоийлашишида қийинчиликлар туғдирувчи гиёҳвандлик воситаларининг таъсири билан боғлиқ. Гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилувчи шахс, одатда, гиёҳвандлар муҳитида яшайди, ўзининг бошқа ижтимоий алоқаларини, шу жумладан иш жойидаги алоқаларини ҳам йўқотади»². Қайд этилган ҳолатлар фоҳишалikka ҳам тўла даражада тааллуқлидир. Бугунги кунда фоҳиша аёллар ўзларининг мазкур «машғулотлари»ни яширмай қўйдилар, баъзан уни «асосий меҳнат фаолияти»га қўшиб олиб бормоқдалар, зотан, кўплаб тижорат фирмалари ва корхоналар, фоҳишаларни эксплуатация қилиб, аёлларга гўёки ҳар хил хизматлар кўрсатиш соҳаларида расмий меҳнат билан бандликни таъминламоқдалар. Аммо ташқи реквизитларнинг ўзгартирилиши қадимги «касб»нинг мазмунини мутлақо ўзгартирмади, балки бу «касб» билан шуғулланиш тенденциясини анча кучайтирди.

Шахсда криминоген мойилликнинг вужудга келишига микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсирининг яна бир шакли хотин-қизларнинг маълум ёш тоифасини, айнан вояга етмаганлар ва ёш қизларнинг норасмий гуруҳлар таъсири остида жиноят йўлига тушаётганлигидир.

Маълумки, ғайриижтимоий йўналишдаги ёшларнинг ҳар хил тузилмалари муҳитида жинсий ахлоқсизлик, ичкиликбозлик кенг тарқалган бўлиб, зўравонлик тарғиб қилинади. Хотин-қизларга муносабат мазкур гуруҳларда қабул қилинган норасмий алоқаларнинг принципал нормаларидан биридир. Бундай алоқалар муҳитида вояга етмаган қизлар муқаррар равишда бузуқ йўлга киради. Уларнинг кўпчилигида дастлабки жинсий алоқалар бундай гуруҳларнинг аъзолари билан тартибсиз жинсий алоқаларга айланиб кетади. Бундай муҳитда йўқотиладиган ижтимоий фойдали алоқалар мазкур гуруҳларга ўзига психологик тобеликни келтириб чиқаради. Бошқа томондан тартибсиз жинсий алоқалар таносил ва ОИТС касалликларининг кейинги

¹ Проституция и преступность. Проблемы, дискуссии, предложения: Сб. научных трудов / Под общ. ред. Шмарова И.В. – М., 2012. – С.302; *Алферов Ю.А.* Жаргон и татуировки наркоманов в ИТУ. – М., 2002. – С.165.

² *Пахомов В.Д., Казакова В.А., Фирсаков С.В.* Наркомания и совершение корыстных преступлений // Советская юстиция. –1993. – №12. – С. 5.

вақтда айниқса вояга етмаган ва 18-20 ёшли қизлар орасида кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Объектив сабаб ҳисобланмиш шахс ижтимоийлашишининг барча босқичлари, оила муҳитидан бошлаб жиноят содир этилган муҳитгача, аёлни қонуний равишда муқаррар салбий натижага, яъни жиноят содир этишга олиб келади. Аммо, баъзан фақат ҳаётий фаолиятнинг маълум босқичларидагина ижтимоий муҳитнинг салбий омиллари таъсири кучаяди ва жиноятчи шахсининг шаклланишига кўмаклашади.

2-§. Аёллар томонидан жиноят содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар

Аёллар томонидан жиноят содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар – бу бевосита туртки бериб, аёллар томонидан жиноятнинг содир этилишини келтириб чиқармасида, аммо унинг содир этилишига имкон берган воқеа, ҳодиса ва жараёнлардир.

Криминологияда сабаб ва шарт-шароитларни ҳар доим ҳам тўлиқ ва аниқ бир-биридан ажратиш имкони бўлавермайди. Шундай сабаблар борки, кўринишидан шарт-шароитга ва шундай шарт-шароитлар борки, кўринишидан сабабга ўхшаб кетади. Қолаверса, сабаб ва шарт-шароитнинг бирламчи ва иккиламчи каби турларга бўлиниши улар ўртасидаги тафовутни аниқлашда турли мураккабликларни келтириб чиқаради. Шу боис криминологияда «жиноятчилик детерминантлари» тушунчаси кенг қўлланилади. Ушбу тушунча ўз таркибига жиноятчиликнинг ҳам сабабини, ҳам шарт-шароитини қамраб олади.

Бироқ ушбу мавзуда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни талабларига асосланиб, аёллар жиноятчилигини содир этилишига имкон яратган шарт-шароитларни ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, жиноятчиликнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ўзаро алоқада бўлади. Бу алоқа, энг аввало, жиноий хулқ-атворнинг шаклланишида намоён бўлади. Бу эса аёллар жиноятчилигининг субъектив сабаблари билан ўзар алоқадор ҳисобланади. Бошқача айтганда, жиноятчи аёлларнинг ҳаётий қадриятлари, дунёқараши, психологияси ва психикаси билан белгиланадиган онгли фаолият билан чамбарчас боғлиқдир.

Хўжасизлик ва ҳуқуқий нигилизм, ҳокимият учун сиёсий кураш ва ижтимоий назоратнинг йўқлиги аёллар жиноятчилигида уюшган профессионал жиноятчилар фаолиятининг фаоллашишига олиб келди. Профессионал жиноятчилар узок вақт мобайнида жиноятчилик соҳасига ишчи ва хизматчиларнинг катта контингентини жалб этиб келиб, халқ хўжалигининг алоҳида соҳаларини меҳнатсиз даромад олиш ва бойиш манбаига айлантирдилар. Қонунни бузиш асосида олинган йирик ва ўта йирик даромадлар жамиятда янги элитанинг шаклланишига олиб келмоқда. Мазкур жараён биз кўриб чиқаётган муаммода ўзининг бевосита аксини топмоқда. *Биринчидан*, юзага келаётган вазият муқаррар равишда қонунга итоаткор фуқароларнинг тубанлашишига, ғайриижтимоий ахлоқ ва ўзига хос мафқуранинг вужудга келишига олиб келади. Бу каби фуқаролар орасида аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этади. *Иккинчидан*, аёл-она ўз психологиясига «янги» ҳаётий кадриятларни сингдириб, уларни ўз фарзандининг хулқ-атворида ва онгига жойлайди. *Учинчидан*, мазкур вазият ҳар хил жиноятлар учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан жамиятнинг тарбия-реабилитация функцияларини бажаришига тўсқинлик қилади.

М.Г. Голоднюкнинг маълумотларига кўра, у ўрганган рецидивист аёлларнинг 50 фоизи охириги жиноятни содир этишдан олдин ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган¹.

Рецидивист аёлларда маънавий тубанлашиш нисбатан тез содир бўлиши, афтидан, қонунни бузган аёлларнинг жамиятдан узоқлашиши анча мураккаб кечиши билан изоҳланса керак (ижтимоий муҳит аёлларга қўядиган нисбатан катта талаблар бундай талабларга қарши борган аёлларнинг жамиятга қайтишини анча қийинлаштиради, жиноий жавобгарликка тортилган аёлларга ишончсизлик узок вақт сақланиб қолади, уларнинг ўзлари кўниккан муҳитдан узоқлашиши нисбатан кескин содир бўлади).

Рецидив жиноятчилигининг мазкур жиҳатлари аёллар жиноятчилигининг профессионаллашиши билан чамбарчас боғлиқ. Аёллар жиноий жазога лойиқ қилмишларни эҳтиётсизлик орқасида эркакларга нисбатан тахминан беш баравар кўп содир этса, қасддан жиноят содир этишга олдиндан тайёргарлик кўрган аёллар эса икки баравар кўпни ташкил этади.

Шахснинг хулқ-атворида шаклланган ва ижтимоий ахлоқ даражасига кўтарилган тамагирлик ниятлари (профессионализмнинг

¹ Голоднюк М.Н. Некоторые вопросы женской преступности // Вестник МГУ. Право. – 1978. – №1. – С.26.

асосий белгиси бўлгани ҳолда) муқаррар равишда энг ижобий ижтимоий-маънавий институтларнинг заифлашишига олиб келади.

Оила ижтимоий ролининг камайиши ва маънавий хусусиятга эга бўлган ҳаётий кадриятларга нисбатан қарашларнинг ўзгариши жамиятда қабул қилинган ҳуққ-атвор нормаларидан узоқлашишга ва жинойий муҳитнинг ёшаришига олиб келади.

Аёллар жинойятчилигининг келиб чиқишига кўмаклашувчи юқорида қайд этилган омилларни ўрганишнинг долзарблиги аёллар жинойятчилиги муаммосига жиддий эътибор берилмаётганлиги, давлат, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мазкур жинойятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш усуллари ва шакллари ишлаб чиқмаган шароитларда янада яққол намоён бўлади.

Одатда, юлғичлик ва паразитизм психологияси билан зарарланган шахслар профессионал жинойятчилар, уларнинг анъаналари билан тўқнаш келганидан сўнг пировард натижада ўз ҳаёт йўлини жинойий фаолият билан боғлайди.

Аёллар жинойятчилигига татбиқан олганда, мазкур жараён «жинойий романтизм» анъаналари анча кучли бўлган озодликдан маҳрум қилиш жойлари, тергов ҳибсхоналари ва махсус мактабларда айниқса сезиларли кечади. Ёш жинойятчи аёллар, одатда, жинойий муҳитда эркак жинсига мансуб тенгқурлари билан катта алоқаларга эга бўлади. Ваҳоланки, бундай шахслар орасида сўнгги вақтларда «қонундаги ўғриллар»га ва бошқа жинойий авторитетларга тақлид қилиб яшаш анчагина кенг тарқалган.

Сўнгги йилларда баданга татуировкалар тушириш удуми айниқса аёлларда яна урф бўлмоқда. Моданинг бу элементи ҳам вояга етмаганлар ва ёш қизларни ўзига тортмоқда. Ўрганилган вояга етмаган жинойятчи қизларнинг ярмидан кўпида татуировкалар борлиги аниқланди. Бунда мазкур татуировкаларнинг қарийб 30 фоиз ёрқин ифодаланган маъноли хусусиятга эга, қолганлари эса, вояга етмаган жинойятчи қизларнинг иқрорига кўра, «қизиқиш туфайли» туширилган. Шуниси эътиборга молики, нисбатан катта ёшли жинойятчи аёллар орасида татуировкаларга ёшлар муҳитидагидек жиддий аҳамият берилмайди. Бунинг устига, биз суҳбатлашган профессионал жинойятчи аёлларнинг кўпчилиги татуировка тушириш удуми ҳақида анча салбий фикр билдирдилар ва бир пайтлар ўз баданларига бундай татуировкаларни туширганликларидан бугун афсус қилаётганликларини кўрсатдилар. Афтидан, бу татуировка профессионал жинойятчининг ўзига хос «ташриф карточкаси» бўлиб хизмат қилиши, шунинг-

дек шахс ташқи кўринишининг индивидуал белгиларига ҳам урғу бериши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шахсни идентификация қилиши жараёнида маълум ҳолларда профессионал жиноятчи аёлга зарарига хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланса керак.

Уюшган профессионал жиноий фаолиятда фоҳишаларнинг иштирок этиши билан боғлиқ вазият бугунги кунда ҳам бир неча ўн йил олдингидек кескин бўлиб турибди, профессионал фоҳишалик ҳозирда анча кучайган. Тунги клублар, сауналар, массаж салонлари турли тижорат тузилмалари ниқоби остидаги ҳар хил жиноий гуруҳларнинг ҳомийлигида фаолият кўрсатмоқда.

Бундай бузуқхоналар ва уларда «ишлайдиган» аёллардан уюшган жиноий гуруҳларнинг фойдаланиши масаласи ҳам қонуний равишда криминологик долзарбликка эга. Бу, энг аввало, айтайлик, фоҳишалар билан турли ҳокимият органлари вакиллариининг учрашувини уюштириш шаклида содир бўлади (ёки содир бўлиши мумкин). Ушбу муаммо ҳақида Г.А. Маткаримова қуйидагича таъкидлайди: «Назаримизда, секс билан пора олиш ва беришни ҳам киритиш керак, чунки аёллар жиноятининг ушбу туридан асрлар мобайнида муваффақиятли фойдаланиб келмоқдалар»¹.

Ушбу ҳолатда «тадбирлар» (интим илоқа жараёни)ни тегишли йўсинда ҳужжатлаштириш ва улардан обрўсизлантирувчи материаллар сифатида фойдаланиб, юқорида зикр этилган ҳокимият органлари вакилларига келгусида тазйиқ кўрсатиш (уларни шантаж қилиш) мақсади кўзланади. Бу профессионал фоҳишалардан фойдаланган ҳолда, мансабдор шахсларни оғдиришнинг энг нақд «техникавий» усулларидан биридир. Бундай ҳолларда фоҳишалар бошқа шахсларнинг жиноий ниятларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Аммо, баъзан уларнинг ўзлари ҳам қонунни бузишда фаоллик кўрсатади. Масалан, жиноятчилар гуруҳи фуқароларнинг уйларига бир қатор ҳужумлар уюштирди. Ўтказилган тезкор-тергов тадбирлари натижасида барча жабрланувчилар битта фоҳишанинг хизматларидан бир неча марта фойдаланган тижорат тузилмаларининг хизматчилари эканлиги, бу фоҳиша аёл ўз мижозларининг уйида пул маблағлари ва қимматбаҳо буюмлар қаерда туришини аниқ билган ҳолда, уюштирилган талончиликларнинг бевосита ташкилотчиси бўлгани, бунга ижрочи сифатида таниш эркакларни жалб этгани, бу

¹ *Маткаримова Г.А.* Халқаро ва миллий ҳуқуқда аёлларнинг гендер ва репродуктив ҳуқуқлари: Юрид. фан. док-ри... дис. – Т., 2002. – Б.79.

эркакларнинг учтаси илгари судлангани, бири эса узоқ вақт қидирувда бўлгани аниқланди. Ўғирланган моллар ва қимматбаҳо буюмлар жиноят ташкилотчиси бўлган фоҳиша аёлнинг таниши бошқа бир фоҳиша аёлнинг уйида яширилган.

Фоҳишалар кўпинча тажрибали жиноятчилар кўлида кўнгил хушлик қидирган енгилтак эркакларни тузоққа илинтириш учун «хўрак» бўлиб ҳам хизмат қилади. Фоҳишаларнинг мижозларини улар фоҳиша билан жинсий алоқа қилишга тайёргарлик кўраётган пайтда ўлдирган ва талаган профессионал қотиллар ва талончилар ўз вақтида анча кўп бўлган. Олинган даромадни жиноятчи ва фоҳиша ўзаро бўлишган. Бундай ҳодисалар бугунги кунда ҳам учраб туради.

Фоҳиша аёллар кўпгина ҳолларда фарзанд кўра олмайди ёки уларнинг фарзандлари қаровсиз қолади. Улар (тобора тарқалиб бораётган) болалар фоҳишалигига жалб этилади ёки ўғрилар ва бошқа жиноятчилар сафини тўлдиради, алкоголиклар ва гиёҳвандлар қаторига қўшилади.

Фоҳишалик ва у билан боғлиқ аёлларнинг ҳар хил жиноий фаолияти баъзан гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи билан биргаликда содир этилади.

Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятчиликнинг криминологик хусусияти жиноятларнинг муайян турлари ва тегишли равишда, жиноятчилар тоифаларининг хилма-хиллигидан иборатдир.

Гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи соҳасида аёллар жиноий «қобилияти» қўлланадиган яна бир соҳа фармацевтика саноати соҳасида ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида – дорихоналар ва касалхоналардаги жиноятлардир.

Кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этувчи мазкур муассасаларнинг ходимлари баъзан жиноятчилар билан тил бириктириб, таркибиде гиёҳвандлик моддалари бўлган дорилар ва препаратлар билан ғайриқонуний савдо қилади ва бунинг эвазига жиноятчилардан катта ҳақ олади.

Маълумки, гиёҳвандлик воситаларини узоқ вақт ва сурункали истеъмол қилиш натижасида шахс ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан тубанлашади, ижтимоий фойдали меҳнат қилишга лаёқат ва хоҳиш-истакни йўқотади. Гиёҳвандлик воситасини ҳар қандай йўл билан қўлга киритишга йўналтирилган жиноий фаолият бундай шахс ҳаётининг асосий мақсадига айланади. Бундай интилишларнинг ижтимоий хавфлилиги яққол кўриниб туради.

Жиноят қонунларида содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра турли жазо чоралари белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексида бу борада бир қанча имкониятлар назарда тутилган. Бироқ жиноий жазони ижро этиш турларининг хилма-хиллиги ва вақт ўтиши билан улар доирасининг тобора кенгайиб бораётганлигига қарамай, маҳкумларга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлаш энг анъанавий ва оммавий бўлиб қолаётир.

Маълумки, озодликдан маҳрум этиш жазосига одатда хавфли жиноятчилар ҳукм этилади, озодликдан маҳрум этиш жойларида эса маҳкумларни тарбиялаш ва такрорий жиноятларнинг олдини олиш мақсадида тарбиявий чора-тадбирлар амалга оширилади. Тарбиявий чора-тадбирларнинг кўпчилиги жазони ўтаётган шахсларда озодликдаги микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсирида шаклланган ғайриижтимоий қарашлар, мойилликлар ва одатларни тубдан йўқотишга қаратилган. «Бироқ, жазони ўташ жойларидаги бошқа жазони ўтаётган жиноятчиларнинг маҳкумга таъсири юқорида айтилган мақсадларга эришишга жиддий тўсиқ бўлади. Қолаверса, бу таъсир мазкур жиноятни содир этишга туртки бўлган салбий омилларнинг шахс онгида янада чуқурроқ ўрнашишига олиб келиши, шунингдек янги ғайриижтимоий қарашлар ва интилишларнинг шаклланиш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин¹.

Қўлланилган жазо ва тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чораларини идрок этишнинг муҳим шахсга оид тавсифларидан яна бири маҳкумларнинг содир этилган жиноятга ва унинг оқибатларига муносабати ҳисобланади. Сўровга жалб этилган маҳкум аёлларнинг 24,6 фоизи ўз жавобларида қилмишларидан пушаймон эканликларини билдирган бўлса, 27,7 фоизи ўзини қисман айбдор ҳисоблаган ва қилмишидан қисман афсус чекишини маълум қилган. Ўз айбини тушуниб етган, бироқ пушаймон чекмаганлар 15,4 фоизни ташкил қилди. Эътиборли томони 15,4 фоизи ўзини мутлақо айбсиз ҳисоблаган бўлса, 16,9 фоизи содир этилган жиноят ва унинг оқибатларига бефарқ эканликларини билдирди.

Сўров жараёнида маҳкум аёлларнинг тайинланган жазога нисбатан муносабатлари ўрганилганида 12 фоиз жазони адолатли деб ҳисоблаган бўлса, 52,8 фоиз адолатли, бироқ ҳаддан ташқари қаттиқ деб билдилар. Бироқ 50,8 фоизи жазони адолатсиз деб ҳисоблайдилар.

¹ Антонян Ю.М. Социальная среда и формирование личности преступника. – М., 1975. – С.108.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги микроижтимоий муҳитни тавсифловчи муҳим мезонлардан яна бири бу маҳкум аёлнинг бошқа маҳкумлар, камерадошлари орасидаги ўз ижтимоий ҳолатига муносабатидир (бу ерда мазкур тадқиқот ўтказилган тергов изоляторларида сақланган шахслар (айбланувчилар) ҳам назарда тутилади).

Мазкур масала юзасидан қўйилган саволга жавобда респондентларнинг 21,5 фоизи жамоада, гуруҳда пешқадамлик қилишга интилаётганини кўрсатди. Пешқадамликка даъво қилмаган ҳолда шахсий обрў орттиришга интилаётганлар 18,5 фоизни, ўзини етарли даражада эркин ҳис қилувчи ва обрўсини мустаҳкамлашга муҳтож бўлмаганлар 26,2 фоизни ташкил этди. Сўралганларнинг 15,4 фоизи ўзини ноўрин камситилган, тушунилмаган, эътиборсиз қолдирилганлар қаторига киритди. Бошқа маҳкумлар даврасидаги ўз мавқеига бефарқ қарайдиган аёллар 18,4 фоизни ташкил этди.

Оиланинг бузилиши аёл кишининг ҳаётида эркакникига қараганда муҳимроқ аҳамиятга эга. Ваҳоланки, жазони ўташ даврида маҳкум аёлларнинг ҳар иккинчи оиласи (эркакларда ҳар учинчиси) бузилиб кетади.

Болалардан ажралганлик, уларни тарбиялашда (улар уч ёшдан катта бўлган болаларни ҳам) иштирок этиш имкониятидан маҳрумлик эркаклардан ҳам кўра аёлларга кучли таъсир қилади.

Шу нарса эътиборга молики, ўрганилган колониялардаги маҳкумларнинг 76,2 фоизи болали аёллар бўлиб, шулардан 36,4 фоизи икки ёки ундан ортиқ фарзандга эга. Оиласи бузилганлар орасида болали аёлларнинг салмоғи ундан ҳам катта, яъни 98,4 фоиз. Колониялар қошидаги болалар уйига жойлаштирилган болаларнинг тарбияси билан асосан маъмурият ва болалар уйи ходимлари шуғулланишидан гувоҳлик берувчи амалиёт мазкур статистика фонида мантқиққа зид бўлиб туюлиши мумкин (мазкур ҳолатда бу доим ҳам фақат онанинг ўз болалари тарбияси билан шуғулланишни истамаслиги билан боғлиқ бўлавермаслиги, бунга кўпинча ташкилий йўсиндаги ҳамда колониядаги тартиб ва санитария-гигиена тартиби билан боғлиқ муаммолар, колонияда она ва боланинг бирга яшашига шароит яратиш учун моддий имкониятларнинг мавжуд эмаслиги сабаб бўлишини назарда тутиш лозим).

Маҳкумларнинг оилавий муносабатлари билан бир қаторда, уларнинг озодликка чиққандан сўнг меҳнат фаолиятига бўлган муносабати ўрганилганида аёлларнинг 37,7 фоизи ўз кучи, билими ва касбий укувиغا ишонч ҳамда қонуний меҳнат фаолияти билан шуғул-

ланиш ниятини билдирди. Озодликка чиққандан сўнг ишсиз қолишдан чўчиётганлар 35,8 фоизни ташкил этди. Сўралганларнинг 26,9 фоизи бу муаммога бефарқ эканликларини билдирди. Ниҳоят, маҳкумларнинг 20,6 фоизи онгли равишда ўзини жиноий фаолиятни давом эттиришга тайёрлаётганини тан олди.

Юқорида келтирилганлардан ғайриижтимоий ниятлари ва руҳий мойилликларини очиқ-ойдин билдираётган шахсларнинг мавжудлиги эътиборни тортади. Жиноий субмаданиятнинг энг фаол тарқатувчилари ҳам, бошқа маҳкумларга энг салбий таъсир кўрсатувчилар ҳам айнан шулардир. Озодликдан маҳрум этилган аёллар муҳитида бу тоифа жиноятчиларнинг тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар, шунингдек мазкур шахсларнинг ижтимоий ва маънавий тубанлашиши даражасининг юқорилиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тадқиқотлар натижасида ўз тасдиғини топган.

Аёлларнинг ахлоқ тузатиш колонияларида ўзига хос муҳит ҳукм суради. Маҳкум аёллар даврасида ёлғон-яшиқ, ҳасадгўйлик, гумондорлик, қизғаниш эркаклар даврасидагига қараганда кучлироқ бўлади, ўзига хос урф-одат ва анъаналар вужудга келади. Мазкур ўзига хосликларни, жумладан, аёллар томонидан жазони ўташнинг бегиланган тартибини бузиш ҳолатлари ҳам тавсифлайди. Бундай тартиббузарликларнинг асосий қисмини қуйидагилар ташкил этади: ишлашдан бош тортиш ва атайлаб яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқариш – 10,4 фоиз; жинсий йўсиндаги ахлоқсизлик – 19,8 фоиз; маҳкумларни урибдўппослаш – 11,5 фоиз; спиртли ичимликлар тайёрлаш ва истеъмол қилиш – 10,9 фоиз; майда ўғирлик – 8,2 фоиз; безорилик – 7,7 фоиз; тақиқланган буюмларни олиб кириш, яшаш ва сақлаш – 5,6 фоиз.

Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги аёлларнинг кўпчилиги «оилалар»га бирлашиб яшайди. Бироқ эркакларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларидаги «оилалари»дан фарқли ўлароқ, бу ерда айнан жинсий алоқалар биринчи ўринга чиқади. Бу оилалардаги муносабатлар оддий оилавий муносабатларга ўхшаб кетади. Уларда маҳкумлардан бири эр, иккинчиси эса хотин вазифасини бажаради.

«Оилалар» турғун ҳодиса ҳисобланади. Бунинг устига, алоҳида шахсга мазкур муносабатларнинг таъсири шу қадар катта бўладики, маъмурият маҳкумлар билан ишлашда, шу жумладан ахлоқ тузатиш-тарбиявий йўсиндаги муайян чораларни танлашда ҳам бу муносабатларга бефарқ қарай олмайди.

Г.Ф. Хоҳряковнинг маълумотларига кўра, маҳкум аёлларнинг 40 фоиздан ортиғи, асосан ёш маҳкумлар бир-бири билан жинсий алоқа-

да бўлади¹. Бизнинг маълумотларга кўра эса, бу кўрсаткич тахминан 20 фоизни ташкил этади.

Бироқ ҳамма аёллар ҳам «оила» бўлиб яшамайди. Қариндош-уруғлари, эрлари ва фарзандлари билан алоқаларини сақлаб қолган аёллар қамоқхонадаги жинсий алоқалардан ўзини тияди ва уларни қоралайди.

Шахснинг ижтимоий-демографик ва жиноят-ҳуқуқий тавсифлари билан аёллар орасидаги жинсий алоқаларда иштироки ўртасида бирон-бир боғлиқлик борми ё йўқлиги ўрганилганида юқорида кўрсатиб ўтилган ёшга оид боғлиқлик мавжудлиги қайд этилди. Бу асосан ёш аёлларнинг жинсий алоқа қилишга нисбатан физиологик эҳтиёжларининг юқорилиги билан изоҳланади.

Шундай қилиб, аёлларда қонунга зид хулқ-атвори шаклланишига имконият яратган шарт-шароитларнинг ўзига хосликларини ўрганиш: 1) аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар авваламбор ижтимоий омиллар билан белгиланишини; 2) фақат аёллар жиноятчилигига хос бўлган ва шунинг учун ҳам уни барча жиноятчилик орасида алоҳида ҳодиса сифатида ажратиб турадиган маълум ўзига хосликларни қайд этишнинг зарурлигини; 3) бу ўзига хосликлар фақат объектив тавсифларни таққослашдагина эмас, авваламбор, жиноий фаолият сабабларининг йўналишини баҳолашда аниқланишини; 4) аёлларнинг жиноий фаолияти ижтимоий воқеликнинг объектив ва субъектив омилларининг ўзаро таъсири билан белгиланишини; 5) ҳозирги замон аёллар жиноятчилиги жамиятда содир бўлувчи тарихий, жуғрофий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва демографик ўзгаришлар билан белгиланадиган ўз ижтимоий хусусиятларига эга эканлигини; 6) кўрсатилган ўзгаришлар аёллар турмушининг микроижтимоий муҳитида ўзининг энг ёрқин ифодасини топишини; 7) микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсири турмушнинг ҳар хил босқичларида турлича эканлиги ва маълум ижтимоий-демографик ўзига хосликлар билан белгиланишини; 8) бундай ҳодиса маҳкум аёллар жазони ўтайдиган озодликдан маҳрум этиш жойларида айниқса кескин ҳис қилинишини, бу жойлардаги ижтимоий муҳит эса фақат ўзигагина хос хусусиятларга эга бўлиб, эркаклар колонияларидаги муҳитдан жиддий фарқ қилишини кўрсатди.

¹ *Хохряков Г.Ф.* Парадоксы тюрьмы. Проблемы, дискуссии, предложения. – М., 2011. – С.135.

3-§. Жиноят содир этган аёллар таснифи

1897 йили Халқаро криминалистлар уюшмасининг Гейдельберг-да бўлиб ўтган съездида жиноятчиларнинг таснифи қабул қилинган бўлиб, у тенг даражада жиноятчи аёлларга ҳам тегишлидир. Ушбу таснифга кўра жиноятчилар қуйидагиларга ажратилди:

- 1) тасодифий, эпизодик жиноятчилар;
- 2) хулқ-атворида жиддий беқарорлик бўлган ёки бир неча марта жиноят содир этган жиноятчилар;
- 3) ашаддий ёки профессионал жиноятчилар.

Ч. Ломброзо ҳам ўзининг «Жиноятчи ва фоҳиша аёл» асарида жиноят содир этишда айбдор бўлган аёлларни бир нечта типларга ажратади: 1) туғма жиноятчи аёллар; 2) тасодифий жиноятчи аёллар; 3) эҳтиросли жиноятчи аёллар. Ломброзо ўз жонига қасд қилган ва чақалоғини ўлдирган аёлларни алоҳида кўриб чиқади, фоҳишаларни ҳам иккита: тасодифий ва туғма тоифадагиларга ажратади¹.

Мазкур маълумотлар жиноятчиларнинг асосий типларини етарли даражада кенг ва аниқ ифода этади. Юқорида кўрсатилган типлар амалда доим ҳам «соф» кўринишда намоён бўлавермаслигини эътиборга олиш керак. Улар ҳар хил уйғунликда намоён бўлиши мумкин. Бундан ташқари, жиноятчи типларнинг ўзи ҳам муайян таркибий қисмларга – кичик типлар, кичик гуруҳларга ажратилиши мумкин. Фикримизча, жиноятчилик ёки унинг алоҳида турининг мукамал ва барқарор типологик тавсифи бўлиши мумкин эмас, зотан мазкур жараён билиш ва жамият тараққиёти жараёнлари ҳамда жиноятчиликнинг ўзида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Жиноий типларни классификация қилиш ва уларнинг типологияси ҳар хил махсус манфаатларга хизмат қилади, тадқиқотчиларнинг ўз олдига қўйилган муайян мақсадларга эришишини таъминлайди. Илмий адабиётларда жиноятчиларни туркумлаш ва типологиясини фарқлаш масалалари анча мунозаралидир. Масалан, 1992 йилгача нашр этилган криминология дарсликларида жиноятчиларнинг таснифи ва типологиясига жиддий аҳамият берилади, бунда жиноятчиларни туркумга ажратиш криминология фанида одатда сўзнинг кенг ва тор маъносида тушунилади². Тор маънода бу жиноий хулқ-атвор сабаб-

¹ Ломброзо. Ч. Гениальность и помешательство. – Симферополь, 1998. – С. 400.

² Курс советской криминологии. – М., 1985. – С. 293–309; Криминология. – М., 1988. – С. 99–101; Криминология. – СПб., 1988. – С. 93–96; Ломброзо Ч. Женщина-преступница и проститутка. – Киев, 1902. – С. 162

лари билан қонуний боғланган жиддий аломатларга асосланувчи типологиядир. Кенг маънода эса, гуруҳлаш деганда кўрсатилган тор маънодаги типология ва туркумлаш тушунилади. Айрим муаллифларнинг илмий ишларида худди шундай маънодаги «гуруҳга ажратиш» атамаси ҳам учраб туради.

Нисбатан кейинроқ чоп этилган криминологияга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа мақолаларда, шунингдек жиноятчининг шахсини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотларда туркумлаш типологиядан қатъий фарқ қилади¹, дея таъкидланади.

Шундай қилиб, жиноятчиларни туркумларга ажратиш жиноят содир этган шахсларни криминологик ўрганиш усули ҳисобланади. У мазкур шахсларнинг атрибутив, яъни ажралмас аломатларига асосланган ҳолда гуруҳларга ажратилишини назарда тутаяди. Буларга: ташқи, расмий хусусиятга эга бўлган аломатлар, масалан, шахсни ижтимоий-демографик (жинси, ёши, маълумоти, касби ва бошқ.); криминологик (жиноий қилмишнинг тури, айбнинг шакли, шахснинг содир этилган жиноятдаги роли, жиноятни такрорий содир этиш ва ҳ.к.) гуруҳларга ажратиш киради.

Баъзан жиноятчиларни туркумлаш ва гуруҳга ажратишда бошқа мезонлардан ҳам фойдаланилади: жиноят содир этилган жой, вақт, айбдорнинг руҳий ҳолати, мастлик ҳолати ёки маст эмаслиги ва ҳ.к. Демак, жиноятчиларни типларга ажратиш шахс содир этган қилмишнинг моҳияти асосида амалга оширилса, туркумлаш расмий хусусиятга эга бўлади.

«Туркумлаш», «гуруҳлаш» тушунчалари универсал хусусиятга эга. Шу боис улар ёрдамида жиноятчиларнинг жинси ва ёши, содир этилган жиноятнинг жиноят-ҳуқуқий таснифи, тайинланган жиноий жазонинг тури ва бошқа расмий мезонлари фарқланади ва бу ўрганиш учун жуда қулайдир.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг шахс даражасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолияти жиноятчи шахси типологиясининг ишлаб чиқилишига боғлиқдир. Мазкур типология индивидуал хулқ-атворни прогноз қилиш ҳамда дифференциация қилинган ва индивидуаллаштирилган профилактика ва ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш усулининг негизини ташкил этади.

Айнан шахсни типларга ажратиш орқали шахснинг ўзига хос модели яратилади. Шахснинг мазкур моделга мос келишини аниқлаш унинг муайян шахс типига мансублигидан далолат беради.

¹ Шнайдер Г.И. Криминология. – М., 1994. – С.332.

Жиноятчининг шахсига доир криминологик тадқиқотларда девиант хулқ-атворга туртки берувчи маълум сабабларни тавсифлашга ҳам урғу берилган. Маҳкум аёллар шахсининг типологияси ўзига хос бўлади, яъни бошқа белги ва мезонларга кўра, (масалан, жиноят-ҳукуқий аҳамиятга эга ижтимоий-психологик ва жиноий фаолиятда иштирокчилик белгиларига, жиноий тажовуз объектига кўра тузилган бўлиши мумкин).

Жиноятчиларни туркумлаш учун шахснинг ижтимоий хавфлилик, маънавий тубанлик ва тарбиясизлик даражасини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бу ерда шахснинг хусусиятлари ва у томондан содир этилган қилмиш уйғунликда асос қилиб олинади.

Содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ҳолатлари барча криминологик омиллар билан биргаликда шахснинг жиноий хулқ-атвори механизмини, унинг жиноий мойилликларини, жиноят содир этишда фаоллик даражасини, юзага келган ҳаётий вазиятларнинг мазкур шахсга таъсири даражасини аниқлаш имконини беради. Жиноятчилар, жумладан, жиноятчи аёлларни туркумлаш ва типларга ажратишда мазкур мезонлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.

Жиноятчи аёлларни типларга ажратиш ўрганишнинг амалий аҳамияти шундаки, у мазкур типга мансуб шахс хулқ-атворининг юзага келиши ва ривожланиши сабаблари, қонуниятларини аниқлаш имконини беради.

Жиноят содир этган шахсларга умумий таъриф бериш ва уларни статистик даражада ўрганиш шахсларнинг маълум туркумларига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни режалаштириш ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш имконини беради.

Маълумки, жиноятчининг шахси жиноятчи бўлмаган одамнинг шахсидан ижтимоий хавфлилик даражаси билан фарқ қилади. Ижтимоий хавфлиликнинг мазмуни ёки хусусияти шахс жиноий хулқ-атворининг етакчи сабабий йўналишига боғлиқ бўлади. Шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси эса мазкур йўналишнинг қатъийлиги ва чуқурлигидан келиб чиқиб фарқланади.

Жиноий хулқ-атвор, жумладан, аёллар жиноий хулқ-атворининг типологик моделларини тузишда бир қатор фанлар – криминология, умумий психология, физиология, сексология, суд-психиатрия, патопсихология, сексопатология каби фанлар соҳасига ҳам эътибор бериш талаб қилинади.

Аёлларнинг агрессив хулқ-атворини инсоннинг эволюцияси жараёнида шаклланган биоижтимоий хусусияти ҳисобланувчи нисбатан мураккаб бўлган агрессивлик феномени доирасида кўриб чиқиш керак. Шундай экан агрессивликни биологик объект, жумладан, инсонга ҳам хос бўлган доимий хусусият сифатида, агрессияни эса муайян шароитларда содир этиладиган ҳаракатлар сифатида фарқлаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар эркаклар ва аёллар агрессиясининг фарқларига бағишланган махсус тадқиқотлар криминологияда ҳам, психиатрияда ҳам олиб борилган эмас, фақат бу борада эмпирик тажриба асосидаги айрим қайдларгина мавжуд. Бунда оиладаги шафқатсизлик муаммосини муҳокама қилиб, эркакларда агрессия ташқарига, аёлларда эса кўпроқ ичкарига, ўзига қаратилишини, эркакларда инструментал агрессия, аёлларда эса вербал агрессия кўпроқ кузатилиши қайд этилади.

Шундай қилиб, аёлларнинг агрессив криминал хулқ-атворини белгилайдиган «синдром – шахс – вазият» училигининг ўлчамлари ўз ифодасини топган муайян клиник-ижтимоий комплекслар аниқланди. Бу клиник-ижтимоий комплекслардан аёллар томонидан содир этилувчи агрессив ҳаракатларни прогноз қилиш учун фойдаланиш мумкин. Шунингдек, улар ўрганилган аёллар контингенти томонидан содир этиладиган агрессив ҳаракатларни профилактика қилишга қаратилган тиббий ва ижтимоий йўсиндаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишга комплекс ёндашув учун хизмат қилиши мумкин.

Клиник, ижтимоий, шахсий ва вазият билан боғлиқ омилларнинг ўзаро турлича таъсирини ўз ичига олувчи кўп омилли тизимларнинг таҳлили асосида ўтказилган аёлларнинг агрессив криминал хулқ-атворининг типологияси улар томонидан содир этиладиган агрессив хатти-ҳаракатлар венозологик (яъни, тиббий патология чегарасидан чиқадиган) механизмларга эга эканлигини кўрсатади ва уларни сифат жиҳатидан бошқа даражада кўриб чиқиш имконини беради.

Мазкур тадқиқотлар натижасида руҳий патология турларининг шаклланишини белгиловчи омилли тафовутлар, ўрганилаётган аёлларнинг барчасига хос расмий хусусиятга эга бўлган қатор ўхшашликлар мавжудлиги аниқланди.

Ушбу аёлларнинг барча типологик гуруҳларига хос бўлган ўхшашликлар ўрганилаётган аёллар агрессиясининг табиати масаласини ёритиш нуқтаи назаридан ўта муҳим криминологик аҳамиятга эгадир. Масалан, жиноий тажовуз объектларининг деярли барчаси

жиноятчи аёлларнинг яқинлари ё қариндош-уруғлари, аксар ҳолатларда эрлари, ўйнашлари, қайноналари, бошқа қариндошлари ва камдан-кам ҳолатда фарзандлари бўлишган. Тажовузкорлик хатти-ҳаракатлари одатда беқарор ва ҳар хил ижтимоий аномалиялар туфайли мураккаблашган маиший муҳитда содир бўлган. Бунда болаларга қарши қаратилган агрессив хатти-ҳаракатларни содир этган жиноятчи аёлларнинг кўпчилиги руҳий хаста бўлган. Бироқ ўрганилган аёллар орасида жинсий эҳтиёжни қондириш мақсадида сурункали агрессив ҳаракатларни содир этиш ҳолатлари қайд этилмаган.

Профессионал жиноятчи аёлларнинг мавжуд типларини қуйидагича шакллантирилиши аёллар томонидан содир этилган қилмишларнинг хусусиятига кўпроқ даражада жавоб беради.

Биринчи тип – бу «паст малакали» шахс. Булар маънавий, руҳий, психологик ва физиологик жиҳатдан бузилган одамлар, ижтимоий нуқтаи назардан маълум даражада тубанлашган шахслардир. Улар, одатда, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилади, жиноятлар содир этиш билан бир қаторда тасодифан учраган ишларни бажариб кун кечиради, баъзан доимий турар жойга эга бўлмасдан дайдилик қилади. Бундай шахслар асосан ўзганинг мулкини оз миқдорда такроран ўғирлаш жиноятларини содир этади. Жумладан, улар одамлар кўп йиғиладиган жойларда (аэропортлар, вокзаллар, мактаблар, болалар боғчалари, қариялар уйлари ва ҳоказоларда) қаровсиз қолган буюмларни ўғирлайди. Бундай шахслар учун жиноий фаолият асосий тирикчилик манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу аёлларнинг кўпчилиги оиласиз, доимий турар жойга эга эмас, тамагирлик жиноятлари учун такроран судланган, дайдилик учун ушланган, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслардир.

Бундай шахсларнинг кўпчилигини асосан 46 – 55 ёшдагилар ташкил этади. Уларнинг маълумот даражаси ўрта. Мазкур профессионал жиноятчи аёллар жиноий анъана ва удумларнинг «пассив» ташувчилари жумласига киради, зотан, улар ўз шахсий сифатларига кўра, маълум ташкилотчилик фаолиятига қодир эмас, уларнинг жиноий «ихтисослиги»га ҳатто жиноятчилар муҳитида ҳам паст назар билан қаралади. Бундай аёлларни фақат шартли равишда профессионал жиноятчилар деб аташ мумкин, чунки уларнинг кўпчилиги ўзининг жиноий профессионал малакасини йўқотиб боради. Улар ўз жиноий қилмишларини кўп ҳолларда пухта тайёргарлик кўрмасдан, оқибатларини ўйламасдан содир этади.

Одатда, шахснинг яшаш шароитлари ва маълум турмуш тарзи, шахснинг ичкиликка берилиши, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиши, тартибсиз жинсий ҳаёт кечириши оқибатлари жиноят содир этилишига ўз таъсирини кўрсатади. Бу, шу жумладан, ҳар хил руҳий хасталиклар ва соматик хусусиятга эга бўлган сурункали касалликларга чалинган шахсларда ҳам ўз ифодасини топади. Бир неча марта судланганлиги ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида узок вақт бўлганлиги натижасида мазкур типга мансуб бўлган аёллар ўзларининг кўпгина ижтимоий фойдали кўникмалари ва алоқаларини йўқотадилар. Моҳият эътибори билан, улар аёлларга хос бўлган кўпгина хусусиятларини йўқотади, яъни улар ўз фарзандларини (агар улар бўлса) тарбиялаш функцияларини бажаришга қодир бўлмай қолади. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида айнан шундай аёллар гомосексуал алоқаларда фаол иштирок этиши, бунда улар эркаклар ролини бажариши ҳам тасодифий эмас. Улар профессионал жиноятчи аёллар тоифасига шунинг учун ҳам киритиладики, бу аёллар жиноятчилар ва ўғрилар муҳитини, уларнинг анъана ва удумларини жуда яхши билади. Гарчи улар профессионал жиноятчилар иерархиясида энг паст поғонани эгаллаган бўлса-да, улар тамагирлик йўналишидаги жиноятлар содир этиш билан боғлиқ ҳаётий қарашларга эга бўладилар.

Кўриб чиқилган шахс типига қуйидаги ҳолат жуда яхши мисол бўлади. Маҳкум В. 1983 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, мазкур вилоятда яшайдиган ота-онаси билан деярли алоқа қилмайди. Маълумоти ўрта. Вақтинчалик хусусиятга эга бўлган ишлар билан шуғулланган, мардикорлик қилган. Оиласиз, болалари йўқ. Муқаддам уч марта, яъни: бир марта безорилик учун ва икки марта ўғрилиқ учун судланган. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида жами етти йил ўтирган. Сўнгги марта аёллар сумкасини ўғирлагани учун жазога ҳукм этилган. Озиқ-овқат ва кийим-кечак сотиб олиш учун пулга муҳтож бўлгани туфайли у жиноятга қўл урган. Доимий турар жойи бўлмаган. Жиноят содир этгунга қадар у муқаддам судланган таниш аёлнинг уйида яшаган. Тергов ҳибсхонасида сақланган пайтда гомосексуал жинсий алоқа қилган. Камерада у билан бирга сақланган аёллар орасида қамоқхона анъаналари ва удумларини билиши, шунингдек жисмонан бақувватлиги, зўрлик ишлатиши ва шафқатсизлиги билан маълум «обрў»га эга бўлган. Иш бўйича ўтказилган наркологик экспертиза мазкур аёлнинг спиртли ичимликларни суиистеъмол қилишини аниқлаган, аммо сурункали алкоголизм белгиларини топмаган.

Профессионал жинойтчи аёлларнинг *иккинчи тип*и шартли равишда «ғараз мақсадли зўравон» тип деб номланади. Булар, одатда, ёш профессионал жинойтчи аёллар, алоҳида ҳолларда эса, ҳатто вояга етмаган шахслардир. Маълумотларга қараганда, бундай аёлларнинг 45 фоизга яқини бир неча марта жинойт содир этганига қарамай, муқаддам судланмаган. Мазкур шахс типининг ёш чегаралари 17 – 35 ёш. Ўзига хос хусусиятлари: жинсий ҳаёти тартибсиз, маълумоти (тўлиқ ўрта) ва касбий малакаси пастлигига қарамай, моддий эҳтиёжлари анча баланд. Улар, одатда, эркакларнинг гуруҳлари таркибида ғараз мақсадларда зўравонлик жинойтларини содир этади, мазкур гуруҳларда баъзан етакчи мавқега эга бўлади. Ушбу типга мансуб аёллар орасида фоҳишалар кўп бўлиб, улар жинойт фаолиятда ёрдамчи, далолатчи ёки ташкилотчи вазифасини бажаради.

Жинойтчи аёлларнинг мазкур типига гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш хосдир. Бу типга мансуб аёллар аввалгиларига қараганда тубанлашган, уларнинг хулқ-атворида шафқатсизлик ва принципсизлик, айниқса кўпроқ намоён бўлади. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида улар маҳкумларнинг энг салбий кайфиятдаги қисмини ташкил этади. Уларнинг эмоционал-психологик ҳолати интеллектуал-иродавий назоратнинг заифлиги натижасида импульсив равишда туғиладиган агрессив даъватларни бевосита рўёбга чиқаришга мойиллик билан уйғунликда ички қарама-қаршилиги даражасининг катталиги билан таърифланади.

Учинчи тип бир ўзи ёки эркак билан (кам ҳолларда аёл билан) иштирокчиликда жинойт содир этадиган юқори даражада профессионал ўғри ва фирибгар аёллар.

Бундай аёллар жинойтларга пухта тайёргарлик кўради, жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари, жинойт изларини яшириш кабиларнинг мумкин бўлган барча вариантлари назарда тутилади, жинойт содир этиш учун қулай жой, шунингдек жинойт қуроли ва воситалари олдиндан танлаб олинади. Бундай типдаги аёлларнинг ёши 27 – 50 ёш доирасида бўлади. Улардан ёшлари кўпинча жинойтни иштирокчиликда содир этади. Уларнинг оиласи одатда бузилган ёки фақат расман сақланиб қолган бўлади.

Уларга хос хусусиятлар: турли фавқулодда вазиятларга психологик мослашувчанлик лаёқатининг катталиги, ўғрилиқ ва фирибгарликка ихтисослашганлик, ўрта ёки ўрта махсус маълумотга, маълум ҳаёт тажрибасига эгаллиги билан изоҳланувчи интеллектуал савиянинг нисбатан баландлиги.

Бундай аёллар орасида махсус рецидивнинг салмоғи анча каттадир. Рецидив жиноятнинг бу турида зўравонлик жиноятлари деярли бўлмайди. Жиноят содир этиш учун «гастрол»га чиқиш, ҳар хил ўғрилиқ қилишга мўлжалланган мосламалардан, сохта ҳужжатлар, пул купюралари ва ҳоказолардан фойдаланиш ҳолатлари кенг тарқалган.

Профессионал жиноятчи аёлларнинг *тўртинчи типини* жиноятчилар орасида «ўғрилар онаси» деб аташ қабул қилинган бўлиб, бу жиноят оламида мазкур тоифага мансуб аёлларнинг тутган ўрнини ёрқин ифода этади. Булар фоҳишахоналар ва гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилувчилар учун бангихоналарнинг сақловчилари, кўшмачилар, ўғрилиқ моллар ва гиёҳвандлик воситалари сотиб олувчилар ва сотувчиларидир. Бу тоифага мансуб жиноятчиларни бошқа профессионал жиноятчи аёлларга қараганда кўлга олиш анчагина қийин ҳисобланади. Уларнинг ғайриижтимоий қарашлари ва ҳаётга муносабати турғун. Жиноят олами вакиллари билан улар ҳар томонлама, шу жумладан минтақалараро алоқаларга эга. Бундай аёллар жиноий анъана ва удумларнинг фаол тарқатувчилари бўлиб, ёшлар ва вояга етмаганларни ғайриқонуний фаолиятга жалб этади. Уларнинг кўпчилиги, одатда, оиласиз бўлиб, муваффақиятсиз оилавий ҳаётнинг муқобили сифатида мана шундай жиноий фаолиятни танлаган. Бундай аёллар киришимли, иродали ва ташкилотчилик қобилиятига эга, шунингдек уларнинг ёши кўп ҳолларда 40 – 55 ёш доирасида.

«*Оқ ёқалилар*» деб номланувчи профессионал жиноятчи аёллар қайд этилаётган жиноятчи аёл шахси типларининг бешинчи, энг охирги типидир. Бу ерда турли моддий ишлаб чиқариш соҳаларида, кредит-молия ва банк тизимларида, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзганинг мулкани талон-торож қилиш, мансаб ва хўжалик жиноятларини содир этишни касбга айлантирган жиноятчи аёллар назарда тутилади. Улар ижтимоий нуқтаи назардан анча яхши ҳаёт кечиради (оилали, фарзандлари бор), бошқа тип вакилларига қараганда маълумот даражаси анча юқори ва яхши таъминланган, аммо, шу билан бирга, ўз жиноий фаолияти натижасида улар жамиятга энг кўп миқдорда моддий зарар етказадилар. Улар кўпинча уюшган жиноий гуруҳларнинг вакиллари билан бевосита боғлиқ бўлади ёки бундай гуруҳларда фаол иштирок этади. Профессионал жиноий фаолият хизмат, ишлаб чиқариш ва мансаб ваколатларини бажариш билан чамбарчас алоқадор бўлиб, бу юқорида зикр этилган шахс типининг асосий ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

Бунга 1959 йили Навоий шаҳрида туғилган Ш.нинг фаолиятини мисол қилиб келтирамиз. У эри билан ажрашган, фарзанди билан ўзининг алоҳида уйида яшаган. Муқаддам судланмаган. Ташкилотда бош ҳисобчи бўлиб ишлаш жараёнида икки эркак билан (улардан бири аёлнинг жазмани бўлган) олдиндан тил бириктириб, ўзганинг жуда катта миқдордаги мулкани талон-торож қилган, яъни пул маблағларини ўтказиш тўлов ҳужжатларини такроран қалбакилаштириш йўли билан чет эл фирмаларининг транзит ҳисобварақларидан бир неча юз минг АҚШ долларини ўғирлаган. Шу нарса эътиборга моликки, тергов ва суд томонидан тўпланган Ш.нинг шахсига берилган тавсифномаларнинг ҳаммаси ижобий бўлган, аёлнинг жиноий фаолияти узоқ вақт яширин қолиб келган.

Юқорида келтирилган типология анча шартли хусусиятга эга эканлиги шубҳасиз, уни янада кенгайтириш, типологиянинг бутун тузилишини ҳам, ундаги ҳар бир типни ҳам янада чуқур тавсифлаш мумкин. Аммо, шу билан бирга, биз профессионал жиноятчи аёлларнинг шахсини типларга ажратиш муаммосининг қўйилишига эътиборни қаратишни истар эдик, зотан илгари илмий адабиётларда бу муаммо аёллар жиноятчилигига татбиқан кўриб чиқилмаган.

Шахс типлари, ғайриқонуний хулқ-атвор моделлари ва унга туртки берувчи сабабларнинг ўз ҳолича бир-бири билан маълум даражада боғлиқлиги, сабаблар даражасида ҳам, муайян жиноий қилмишлар даражасида ҳам аралаш шаклларга эга бўлиши мумкинки, мазкур жиноятларга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнида, авваламбор, профилактика фаолиятининг турли босқичларида уларни эътиборга олиш керак.

Хуллас, жиноятчи аёлларнинг шахсини услубий ўрганишда ҳар хил типологик мезонларни ҳисобга олиш зарурдир. Жиноятчи шахсини ўрганишда ўзаро яқин бўлган фан соҳалари томонидан таклиф қилинган қатор типларга мос келувчи мезонларга таяниш ҳам ўринли. Бу борада мотивацияга асосланган типологиянинг аҳамияти каттадир.

III БОБ

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТУВЧИ АЁЛЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

1-§. Аёллар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишда психологик билимларнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузган ва уларга амал қилишни истамаган ҳуқуқбузарлар, уларни бузишга кўпроқ мойил бўлган шахслар, шу жумладан илгари судланган шахслар орасида ҳуқуқий ва психологик тарбияни яхшилаш борасида самарали иш олиб бориш давр талабидир.

Маълумки, инсоният тарихининг дастлабки даврларида ижтимоий девиантлик ва хулқ-атвор оғишининг юз бериш жараёнлари ахлоқсизлик сифатида қаралган ва асосан ҳуқуқий, психологик ҳамда диний меъёрлар орқали тартибга келтириб турилган. Турон халқлари ҳам қадим-қадимдан ижтимоий девиантлик ҳолатларига салбий муносабатда бўлишган.

Шарқнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобий фалсафани иккига, назарий ва амалийга бўлади ҳамда ахлоқшуносликни амалий фалсафа таркибига киритади. Ахлоқий меъёрлардан оғиш муаммолари, унинг «Бахтга эришув йўлини кўрсатувчи китоб», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг ҳикматлари», «Фозил одамлар шахри» сингари асарларида кўтарилган. Аллома ўз қарашларида фазилатга жуда катта ўрин беради. Арастуга ўхшаб, у ҳам фазилатларни икки қисмга – фозоил нутқия (ақл-идроққа асосланган фазилатлар) ва фазоил хулқия (хулқий фазилатлар)га ажратади ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтади.

Буюк ватандошимизнинг фикрича, инсонга уни гўзал амаллар қилиш учун йўналтирадиган одат маҳсули бўлмиш етук хулқ лозим. Хулқнинг яхшилиги хатти-ҳаракатларда меъёр қай даражада сақлангани билан боғланади. Форобий баъзилар ўта лаззатга берилиши, ейиш-ичиш ва енгил турмуш тарзи, беҳаёликка ружу қўйиши туфайли жуда бўшашиб кетади, иродаси заифлашади, унда рисоладаги нафрат ҳамда ғазаб ҳисси йўқолади дейди. Бутун кучини ўз нафсига сарфлайдиган кишида улуғворлик тубанликка хизмат қила бошлайди, яъни фикрлаш қобилияти ғазаб ва эҳтирос кучлари хизма-

тида бўлади, бу кучларнинг ҳаракати эса, ейиш-ичиш ҳамда шахвоний нафси қондиришга бағишланиб қолади.

Ахлоқ илмида ва умуман ижтимоий ҳамда табиий фанларда ўз асарлари билан чуқур из қолдирган буюк аجدодларимиздан бири Абу Райҳон Бериунийдир. Унинг асарларида инсонлар ва халқларнинг ижобий ёки салбий урф-одатлари, инсон хулқ-атворининг шаклланишида табиий муҳитнинг ҳамда жуғрофий омилларнинг аҳамиятини кўрсатиб берди. Бу эса кейинчалик психология ва криминологияда географик йўналиш номини олган ҳамда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида географик омилларни муҳим деб ҳисобловчи йўналишга асос бўлиб хизмат қилди.

Миллий педагогикамизда муҳим ўрин тутувчи асарлардан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билимлар») асаридир. Асосан билимни улуғлаб, инсонни билим билан камолотга етиштиришга, тарбия ва билим орқали унинг хулқини тарбиялашга, унда ижобий хислатларни шакллантиришга йўналтирилган мазкур асар илк ўрта асрларда Марказий Осиё халқларининг девиант хулқ-атворга илмий ёндашувини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу асарда Юсуф Хос Ҳожиб томонидан инсон хулқ-атворига нисбатан ўзига хос ёндашувни кузатиш мумкин. Унинг фикрича, яхши хулқ ҳам, ёмон хулқ ҳам икки хил бўлиши мумкин, яъни: туғма ва ижтимоий муҳит натижасида шаклланган хулқ.

Маълумки, девиант хулқ-атвор назариясига нисбатан ягона ёндашув йўқ. Турли психологик ва криминологик назариялар билан бирга, улардан кескин фарқ қилувчи биологик қарашлар ҳам ёнма-ён ривожланиб келмоқда. «Қутадғу билиг»да эса, аллома томонидан ушбу икки қарама-қарши ёндашувларни бирлаштириш ҳолатларини кузатишимиз мумкин. Яъни, айрим инсонларнинг ёмонлигига, девиант хулққа эгаллигига туғма омиллар сабаб бўлса, бошқаларига ижтимоий муҳит сабаб бўлади.

Шунингдек, Навоий ва бошқа Шарқ алломалари асарларида ҳам илгари сурилган ахлоқий тамойиллар ҳамда ижобий қаҳрамонлар қиёфаларида тажассум топган адолат, садоқат, бурч, муҳаббат, раҳм-шафқат, мардлик, камтарлик сингари фазилатлар ҳақида кўп ёзилган. Фақатгина Навоийнинг ўлмас асари «Хамса»даги Ширин образини эслаш жоиз.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, нима учун ҳозирда ўз мустақиллигини қўлга киритган жонажон Ўзбекистонимизда аёллар жиноятчилигининг динамикаси кузатилмоқда? Буюк алломаларимиз-

нинг келажак ҳақидаги, комил инсон орзусидаги, фозил ахлоқ ҳақидаги таълимотларини нега баъзи юртдошларимиз эътиборга олмаяптилар?

Инсон хулқ-атворидаги салбий кўринишдаги хатти-ҳаракати жамиятда қабул қилинган ижтимоий тартиб-қоидалардан четга чиқиш ва ушбу тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик ҳамда уларни бузиш билан характерланади. Бундай хатти-ҳаракатлар девиант хулқ-атвор деб аталади. Аёлларда девиант хулқ ва «нормадан четга чиқиш» тушунчаси оғувчи хулқ (девиант лот. *deviatio* – оғиш) кишининг қилмишлари, одатий фаолият тури, умум эътироф этилган жамият томонидан қабул қилинган меъёрларга мос келмай ёки фарқ қиладиган, барқарор равишда ижтимоий меъёрлардан оғишида намоён бўладиган ахлоққа айтилади. Демак, девиант хулқ – жамият томонидан қабул қилинган меъёрлардан оғувчи хулқдир. Бироқ шахснинг шаклланиши ва ривожланиши мураккаб жараён бўлиб, ўзига хос қийинчиликлар ва оғишлар, ички қарама-қаршиликлар ҳамда ижтимоий ҳаётдаги турли вазиятларга кўника олмасликлар билан кечиши мумкин. Девиант характерга эга бўлган хулқ-атвор аёлларда кўпинча ўсмирлик давридан бошланиб, улар томонидан мактабдаги дарсга бормаслик, уйдан қочиш кетиш, дайдилик, тиланчилик билан шуғулланиш, ичкиликка қизиқиш, гиёҳвандликка ружу қўйишдан бошланади. Уларнинг руҳиятида енгил-елпи ҳаёт кечириш, шахсий физиологик ва моддий эҳтиёжлар асосий эҳтиёжлар кўринишини қамраб олади. Натижада қонунбузарликка мойил бўлиб, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этишга олиб келади.

Девиант хулқ-атворнинг асосий турларига жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўзини ўзи ўлдириш, дайдилик, фоҳишалик, руҳият бузилиши ва шу қабиларни киритиш мумкин. Баъзи адабиётларда девиант хулқ делинквент ҳамда деструктив хулқ сифатида ҳам таърифланади. «Делинквент» атамаси лотин тилидан олинган бўлиб, қонунга хилоф, жиноий деган маъноларни англатади. Делинквент хулқ – қонундан оғувчи, ғайриқонуний, жиноий хатти-ҳаракат туридир¹. Биз бу атама остида шахснинг қонунга зид ахлоқи жамиятда ўрнатилган қонунлардан оғиб, бошқа одамлар ёки жамият томонидан ўрнатилган тартибга, тинчликка хавф солувчи ва охиросқибат жиноий жазоланадиган аниқ шахснинг ҳаракатини тушунамиз. Яъни бундай хулқ-атворли аёл киши хатти-ҳаракатларида бошқаларга

¹ Большая психологическая энциклопедия. – М., 2007. – С.127.

нисбатан жанжалли, тажовузкор; спиртли ичимликлар, наркотик воситалар, кучли таъсир этувчи тиббий воситаларни суистеъмол қилиш ва кашандаликка мойил; ғайриижтимоий хулқ, ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноий қилмишлар содир этишда; ўзини ўлдиришга уринишларда намоён бўлиши мумкин.

Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар криминоген вазиятлар туфайли эмас, балки девиант хулқ-атвор асосида шаклланган барқарор шахсий хислатлари ва қадриятлари сабабли содир этилади.

Қонунга итоат қиладиган ва маънавияти юксак аёллар учун «жиноий» вазиятлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Вазият ўз-ўзича жиноятни келтириб чиқара олмайди, у фақат девиант хулқли аёлнинг муайян қарашлари ва мақсадларини амалга ошириши учун мос бўлиши мумкин, холос.

Ҳар бир аёлда ижобий хулқ мавжуд бўлиб, бу хулқ анланган бўлса ҳамда қарорни эркин, тўғри қабул қилса, вазиятнинг қулига айланмайди, албатта.

Бироқ аёл хулқининг руҳий бошқарув даражаси қанчалик паст бўлса, унинг хулқида вазият билан боғлиқ ҳолатлар шунчалик катта аҳамиятга эга бўлади. Кўпчилик аёл жиноятчиларга ҳақиқатан ҳам хулқининг вазият билан боғлиқлиги хос бўлиб, бу унинг феълига хос жиҳатдир.

Аёллар ҳам бошқа инсонлар каби ўзи учун муайян қийматга эга бўлган нарса, ҳодиса сабаблигина фаол ҳаракат қилади. Қадриятлар тизими индивидуал бўлиб, у шахснинг руҳий фаоллигини белгилаб беради: бир аёл киши учун ҳаётини муҳим бўлган нарса, бошқа бир аёл учун унчалик муҳим бўлмаслиги мумкин.

Тарбиядаги нуқсонлар натижасида ёш қизлар ва аёлларда ижтимоий қадриятларга салбий муносабат шаклланди, жиноий мақсадларига эришишларига ҳалал берувчи қадриятларни рад этадилар, худди бошқа жиноятчилар каби одатда ўзини оқлаш учун мотивлар, баҳоналар тизимини келтирадилар ҳамда ижтимоий қадриятларни тан олмаслиги оқибатида хулқида оғишлар вужудга келади.

2-§. Жиноят содир этувчи аёллар психологияси

Жиноят содир этувчи аёлларнинг психологик хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим. Шахсни ўрганиш давомида унинг атроф-муҳит билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий

ҳаёт тарзи оила-турмуш шароити жиноят содир этишда катта рол ўйнайди. Ижтимоий шарт-шароитлар жиноий қилмишда ўз аксини топади ва шахснинг хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлади.

Хўш, жиноят содир этувчи аёллар оддий инсондан қайси томонлари билан фарқ қилади ва қандай хусусиятларга эга?

Жиноят содир этувчи аёлларнинг психологик жиҳатларини ўрганиш давомида қуйидагилар намоён бўлади:

- юқори даражада нотинчлиги;
- ўзига ишонмаслиги;
- жаҳли тез чиқувчи ва тез хулоса қилувчи;
- тажовузкорликка мойиллиги;
- маънавий-ахлоқий тарбиянинг етарли эмаслиги;
- ҳуқуқий билим савиясининг пастлиги;
- кичик гуруҳлардан узоқлашган (оила, мактаб, ишчи жамоа, қариндошлар, маҳалла ва бошқ.).

Баъзи ҳолларда аёллар оиладаги низо оқибатида қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир, ўртача ва енгил шикаст етказиш, қийнаш, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш, ҳақорат қилиш, фирибгарлик, одам савдоси, безорилик ва бошқа жиноий хатти-ҳаракатларни содир этадилар.

Ушбу жиноятларнинг содир этилишида шахсда мавжуд ижтимоий-руҳий бузилишнинг белгилари қуйидагича бўлиши мумкин:

- айбдорнинг кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида бўлганлиги;
- хулқ-атворида руҳий бузилишларнинг мавжудлиги;
- тартибсиз турмуш тарзи кечиришга одатланганлиги ва оила аъзолари билан кўпинча қўпол муносабатда бўлганлиги;
- ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмаганлиги, шиддатлилиги, ўз ҳаракатининг оқибатини ўйламаганлиги;
- руҳий ҳаяжонланиш ёки тушкунлик кайфиятида бўлганлиги ва ҳоказо.

Жиноят содир этувчи аёлларнинг жиноят содир этиш мотивларини ўрганиш кўп ҳолатларни аниқлаш ва ўрганишга имкон беради. Мотив – бу ўта жиддий руҳий тушунчалардан бири бўлиб, унинг ёрдамида инсон қилмишларининг ички табиати, уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилади. Шунинг учун жиноий хулқнинг мотивини аниқлаш вақтида психологик ва криминологик билимларга таяниш лозим.

Жиноятчи аёлнинг ички дунёсини англаш учун унинг ҳаётда тутган ўрни, атроф-муҳитдаги воқелик, инсонлар, жамият, давлат, қо-

нун, меҳнат кабиларга муносабатини билиш лозим. Буни эса унинг эҳтиёжлари, маънавий йўналишлари ва фаолиятининг мотивларини ўрганмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Яъни, ҳар қандай жиноий фаолият кўп жиҳатдан жиноятчининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ.

Жиноят содир этувчи аёлни психологик жиҳатдан ўрганишда уни ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш керак бўлади. Чунки жиноий хулқни, жинс, шахс ёки муҳит эмас, балки айнан уларнинг ўзаро алоқаси юзага келтиради.

Аёлларда жиноятни содир этиш усулини танлашда, худди бошқа жиноятчилар каби кўп ҳолларда нафақат психологик хусусиятларни, балки руҳий ҳолатларни ҳам ҳисобга олади. Руҳий ҳолат эса психологиянинг предметини ташкил этади.

Аёллар шахсини психологик типлаштириш мазкур ҳодисани билиш усуллари билан бирдир, аммо муайян ҳуқуқбузар аёлларнинг шахсларини ўрганишда олинган маълумотларни тегишлича назарий асослаш зарур.

Аёллар жиноятчилигини ижтимоий детерминациялаш механизми аёл шахсини ўрганишда икки хил ёндашувни – *ижтимоий-типологик* ва *ижтимоий-ролли* ёндашувларни бирлаштиришни талаб қилади. *Ижтимоий-типологик ёндашувда* аввало аёл кишининг ижтимоий ўрни (позицияси), унга мос ижтимоий қадри-ятлар, меъёрлар, уларнинг идрок этилиши ва бажарилиши таҳлил қилинади. Иккинчи ҳолда аёл кишига фаол ижтимоий муносабат-ларнинг субъекти сифатида қаралади.

Ижтимоий-ролли ёндашув объектив жиҳатдан криминоген хусусиятга эга бўлган позиция ва функцияларни кўришга имкон беради, чунки улар аёл киши зиммасига амалдаги қонунларга зид мажбуриятларни юклайди ва шу боис у ушбу мажбуриятларни фақат жиноятчилик содир этиб бажариши мумкин бўлади, шахсга бир-бирини истисно этувчи талаблар қўяди, бу эса ижтимоий-ҳуқуқий низоларни келтириб чиқаради, шахсни унинг учун зарур бўлган ижобий таъсирлар мажмуи амал қиладиган доирадан чиқариб юборади.

Юридик психологиядаги асосий масалалардан бири, аввало, шахснинг мотивацион соҳаси ташқи муҳитдаги муайян омиллар билан ўзаро алоқадорликда ушбу шахс учун криминоген вазият яратиши мумкин бўлган ички шахсий шарт-шароитларни ажратиш олишдир.

Ҳар бир инсонга ўз эҳтиёжларини қондириш, шахсий ва умумий мақсадларга эришиш учун бошқа одамлар билан бирлашишга инти-

лиш хосдир. Қонунга итоаткор одамлар, қонунбузарлардан фарқли равишда, ноқулай вазиятларда гуруҳдан чиқиш, ўзларини қаноатлантирмайдиган алоқадан қочишга қодирдирлар ёхуд бундай ҳолатларга нисбатан ўз позициясини ўзгартиришга ҳаракат қиладилар.

Амалиётнинг кўрсатишича, аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ҳар хил (ғаразли, зўравонликка асосланган, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган) турларига жиноятчиларнинг мотивацион соҳасида бўладиган турли бузилишлар хосдир.

Аёл кишининг айнан жинойи ҳаракатни содир этиши бошқа инсонлар каби ҳам ташқи вазият (объектив омил), ҳам ички (субъектив омил) мақсадлар билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда моддий-товар бойликлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги узилиш ижтимоий салбий оқибатларни келтириб чиқараётгани ҳаммага маълум. Хизмат (иш) ўринларининг етишмовчилиги аёллар орасида жиноятчиликнинг ортиб боришига олиб келади.

Таъкидлаш лозимки, тақчиллик жинойи фаолият билан шуғулланишга шарт-шароит яратувчи омиллардан бири ҳисобланади. Истеъмол соҳасидаги тақчиллик аёллар орасида ўз боласини ўлдириш ва бошқа қотилликлар, террорчилик ҳаракатлари, фирибгарлик, одам савдоси, порахўрлик, коррупция, наркобизнесларнинг тарқалишига шароит яратади.

Жиноят содир этган аёл кишини ўрганишда унда устунлик қилувчи, унинг қадриятлари, ҳаёт-фаолиятининг мазмуни, майллари ва қарашларини аниқлаш зарур.

Чунки жиноятчи аёллар ўзларининг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг асл моҳиятини кўпроқ ёки камроқ даражада англаган ҳолда, ўзларини оқлайдиган мотивлар, баҳоналар тизимини ахтардилар ва жинойи мақсадларига эришишларига ҳалал берувчи қадриятларни рад этадилар. Ўз ҳаракатларини оқлаш мақсадида жавобгарликдан бўйин товлаш, ўзини руҳий жихатдан ҳимоялаш аксарият жиноятчи аёлларга хос бўлган психологик хусусиятдир.

Жиноят мотивлари жиноятчи аёлнинг шахсий салбий хислатлари – ғараз, кек сақлаш, рашк, шуҳратпарастлик, ёлғон қарашлар тизими (бурч, ўртоқлик каби хислатларни нотўғри тушуниш) орқали шаклланиши ҳам мумкин.

Жиноят содир этган аёлларнинг эҳтиёжлари асосан қуйидаги хусусиятларга эга:

- эҳтиёжларнинг торлиги, чекланганлиги, моддий-утилитар характерга эга эканлиги;
- ижтимоий зарур эҳтиёжларнинг (меҳнат, ахлоқий хулққа бўлган эҳтиёжларнинг) ривожланмаганлиги;
- шакли бузилган, ўртача стандартдан ва қондиришнинг қонуний имкониятларидан ортиқ бўлган эҳтиёжлар;
- бузилган эҳтиёжлар.

Шу маънода аксарият ҳуқуқбузар аёлларда истеъмомчилик гипертрофияси мавжуддир. *Истеъмомчилик гипертрофияси* деганда талон-торожлик, порахўрлик, ўғрилик, талончилик ва босқинчиликнинг асосий шарт-шароитларидан бирини тушуниш мумкин.

Баъзан салбий хулқнинг муайян шакллари шахснинг дастлабки эҳтиёжлари билан боғлиқ шарт-шароитлардан узилган ҳолда якка-ю ягона манфаатга айланади. Фитна, ғийбат, тухмат, бошқаларга кўнгилсизликлар етказиш, жанжаллар кўпинча шахснинг ўзини қарор топтириш ва ижтимоий фаоллигини намоён этишнинг бузилган шакли сифатида юзага чиқади.

Бироқ бир қарашда бемаъни туюлган жиноятлар ҳам жиноятчи аёллар учун муайян маънога, тегишли шахсий аҳамиятга эгадир. Ҳар қандай жиноят жиноятчи аёлнинг эҳтиёжи, манфаат ёки қарашлари билан муайян тарзда боғлиқ бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, жинойий хатти-ҳаракатларни касб қилиб олган аёлларнинг руҳий оламини ўрганиш, нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, балки кўплаб олимларнинг ҳам диққат-эътиборини ўзига қаратмоқда.

Алоҳида тоифадаги жиноятчи аёлларнинг психологик хусусиятлари. Жинойий хулқ-атвор, жумладан, аёллар жинойий хулқ-атворининг типологик моделларини тузишга қатор қизиқарли тадқиқотлар бағишланган бўлиб, уларда ҳар хил шахсий хусусиятлар турлича хулқ-атвор мотивларининг шаклланишига олиб келиши қайд этилади¹.

Криминология ва психологияда жиноятчи аёллар шахсини типологик тавсифлашга уринишлар илгари ҳам бўлган, аммо аёллар жинойий хулқ-атворининг профессионал кўринишларига нисбатан бундай тадқиқотлар ўтказилмаган.

Мазкур типлардан *бири* – «паст малакали» аёллар типидир. Бу ҳақда аввалги параграфларимизда батафсил тўхталганмиз. Шу боис ушбу типнинг айнан маънавий-руҳий жиҳатларига эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз.

¹ Франк В. Человек в поисках смысла. – М., 1990. – С. 368.

Эътиборлиси шундаки, бу типдаги аёллар ғаразли жиноятларни содир этишга мойил бўлиб, уларнинг тоифалари ҳар хил бўлади. Улар сафига ўғрилик, хўжалик соҳасида ғаразли жиноятларни содир этувчи жиноятчилар ва хизмат вазифаларини ғаразли ниятда суистеъмол қилувчи жиноятчилар ҳамда талон-торожлик жиноятларини содир этувчи жиноятчиларни киритиш мумкин.

Ўғрилик жиноятини содир этувчи аёлларнинг жинойий хатти-ҳаракатлари анча олдин юзага келади ва аёллар жиноятчилигининг ижтимоий жиҳатдан энг тубан тоифасига кирадилар. Ўғрилар катта жинойий тажрибага, ғайриижтимоий хулққа оид шаклланган қарашлар ва кўникмаларга эга бўладилар. Уларнинг бу хулқи барқарор жинойий йўналишга эгалиги билан ажралиб туради. Ўғрилар эҳтиёж ва манфаатлари ниҳоятда чекланган ва содда, ижтимоий қадриятлардан бегона бўлади ва одатда оиласи, мутахассислиги, доимий иши ва турар жойи йўқлиги, турли хил руҳий аномалиялари билан чуқурлашади. Уларнинг жинойий хулқи кўпроқ ғайриижтимоий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўғри аёлларда одатда унинг жиноятчилар муҳитига барқарор кириши, илк ёшидаёқ оиладаги тарбиясининг нуқсонлари, асосий эҳтиёжларининг сурункали равишда қондирилмаслиги, доимо вазиятга тобелиги билан боғлиқ.

Ўғри аёллар ўзларининг психологик хусусиятларига кўра зўравон жиноятчиларга яқин турадилар. Улар моддий муҳитдаги тўсиқларни енгиш тажрибасига эга бўлиб, талончилик ва босқинчилик содир этишга осон ўтадилар.

Талон-торожлик жиноятлари эса кўп ҳолларда мансабдор аёллар томонидан содир этилиб, порахўрлик, харидорларни алдаш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, қалбаки хужжатлар ясаш, фирибгарлик ва бошқа жиноятларда намоён бўлади.

Барча ғаразли жиноятчиларда умумий асос – ғаразли майлларининг барқарорлиги мавжуд. Ғараз – энг барқарор, йўқ қилиш қийин бўлган инсоний қусурлардан бири, яъни шахснинг барқарор салбий йўналганлигининг тизим ҳосил қилувчи омили ҳисобланади.

Профессионал жиноятчи аёлларнинг *иккинчи тип* – бу «ғараз мақсадли зўравон» типдир. Бу типдаги аёллар юқорида таъкидланганидек, аксарият ҳолларда эркакларнинг гуруҳлари таркибида ғараз мақсадларда зўравонлик жиноятларини содир этиб, баъзан етакчилик қилади. Уларнинг орасида фоҳишалар кўп бўлиб, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишлари мумкин. Бу типга мансуб аёллар

аввалгиларига қараганда тубанлашган, уларнинг хулқ-атворида шафқатсизлик ва принципсизлик, айниқса кўпроқ намоён бўлади.

Улар зўравонлик жиноятларини кўп ҳолларда маданий-билим даражаси паст бўлганлиги сабаб содир этадилар. *Зўравон жиноятчи аёл шахси* (жисмоний куч ишлатиб жиноят содир этишга мойил шахс) одатда тарбиянинг асосий соҳалари – оила, ўқув юрти, ишлаб чиқариш жамоасидаги камчилик ва нуқсонларни акс эттирувчи паст даражадаги ижтимоийлашув билан ажралиб туради. Ушбу шахснинг мотивацион соҳасига эгоцентризм (худбинлик), жамият вакиллари-нинг бир қисми билан барқарор низолашув ва ўзини оқлашга бўлган интилишнинг мавжудлигидир. Бу ерда, аксарият ҳолларда, алкоголь жиноий мақсадни фаоллаштирувчи омил ҳисобланади.

Аёлларнинг жиноий зўравонлик хатти-ҳаракатлари ўзининг баъзи психологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Аёлларнинг зўравонликка асосланган жиноятчилиги ҳажмига кўра эркакларникидан анча кам. Аёллар хулқи воқеликнинг айрим ҳодисаларини кескинроқ қабул қилиши, уларга кўпроқ ҳиссиёт билан жавоб бериши, шахслараро муносабатларнинг айрим ҳолатларига каттароқ аҳамият бериши билан ажралиб туради.

Аёллар кескин низоли вазиятларда руҳий шикастланишга кўпроқ мойил бўладилар, улар оиладаги келишмовчилик ва низоларни кескинроқ ҳис қиладилар. Улар хавотирга кўпроқ тушиб таҳдид солаётган хавфни юқори баҳолашга мойил бўладилар. Юқори даражадаги ҳиссийлик (сенситивлик), оилавий ишларнинг кўплиги уларда юқори даражадаги руҳий зўриқишнинг барқарор фонини ҳосил қилади.

Ашаддий зўравонлик жиноятларини содир этувчи аёллар бир қатор шахсий-типологик, психологик хусусиятларга эга бўладилар. Булар:

– атрофдаги шахсларни доимо ўзига душман сифатида қабул қилиш;

– энг кичик шахсий муваффақиятсизликлардан ҳаддан ташқари таъсирланиш, уларни ижтимоий жиҳатдан мос (адекват) баҳолашга қобилиятсизлик;

– жамиятдан бегоналашганлик (аутиклик);

– ҳиссий жиҳатдан ниҳоятда беқарорлик, патологик даражадаги жиззакилик, қасоскорлик, руҳий нотайинлик, кайфиятнинг тез ўзгариши;

– даъвогарлик даражасининг ниҳоятда юқорилиги;

- экстремал вазиятларда бўлишга мойиллик, уларни фаол юзага келтириш;
- ўзини кўрсатишга бўлган мойиллик;
- ўзларига хос ҳиссий нуқсонларни доимо яширишга интилиш ва ҳ.к.

Ушбу тоифадаги жиноятчи аёлларнинг салбий хислатлари ижтимоий назорат етарли бўлмаган, ниҳоятда салбий микромуҳит шароитида шаклланади. Мазкур хулқ шаклланишининг муҳим омилларига қуйидагилар киради:

- болаликдаги эмоционал зўриқиш;
- оила ва ижтимоий фойдали гуруҳлардан ажралиш.

Шу нуқтаи назардан аёллар томонидан содир этилган зўравонликка асосланган жиноятларда кўпинча шафқатсиз тажовузкорлик хусусияти намоён бўлади, оғир жисмоний ва руҳий шикастлар етказилади. Тажовузкор хулқнинг бу типи аёлларда шахсининг чуқур бузилганидан, тажовузкор хатти-ҳаракатга ва одамларга зарар етказишга бўлган мойилликнинг шаклланиганидан, ўзини назорат қилиш қобилияти ниҳоятда паст даражада эканидан далолат беради.

Ушбу аёлларнинг хулқига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- ўзини тажовузкор интилишдан тия олмаслиги;
- низонинг қай йўналишда ривожланиши ва тажовузкор ҳаракатларининг оқибатларини кўра олмаслик;
- низולי вазиятдан чиқиш усулларини билмаслиги.

Зўравон аёл жиноятчининг барқарор *ашаддий тоифаси* доимий тажовузкорлик йўналиши, кўпол куч ишлатиш стереотипининг шаклланигани билан ажралиб туради. Унинг учун ташқи муҳитда доимо баҳона топилади.

Зўравон аёл жиноятчиларнинг ашаддий тоифалари учун тажовузкорлик – ўзини кўрсатишида устунлик қилувчи усул, қилмишнинг шафқатсизлиги эса ягона мақсад. Хулқнинг бу типи жиноийлашган микромуҳитда барқарор ўз ифодасини топади.

Зўравонликка асосланган жиноят қурбонларининг ғаламис хулқи *виктим* хулқ деб аталади (лотинча *viktima* – қурбон). Виктим хулқ – енгилтак, ҳаддан ташқари ишонувчан ёки ахлоқсиз, жанжалкаш, жиноят содир этилиши учун баҳона бўлувчи хатти-ҳаракатдир.

Виктимлик жиноят қурбонининг жинси, ёши, шахсий ва ижтимоий мавқеи билан боғлиқ умумий ҳамда шахсининг индивидуал психологик хусусиятлари – ишонувчанлиги, билимсизлиги, иродасининг сустлиги, жиноятчига руҳан тобелиги, эксцентриклиги, таваккалга

мойиллиги, шахсий жанжалкашлиги билан боғлиқ бўлган махсус турларга бўлиниши мумкин.

Аёллар орасида руҳий аномалиялар даражаси юқорироқ. Аксарият жиноятчи аёллар тез таъсирланишлари, ижтимоий ўзаро муносабат нуқсонлари, чиқиша олмаслик, асабийлик жихатлари билан ажралиб турадилар. Улар тажовузкор ҳаракатларида кўпинча тасодифан қўл остида бўлиб қолган нарсалардан фойдаланадилар.

Бироқ аёллар қасддан қилинадиган оғир жиноятларини одатда пухта ўйлаб, ниқоблашга ҳаракат қиладилар. Шахсга қарши оғир жиноятларни кўпинча хатти-ҳаракатлари эркактарникига ўхшаш аёллар содир этадилар.

Учинчи тип юқори даражада профессионал ўғри ва фирибгар аёллар типидир. Одатда, бундай типдаги аёллар ёши 27–50 ёш доирасида бўладилар. Ёш аёллар кўпинча жиноятни иштирокчиликда содир этади. Бундай аёлларнинг оиласи кўп ҳолларда бузилган ёки фақат расман сақланиб қолган бўлади. Бундай шахсга хос хусусиятлар турли фавқулодда вазиятларга психологик мослашувчанлик лаёқатининг катталиги, ўғрилик ва фирибгарликка ихтисослашганлик, ўрта ёки ўрта махсус маълумотга, маълум ҳаёт тажрибасига эгаллиги билан изоҳланувчи интеллектуал савиянинг нисбатан баландлиги билан изоҳланади.

Биз қайд этган профессионал жиноятчи аёлларнинг *тўртинчи типини* жиноятчилар орасида «ўғрилар онаси» деб аталмиш аёллар ташкил этади. Уларга асосан фоҳишахоналар ва гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилувчилар учун бангихоналар сақлаш, қўшмачилик қилиш, ўғрилик моллар ва гиёҳвандлик воситаларини сотиб олиш ва сотиш хосдир.

Юқорида келтирилган профессионал жиноятчи аёллар типидан ташқари аёл жиноятчи шахсларнинг психологик хусусиятларини уларнинг қуйидаги тоифалари бўйича ўрганиши мақсадга мувофиқ саналади:

1) *Қотиллик жиноятларини содир этувчи аёллар тоифаси.* Қотиллик жиноятларини содир этган аёллар психологияси ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларда бошқа шахсларга нисбатан ниҳоятда тобеликни кузатиш мумкин. Қотил аёллар эркин ҳаётга мослашиши қийин бўлган шахслар тоифасига кирадилар.

Тарбияланиш шароитини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қотиллик жиноятлари учун ҳукм қилинган аёллар бир ярим барабар кўп ҳолларда носоғлом шароитларда тарбияланганлар.

Аёлларда қотиллик жиноятларининг аксарияти худди эркакларники сингари тўғри қасд билан содир этилади, тажрибанинг кўрсатишича, уларнинг 1/3 қисми аввалдан режалаштирилади. Аксарият қотилликларни 20–30 ёшлардаги аёллар содир этишади. Бунда асосан кўпроқ ўз боласини ва турмуш ўртоғини ўлдиришади.

Аёлларда қотиллик жиноятлари ақли расоликни истисно этмайдиган турли нуқсонлар – сурункали алкоголизм, психопатия, бош миянинг органик касалликлари, шизофрения билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2.Террорчилик жиноятларини содир этувчи аёллар тоифаси. Бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган ҳодисалар ичида террорчилик хавфи алоҳида ўрин тутади. Террорчилик энг мураккаб ва хавфли ҳолатларни ўз ичига қамраб олади ҳамда жамиятга катта хавф туғдиради. Террорчилик одамларда ёвузлик ва кўрқув ҳиссиётини пайдо қилади.

Сўнгги йилларда айнан террорчи шахсини ўрганиш психологлар эътиборини тортиб келмоқда. Чунки мураккаб психологик тузилишга эга бўлган террорчи шахсининг психологиясидаги ўзига хосликни ўрганиш унга қарши курашиш муаммосини имкон қадар енгиллаштиради, деган фикрлар мавжуд. Бироқ ушбу муаммо ҳамон ҳал қилиб бўлмас муаммога айланиб қолмоқда.

Тадқиқотчи олим С. Рошин террорчи шахсининг учта психологик моделини таклиф этган. *Биринчи модел – психопат-мутаассиб модели.* Бу ўзининг эътиқодлари (диний, мафкуравий, сиёсий)га асосланган ва ўз ҳаракатлари натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, жамият учун фойдали эканига самимий ишонадиган шахс. Бу онг соҳаси у ёки бу таълимотлар билан ниҳоятда торайиб кетган ва унинг ўзи ўз ҳиссий соҳаларига бўйсунгандир. Шу боис у ҳар нарсага қодир. Сиёсий тилда у мутаассиб, психологик тилда эса психопатдир.

Иккинчи модел фрустрациялашган модел бўлиб, бихевиоризмнинг фрустрация¹ – тажовузкорлик назариясига асосланади. У ёки бу талабларга кўра инсоннинг ўзи учун ҳаётининг муҳим мақсадларга етиша олмаслиги туфайли юзага келган фрустрация (ноиложлик) ҳисси муқаррар равишда унда тажовузкор ҳаракатларга мойилликни юзага келтиради.

Учинчи модел – носоглом оиладан чиққан шахс. «Ота-онанинг бола билан шафқатсиз муомалада бўлиши, унинг жамиятдан ажралиб

¹ *Изоҳ:* Фрустрация (ноиложлик) – ўйлаган режа амалга ошмаганда, кўзланган мақсадга эришмаганда юз берадиган ҳолат.

қолиши, яхши муносабатларнинг камлиги ғайриижтимоий майлларга эга ғазабнок шахс шаклланишига олиб келиши мумкин.

Террорчи аёл маълум сабаб ва вазиятлар таъсирида жиноят содир этади. Бундай сабабларга шахсий (фанатик тарбия базаси асосида) мотивлар бўйича яқин қариндошларидан (турмуш ўртоғи, отаси, акаси) бирон бирининг ўлими ёки қамалиши, моддий бойлигини йўқотиши, маҳаллий раҳбар томонидан қаттиққўл муносабат натижасини (агар улар бошқа миллат ва бошқа эътиқодда бўлса) киритиш мумкин.

Шу сабабдан терроризм билан боғлиқ жиноятларга асосий мотиви ўзи учун, яқинлари ёки дўстлари ҳамда ягона эътиқоддошлари учун қасос олиш ҳисобланган аёллар жалб этилади.

Ушбу тоифадаги аёлларда ўлиш ва ўлдиришга хоҳиш юқори бўлади, қайсики ўзини ўзи ўлдирувчи аёллар ўзини жуда кучсиз ҳис қилиши лозим бўлади. Террорчилик жиноятининг ички мотивларидан бири ҳам ўз кучи билан заифликдан қутилишдир. Бундай аёлларда тобелик ва хафагарчилик экстремал кечинма ҳисобланади.

Ўз жонига қасд қилувчи террорчи аёлнинг мақсади – одамлар кўп жойларда, шаҳарларнинг марказий туманларида ўзига катта эътибор қаратишни назарда тутаяди. Агар у аҳолидан тўсиб қўйилса, кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларини йўқ қилишга ҳаракат қилади. Улар музокара олиб бориш жараёнида ҳам ён-атрофига имкон қадар кўпроқ одамларни йиғиш мақсадини кўзлайди, ўз жонини қимматроққа сотишга ҳаракат қилади.

Террорчилик кейинги пайтларда турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Агар илгари муайян мақсадларга эришиш йўлида унинг одамларни гаровга олиш, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш, у ёки бу давлат объектларини портлатиш, давлат арбобига суиқасд қилиш ва ҳоказо кўринишлари кузатилган бўлса, бугун ўз ғаразли мақсади йўлида тўғридан-тўғри инсон ресурсларидан фойдаланиш ҳоллари ҳам оммалашиб бормоқда. Террорчиликнинг бу кўриниши «қурбонлик» ёки «шаҳидлик» террорчилиги деб аталади. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» террорчилиги халқаро терроризмнинг бир кўриниши сифатида турли ижтимоий-сиёсий тартибларда муайян сабаблар ва омиллар таъсирида намоён бўлади. Унинг бундай кўриниши Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 2004 йил 29–30 март кунлари «шаҳидлик» террорчилигининг дастлабки кўриниши кузатилди¹.

¹ Қодиров А., Исмоилов М. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» кўринишидаги терроризм // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2004. – № 2. – Б.16–17.

Одатда, «шаҳидлик»ка қарор қилган аёллар ўз жонини қурбон қилишни таклиф қилмайдилар. Уларни «маънавий мураббийи» ёки сардори танлаб олади. Шундан сўнг узоқ муддатга режалаштирилган комплекс ва психологик тайёргарлик жараёнлари бошланди. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» мақомидаги террорчиларни одатда Яқин Шарқ, Кавказорти, Афғонистон ва Покистонда тайёрлайдилар.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, экстремистлар ўз мақсадлари учун асосан ёш йигит ва қизларни танлайдилар. Хўш, нега айнан ёшлар ва аёллар?

Чунки айнан ёшлар юрт келажаги, миллатнинг эртанги куни, тараққиётини белгилаб берадилар. Шу ўринда ўсмирлар ва аёллар ташқи таъсирларга кўпроқ мойил бўлишини алоҳида қайд этиш лозим. Айниқса, аёлларда эркакларга қараганда ёрдамга муҳтожлик ҳисси юқори бўлиб, мақсад ва интилишларини тушунадиган кишиларни излай бошлайдилар.

Мутаассиб ғоялар домига тушиб қолган аёллар оиласидан, жамиятдаги ўрnidан, ҳатто, ҳаётидан ажрамоқдалар. Бундай аёлларни ҳар қандай топшириқни ҳеч иккиланишсиз бажаришга олиб келиш учун синалган услублардан фойдаланмоқдалар. Жумладан, «оз-оздан сингдириб бориш» технологиясида биргаликда аёллар жамоатига бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, фақат бир ҳафта кечқурунлари бирга диний адабиёт ўқиш, жамоанинг йиғинларида қатнашиш, фақат бир марта варақа тарқатиш каби кичик илтимослар орқали ёлланаётган аёлни жиддий ёнбосишга мажбур қилинади ва рағбатлантириб борилади.

Шунингдек, доимий «ақлий ҳужум (онгни тозалаш)» воситасида жамоанинг ғояларини амалга ошириш ёлланаётган аёл кишининг шахсий қийинчиликлари ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган қараш тинмай уқтириб борилади.

Сўнгра «гуруҳий таъсир этиш» услуби қўлланилади. Бунда жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан «кўмиб» ташлайди. Айни пайтда ёлланаётган аёлга бетиним янгидан-янги маълумотлар бериш ва ўз фикрлари билан ёлғиз қолишига йўл қўймаслик орқали унда эътироз билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилинади ва бир пайтнинг ўзида унга нисбатан жамоа томонидан фақат ширин сўзлар гапирилиб, у ҳақда ғамхўрлик, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, киши «ўзимни назорат қила оламан ва хоҳлаган вақтимда жамоадан четлаша оламан», – деган хаёлдан узоқ бўлиши лозим. Чунки, аксарият мутаассиб оқимлар янги тарафдорларни ёллашда рухий таъсирнинг юқоридаги каби усулларида фаол фойдаланадилар ва ортга қайтишга деярли имкон қолдирмайдилар.

Сўнгги йилларда «Ҳизб ут-таҳрир»да ғоявий якдиллик йўқолиб, фаолиятида юзага келган самарасизлик таркибий бўлинишларга олиб келди. Ундан «Ҳизб ун нусра» гуруҳи ажралиб чиқди. Шунингдек, «Ҳизб ут-таҳрир»нинг «Аёллар қаноти» кучайтирилиши баробарида, улар орасида ўзини ўзи ўлдириш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Улар ёш қиз ва аёлларга «уй тутиш сирлари» (пазандалик, тикувчилик)ни ўргатиш орқали ҳаракатнинг ғояларини тарғиб этиш, тузоққа илинган аёлларни гўёки, «ҳижрат» қилиш йўлида чет давлатлардаги ўз «биродарлари»га ёрдам бериш учун жўнатиш ёки жазо муддатини ўтаётган жамоа аъзоларига турмушга чиқишга даъват этиш каби амалиётлар билан шуғулланмоқдалар.

Шунингдек, аёлларни бошқариш эркакларга қараганда осонроқ ва улар онгини заҳарлаш ҳам террорчилар учун анча енгил ҳисобланади. Чунки, эркак кишида ўзини эҳтиёт қилиш ҳиссиёти аёлларга нисбатан кучлироқ ривожланган. Айрим аёллар ўзларига нисбатан бўлаётган ноҳақликлар, паст назар ёки «оддий буюм» сифатида бўлаётган муомаладан норози бўлиб, яшаётган ёки келажакда яшайдиган ҳаётларидан кутулиш мақсадида экстремистлар қурбонига айланмоқдалар. Психологларнинг фикрига кўра, ғараз ниятли кимсалар устомонлик билан фойдаланаётган аёлларгагина хос қатор хусусиятлар мавжуд:

- 1) бўйсунувчанлик – оилада ота-она, ака-укаларга итоаткорлик;
- 2) бирор хатти-ҳаракатга нисбатан ички тайёргарликнинг қатъий эмаслиги – шошиб қарор чиқариш;
- 3) ташқи таъсирга тез берилувчанлик – ҳиссиётнинг ақлдан устун келиши, аёллар ташқи таъсирларни ҳиссий онг билан қабул қилишлари;
- 4) ахборот олишга бўлган қизиқишнинг устунлиги, – аёл ҳар қандай шов-шувли маълумотларга қизиқувчан бўлади ва шов-шувли ахборотларни тарқатиш орқали ўз ижтимоий фаолликларини намойиш қилишга ҳаракат қилиши;
- 5) ижтимоий муносабатларга киришишга бўлган хоҳиш ва эҳтиёжнинг кучлилиги – кўча-куйда янги танишлар орттириш, улар билан суҳбатлашиш;

6) кўпчиликка бевосита таъсир ўтказа олиши;

7) руҳий тушкунликка тез тушиши ва руҳий зарбаларга чидам-сизлиги руҳий зарбаларга учраган инсон ўз қадриятлар тизимини ўзгартиришга мажбур бўлади ва айнан улар мутаассиблар учун зарур инсонлардир;

8) инсонга табиатан тақиқланган ёки номаълум ҳар қандай нарса ва ҳодисага интилиш ҳисси берилган, аёлларда айнан шу хусусият яққол намоён бўлади;

9) аксар ҳолларда реалликдан кўра хаёлот оламининг устунлиги;

10) ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслик, яъни ўз «мен»ини англамаслик ёки мутлақ инкор этиш;

11) муаммоли ҳаётдан қутулишнинг энг мақбул йўли ўзлари каби муаммоларга эга гуруҳга қўшилиш, деб ҳисоблашлари.

Ёш қизлар ва аёлларнинг турли оқимларга кириб қолишлари сабаблари қаторида уларда диний маълумотнинг етишмаслиги, уни эгаллашга бўлган қизиқиш ва интилиш ҳамда ишонувчанликни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. «Сен бу ташкилотга кириш ёки мана бу вазифани бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, турмуш ўртоғинг, отанг ва аканг учун қасос оласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!», – деган қарашларни сингдириш жараёни айнан мана шу каби хусусиятларга алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. Ёш қизлар ва аёлларнинг диний- экстремистик гуруҳлар таъсирига тушиб, турли террорчилик амалиётлари иштирокчисига айланиб қолишларининг асосий сабаби – уларнинг на диний, на дунёвий билимга эгаликлари, соф ислом таълимотини билмасликларидир.

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятлар билан боғлиқ муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб борган Россиялик олим Э.Ф.Побегайлонинг фикрича, оиладаги низолар оқибатида жиноятлар асосан фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиганлар, дайдилар, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар, гиёҳвандлар, жиноий ўтмишга эга шахслар, фоҳишалар ва қўшмачилар тоифасидаги шахслар томонидан содир этилмоқда¹. Ҳаётда айнан шу тоифадаги шахсларда жиноят содир этишга мойиллик кўпроқ кузатилади. Улар томонидан содир этилган жиноятлар таркибида қотиллик ва оғир тан жароҳатларини етказиш 50 фоизни ташкил этади².

¹ Побегайло Э.Ф. Тенденции современной преступности и совершенствование уголовно-правовой борьбы с нею. – М., 1990. – С. 9.

² Криминология. – Т., 2007. – Б. 294.

Жиноятларни содир этувчиларнинг маълум бир қисмини ўзаро оилавий ришталари боғланган шахслар, яъни эр-хотин, ота-бола, ака-ука, опа-сингиллар ташкил этиб, улар томонидан жиноятлар бир-бирларига нисбатан содир этилган.

Аёл шахсидаги билим даражасининг пастлиги, онгнинг ривожланмаганлиги, содир этилаётган хатти-ҳаракатнинг оқибатини англаб эта олмаслик, ўзини идора қила олмаслик, яъни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлардир. Бу ўзини тия олмаслик каби салбий хусусиятларнинг ривожланишига олиб келади. Оқибатда бундай аёллар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда шахсга қарши жиноятларни, яъни қотиллик, баданга оғир шикаст етказиш, қийнаш каби инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши тажовузларни ўйламасдан, осонгина содир этадилар¹. Бундай тоифадаги шахсларда раҳм-шафқатнинг йўқлиги натижасида ваҳшийлик билан инсонга, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли жиноятларни содир этадилар. Ачинарлиси шундаки, бундай совуққонлик билан қасддан одам ўлдириш жиноятларини аёллар томонидан содир этиш ҳолатлари бугунги кунда ҳам амалиётда учрамоқда.

Жиноят содир этувчи аёллар шахсини ўрганиш давомида биринчи навбатда, унинг ички дунёси, эҳтиёжлари, мойилликлари, ҳиссий-иродавий доираси, қобилиятлари, интеллектуал ва индивидуал хусусиятлари (характер, темперамент, ҳиссий кечинмалари, таъсирларни қабул қилиши ва бошқа билиш жараёнлари)га ҳам эътибор бериш лозим. Модомики, жиноят содир этган шахс ҳақида юқорида кўрсатилган хусусиятлар атрофлича ўрганилмаса, тадқиқ этилаётган жиноятларнинг олдини олиш борасида профилактик чора-тадбирларни амалга оширишнинг самараси паст бўлиши табиий.

Оила-турмуш доирасида аёллар томонидан жиноят содир этувчиларнинг маънавий-руҳий хулқ-атвори тажовузкорлик хусусиятига эга эканлиги бир қатор ҳуқуқий ва ижтимоий фанларда атрофлича ўрганилган. Зикр этилган психологик хусусиятларни бир хилда ўзида мужассамлаштирган шахс ўз индивидуаллиги жиҳатидан бетакрордир². Шахснинг ички майли (рашк, қасос, алам, оилада эркак ёки аёлнинг бир-бирига устунлик даъвоси ва бошқалар) оиладаги жиноий зўравонликнинг ёки жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишига йўл

¹ *Исмаилов И.* Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 78.

² Умумий психология. – Т., 1992. – Б. 210.

кўяди. Бу объектив омиллар шахсда бевосита салбий маънавий хусусиятларни шакллантирмасда-да, лекин бунинг учун қулай шароит бўлиб ҳисобланади ва тажовузкорликнинг шаклланишига олиб келади. Тажовузкорлик деганда, ўз муаммоларини ҳал этиш учун зўравонлик воситаларидан фойдаланишни афзал кўриш¹, низоларни тажовуз йўли билан ҳал этиш орқали жиноят содир этиш тушунилади.

Оиладаги низолар оқибатида аёллар томонидан жиноят содир этилиши асосан рашк, қасд ва муҳаббат можаролари каби вазиятлар билан узвий боғлиқ эканлиги кузатилмоқда. Табиийки, аёллар шахсига хос бўлган тезда жаҳл чиқиш ёки ҳар бир ҳолатни кўнгилга яқин олиш ҳам вазиятнинг мураккаблашувига олиб келади. Тан жароҳати етказишга таъсир этувчи яна бир омил сифатида аёлларнинг ўз хатти-ҳаракатлари оқибатини англамасликлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган мураккабликларни тўғри баҳолай олмасликлари каби хислатлар эътироф этилади. Яъни, аёллардаги кучли эҳтирос жуда кўп жинойий вазиятларнинг чигаллашувига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, илгари судланган аёлларнинг хулқ-атворининг доимий назорат қилиб борилиши, уларга нисбатан амалга оширилаётган тарбиявий-профилактик мазмундаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишига қарамасдан, ушбу тоифадаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари амалиёт жараёнида кузатилмоқда. Айнан жазони ижро этиш муассасасидан қайтган аёллар томонидан асосан фирибгарлик, ўғрилик, гиёҳванд моддалар билан савдо қилиш ва уларни тарқатиш, одам савдоси, безорилик жиноятларини содир этилиши кўпроқ кузатилмоқда. Ҳар қандай жинойий қилмиш жиноятчининг психологик хусусиятларидан келиб чиқади. Шунинг учун профилактика инспекторидан шахсларнинг психологик хусусиятларини юзага келтирувчи шароитлар, умуман олганда, ушбу тоифа шахсларнинг психологик жиҳатлари ва психологияси ҳақида билимларга эга бўлиш талаб этилади.

Жинойий жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ўрта ёшли жиноятчи аёлларни жамиятга мослаша олмаслигига қараб 3 та катта гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Улар: юқори, ўрта ва паст.

Юқори – ижтимоий ҳаёт меъёрларига мослашиши қийин кечадиган юқори гуруҳга киритилган илгари судланган аёллар ўзларининг шафқатсизлиги, золимлиги, бағри тошлиги, раҳмсизлиги, баджаҳл-лиги, салга хафа бўлавериш, жиззакилик, интеллектуал даражанинг

¹ Антонян Ю.М. Психология убийства. – М., 1997. – С. 17–18.

пастлиги билан тавсифланадилар. Уларга астеник ҳиссиётлар ва ижтимоий мотивациянинг паст даражадалиги хосдир. Моддий манфаатдорлик уларнинг хулқ-атвор мотивининг асосини белгилайди. Асосий эҳтиёжлар туркумини моддий эҳтиёжлар ташкил этади. Уларда жиний жазони ижро этиш муассасасидан қайтганларидан сўнг салбий одатларини йўқотишга бўлган интилиш кузатилмайди.

Ўрта – ижтимоий ҳаёт меъёрларига мослашиши ўртача қийинчиликда кечадиган илгари судланган аёллар атрофдагилар билан бепарво, эътиборсиз, лоқайд, бахил, кўролмаслик, ҳасадчи, сержаҳл, жиззаки муносабатда бўладилар. Уларда астеник ҳиссиётлар ва ўзининг фикри, ғояси, дунёқарашини ифода этиши устун, асосий мотиви хатти-ҳаракатга қаратилган. Ҳаётдаги асосий эҳтиёжи бу оиласининг бўлиши, хавфсиз ва ҳимояланганлигини ҳис этиш. Ушбу тоифадаги аёлларда жазони ижро этиш муассасасида пайдо бўлган салбий ҳис-туйғуларга қарши туриш ва уларни енгиб ўтиш жуда паст даражада.

Паст – ижтимоий ҳаёт меъёрларига мослашиши унчалик қийинчиликда бўлмаган аёллар ўзларининг мулоқотмандлиги, мослашувчанлиги, қатъиятсизлиги, масъулиятсизлик ва бепарволиги, ақлий даражасининг ўртачалиги ҳамда ҳиссиётларининг ўзгарувчанлиги билан тавсифланадилар.

Асосий эҳтиёжлар туркумини оила қуриш, ўз ўзини қарор топтириш, дунёқарашини шакллантириш ташкил этади. Фаолият мотиви мулоқотга кириши ва билишга қаратилган. Ушбу аёллар ижтимоий жамиятдан ажраб қолганидан сўнг ҳосил бўлган салбий ҳис-туйғу ва ҳиссиётларни енгиб ўтишга интилувчан, озодликка чиққанидан сўнг турли муаммоларни бартараф этишда фаолликни намоён этадилар¹.

3-§. Жиноят содир этувчи аёллар билан профилактик ишларни олиб боришнинг психологик жиҳатлари

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналишлардан бири ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳисобланади. Ушбу фаолият норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда амалга оширилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарлик-

¹ Ковалев О.Г., Малышева О.А. Криминологические и психологические проблемы дезадаптации женщин молодежного возраста, отбывших наказание в виде лишения свободы: Учебное пособие. – М., 2001. – С. 49.

ларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат жараён.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликнинг барча сабаб ва шароитлари кишилар психологиясида ва онгида акс этиб, улар жамиятга зид йўналишни, қарашларни, ҳаракатларни шакллантиради ёки уларни кучайтиради, жонлантиради. Шунинг учун ҳам жиноятчилик сабаб ва шароитлари ҳамма вақт ижтимоий-психологик хусусиятга эга. Ижтимоий-психологик сабаб ва шароитлар ижтимоий шароитлардан келиб чиққан бўлиб, маълум бир даражада мустақилдир. Жамиятда жиноятчиликнинг ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларини асосан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мавжуд бўлган салбий ҳодисалар, воқеалар, жараёнлар келтириб чиқаради. Ҳар қандай жамиятда, унинг ривожланишининг барча босқичларида ҳам, ижтимоий-психологик сабаб ва шароитларни келтириб чиқарадиган объектив ва субъектив сабаб ва шароитлар мавжуд бўлади, лекин улар турли даражада бўлади.

Аёллар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бундай таснифлаш зарур профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни қаерларда амалга ошириш кераклигини аниқлашга ёрдам беради.

Жиноят содир этувчи аёллар профилактикасини амалга оширишдан олдин юқорида келтирилган барча тоифадаги шахсларнинг психологик жиҳатларини чуқур ўрганиши мақсадга мувофиқдир. Шахснинг психологик жиҳатларини ўрганиш асосан шахсдаги жиноий хулқни келтириб чиқарадиган хусусият ва сифатларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва шунга кўра ушбу тоифадаги шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни назарда тутди.

Профилактик ишларни самарали амалга оширишда ҳуқуқбузар ва унга мойиллиги бўлган аёллар билан психологик алоқа ўрнатиш, уларга таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилиши эътироф қилинади. Тўғри мулоқотга киришиш – ижтимоийлашув жараёнида барча сифатлардан олдинроқ шаклланидиган қобилиятдир. Бу, айниқса, профилактик фаолиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинади. Зеро, профилактика ишлар ҳуқуқбузар аёллар билан дастлабки муно-

сабати муомала орқали амалга оширилади. Мазкур жараёнда иштирок этувчи шахслар билан муносабатини ўрната олмаслиги, амалий фаолият иштирокчиларининг психик ҳолатларини, уларнинг мазкур жараёндан кўникмаларини аниқлай олмаслиги, ўз нуқтаи назарига ўзгаларни профессионал тарзда кўндира олмаслиги, шахсни унинг ички кечинмалари ва ўз-ўзига бўлган муносабатини аниқ тасаввур қила олмаслиги психологияда коммуникатив уқувсизлик ёки дисконмуникация ҳолатини келтириб чиқаради. Бунда профилактика инспектори ва шахс бир-бирини тушуна олмаслиги оқибатида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олди олинмай қолади ва ҳуқуқбузарликлар яна содир этилиши мумкин. Шунинг учун ҳам замонавий ижтимоий психология йўналишида, бошқарув психологиясида, ҳуқуқ психологиясида ички ишлар органлари ходимларини коммуникатив билимдонликка ўргатиш, уларда коммуникативлик ҳосил қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Умуман, ҳозирги даврда ҳар қандай мутахассис коммуникатив малакаларга эга бўлмагунча, шахслараро муносабатга киришиб, ўз профессионал маҳоратини намоён эта олмайди.

Мулоқот жараёнида ходим ва ҳуқуқбузар аёл ўртасида психологик алоқа ўрнатилади. *Психологик алоқа* – мулоқотга киришувчиларнинг бир-бири билан муносабат ўрнатиш, ривожлантириш ва қўллаш демакдир.

Профилактика инспектори ва маҳалла фаоллари шахслар билан психологик алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш жараёнида психологик тўсиқлар (барьер)га дуч келади. Бу психологик тўсиқлар бефарқлик, ишонмаслик, нафрат, характери бир-бирига тўғри келмасликдан келиб чиқади. Демак, психологик тўсиқларнинг бор ёки йўқлиги одамларнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ.

Масалан, одам ўлдириш учун илгари судланган шахслар билан психологик алоқа ўрнатишда жараёнида бир қанча психологик тўсиқларга дуч келади. Ушбу тўсиқлар фаолият самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Агар уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатсак, уларда одатда кучли асабийлашиш, ҳиссиётларини назорат эта олмаслик, мулоқотда жаргонлардан фойдаланиш, ходимга психологик тазйиқ ўтказишга ҳаракат қиладилар. Шу сабабли, профилактика инспектори ушбу тоифадаги шахслар билан алоқага киришганда уларнинг характериологик ва физиологик ҳолатларини инобатга олган ҳолда мулоқотга киришишлари, ўртадаги руҳий тўсиқни бартараф этишлари тавсия

этилади. Шу билан бирга, эҳтиётсизлик ёки кучли рухий зўриқиш таъсири остида қотиллик қилган шахслар одатда кўрқоқ ҳамда эгилувчан бўладилар.

Фирибгарлар билан профилактик ишларни олиш боришда аввало унинг ўзини тутишини кузатиши керак. Улар кўпроқ башанг, олифталарча кийинишга, нутқида баланд парвоз, манманлик, ёлғон ишлатишга мойиллик кучли бўлади. Улар ишонарли қилиб гапиришга, турли ролларга кира олиш қобилиятига эга. Одатда аёллар мулоқотнинг бошида асабий, ўрталарига келиб анча бўшашган, охирида эса яна ҳужумкор позицияда бўладилар.

Шу сабабли ўзга инсон билан илк бор танишишда қўлланиладиган керакли сўзларни танлаб олиш катта аҳамиятга эга. Юридик фаолиятда шахсларни тўғридан-тўғри мулоқотга чақириш психологик ноқулайлик ҳолатини келтириб чиқаради ва биринчи таассурот самарасини сусайтиришга ва унинг салбий бўлишига олиб келади.

Демак, танишиш учун ишлатиладиган биринчи сўзлари қанчалик табиий ва тушунарли бўлса, мулоқот шунчалик тез ўрнатилади ва осон ривожланади. Бунинг учун ходим соф, бетакрор, сезгир бўлиши лозим. Қизиқтираётган шахс билан психологик алоқа ўрнатишда биринчи навбатда, ўзи ҳақида ижобий таассурот қолдириши лозим. Бунда:

- 1) унинг ташқи қиёфаси;
- 2) экспрессив реакция (мимика, ҳаракатлар, юриш-туриш ва ҳ.к.);
- 3) овоз оҳанги, нутқи юқори даражада бўлиши лозим.

Аёллар жиноятчилигини олдини олишда ходим шахс билан мулоқот қилиш жараёнида шахснинг нафақат ташқи қиёфаси, балки унинг субъектив дунёси, режалари, қилмишларини тушунишга ҳаракат қилиши лозим. Шу боис биринчи таассуротнинг юзага келишида уч босқичда иш олиб бориш керак бўлади, яъни:

1) жиноят содир этувчи аёлнинг ташқи хусусиятлари (ташқи кўриниши, мимикаси, кийиниши, юриш-туриши, аҳамиятли жиҳатлари ва ҳ.к.)ни аниқлаш;

2) жиноят содир этувчи аёлнинг эмоционал, хулқий ва умумий психик ҳолатларини белгилаш;

3) мақсадга мувофиқ фикр юритиш ва эмоционал таассуротлар остида ҳамкор образини тузиш (ижтимоий-ролли ва индивидуал-шахсий томонларини назарда тутган ҳолда) ва ҳ.к.

Амалиётда инсонларнинг психик фаолиятидаги қонуниятларга асосланган ҳолда улардан керакли бўлган маълумотларни олиш турли

хил усуллар орқали амалга оширилади (масалан, онгга таъсир ўтказиш ва онг остидаги доирага таъсир ўтказишнинг махсус усуллари орқали).

Профилактик фаолиятда керакли бўлган маълумотларни ўрганиш давомида кўпроқ онг остида намоён бўлувчи психик жиҳатларга таъсир ўтказилади.

Қизиқтираётган шахсга баҳо беришда формал ва ноформал усуллардан фойдаланиш мумкин.

Формал усулларга мақсадга йўналтирилган кузатув ва суҳбат, ҳужжатларни таҳлил қилиш, таржимаи ҳолни ўрганиш, турли анкета маълумотларини қўллаш каби усуллар киради (онг даражасида)

Ноформал усулларга турли интуитив имкониятлар ёрдамида қўлга киритилган маълумотлар киради (онг ости даражасида).

Жиноят содир этувчи аёллар шахсий ва ижтимоий-психологик омиллари.

Қизиқтираётган шахсни ўрганиш давомида қуйидагилардан фойдаланилади:

1. Умумий маълумотлар: туғилган вақти ва жойи, миллати, маълумоти, мутахассислиги, иш жойи, мансаби, оилавий шароити, турар жойи ва ҳ.к.

2. Ташқи белгилари:

– юзи (қисқача оғзаки портрети, юз тузилиши);
– бўйи (паст, ўрта, баланд, бўйидаги камчиликлар);
– оғирлиги ва баданининг тузилиши (ориқ, ориқроқ, тўла, ўрта тўла ва ҳ.к.);

– ташқи қиёфаси, кийиниши (тоза ёки тоза эмаслиги, модага риоя қилган ёки қилмаганлиги ва ҳ.к.);

– хатти-ҳаракатлари (яхши, ёмон таассурот қолдиради);

– овози (ёқимли, ёқимсиз, баланд, димоғли ва ҳ.к.).

3. Ҳаётини йўли:

– ота-онаси (туғилган жойи ва вақти, миллати, турар жойи ва ҳ.к.);

– ёшлик дамлари (оиладаги ҳаёти, оиладан ташқари ҳаёти, нечанчи фарзанд эканлиги, ака-сингиллари, уларнинг муносабатлари, ҳаётидаги воқеаларнинг таъсири ва ҳ.к.);

– мактаб (мактабнинг йўналиши, қайси мактабни тугатган, яхши кўрган фанлари, тенгдошлари билан муносабати, мактабда интизомни бузганлиги ёки бузмаганлиги, ютуқлари, ўқиш фаолиятидаги баҳолари ва ҳ.к.);

- ўқув юртлар (киришнинг сабаби, ютуқлари, олган билим, кўникма, малакалари, 16-19 ёшдаги кўзга кўринган воқеалари);
- меҳнат фаолияти (меҳнатнинг характери, уларга муносабати, меҳнат фаолиятининг шахсга бўлган таъсири);
- оилавий ҳаёти (болалари, ким билан турмушда).

4. *Ҳаётий тармоқлари:*

- оиласи (эри, ота-она, қайнота-қайнона ва болаларига муносабати);
- касби ва мутахассислиги;
- сиёсий ва жамиятдаги фаоллиги;
- бўш вақтини ўтказиши;
- соғлиғи.

5. *Хулқи:*

- доимий кайфияти (меъёрида, кўтаринки, ёмон, қийинчиликларга муносабати, ўзини йўқотиб қўйиши ёки йўқотиб қўймаслиги, бефарқ бўлиши);
- ҳиссиётларидаги ўзгаришлари (тез, ўрта, осон жаҳли чиқиши, арзимас нарсаларга кайфиятининг бузилиши);
- иродасининг кўриниши (мустақил, мустақил эмас, интизомли, қатъий, кўрқмас ва ҳ.к.);
- мураккаб вазиятлардаги хулқи (тинчликни сақлайди, ўзини йўқотиб қўйиши, нутқи ва ҳаракатларининг мантиқийлиги ёки бундай эмаслиги);
- ичиб олган ҳолатидаги хулқи (тинч, агрессив, назоратни йўқотиши, сергап, ҳоли қолишни исташи ва ҳ.к.);
- ахлоқий хулқи (ахлоқ нормаларига риоя қилиши, ростгўйлиги, мураккаб вазиятларда жасурлик кўрсатиши ва ҳ.к.).

6. *Темперамент ва характери.*

Темпераменти:

- муомала қила олиши (суҳбатдош, суҳбатдош эмас, камгап, уятчан, қатъиятли, қатъиятсиз, сардор бўлишга мойил ва ҳ.к.);
- эмоционал (босиқ, қизиққон, вазмин, хафақон, ўзини тута олади – тута олмайди, тушкун кўтаринки).

Характери:

- характерининг жиҳатлари: одамлар билан муносабатда бўлганда хушмуомалали, талабчан, синчков, виждонли, ўзи ва ўзгаларга бўлган муносабати ва ҳ.к;
- характеридаги камтарлик жиҳатининг устунликлари (биринчи, икинчи, кескин кўринишлари).

7. *Хулқининг мотивацияси:*

– эҳтиёжларининг устуворлиги (физиологик ўзини ўзи сақлаб қолиш, ижтимоий гуруҳда муносиб бўлиши, ўзининг шахсига ҳурматда бўлиши ва ўзини кўрсата олиши).

Қадриятлар:

а) шахсий қадриятлар (юксалиш, ўзгаларга ёрдам бериш, аниқ фаолият ва эҳтиёжларини қондириш йўналишлари);

б) ижтимоий қадриятлар (жамият қабул қилган норма, анъаналарга бўлган йўналишлари, ҳуқуқий тартибни ҳурмат қилиши);

в) моддий қадриятлар (пул, буюм, мулк каби тушунчаларга муносабати);

г) сиёсий қадриятлар (демократияга, сиёсий партиялар, давлатнинг сиёсий ҳаётига бўлган муносабати, шахсий, илмий қарашлари);

д) ғоявий қадриятлар (дунёқараши, диний қарашлари).

8. Ижтимоий мослашуви:

– ижтимоий атроф-муҳитга муносабати (таниш одамлар ва дўстлари билан муносабатлари, ўзгалар томонидан унинг тан олиниши, қариндош-уруғлари билан алоқалари);

– ижтимоий вазиятни қабул қилиши (аниқ шароитдан келиб чиқиши, мантиқли ёки мантиқсиз ҳаракатлари, вазиятга тез мослашуви);

– ўзини ўзи баҳолаши.

9. Қобилиятлари:

– умумий қобилиятлари (нутқ тезлиги, секинлиги, тез эслаб қолиши, тасаввур бойлиги, хулосаларининг кенглиги);

– махсус қобилиятлар (ташкilotчилик, педагогик қобилияти, танишиш, яқинлашиш, одамларга таъсир ўтказиш қобилияти, одамларни тушуниш қобилияти).

Мулоқот жараёнида юқорида келтирилган шахсий ва ижтимоий-психологик омиллар асосида қизиқтираётган шахс тўғрисида маълумот йиғилади ва унга баҳо берилади. Мазкур жараёнда турли усуллардан (масалан, таржимаи ҳол усули, тест синовлари, ёзув, хатларни таҳлил қилиш ва ҳ.к.) фойдаланиш мумкин.

Жиноят содир этувчи аёлларнинг ҳуқуқбузарлик сабабларини ўрганишда уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашиш талаб этилди.

Профилактик суҳбат ҳуқуқбузар аёлларни жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий ҳулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат фаолиятидир.

Хуқуқбузар аёллар билан профилактик суҳбатни милиция таянч пунктида, шунингдек шахсинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бево-сита у томонидан содир этилган ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ху-қуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Ходимнинг хуқуқбузар аёл билан профилактик суҳбатини амалга оширишда психологик билимларнинг аҳамияти каттадир. Чунки ҳар бир профилактик таъсир чораси шахсинг психологияси, унинг хулқ-атвори ва бошқа психологик жиҳатларини эътиборга олган ҳолда қўлланилиши маъмурий назорат остидаги шахсинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартиришга олиб келади.

Хуқуқбузар аёллар билан амалга оширадиган профилактик суҳбат қуйидаги ташкилий босқичларни ўз ичига олади:

профилактика суҳбатини амалга оширишга тайёргарлик кўриш;
тўғридан-тўғри профилактик суҳбатини ўтказиш;
ўтказилган профилактика суҳбати натижаларини таҳлил қилиш
ва баҳолаш.

Профилактик суҳбатни амалга оширишга тайёргарлик кўриш босқичида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- методик жиҳатдан таъминланганлик;
- техник жиҳатдан таъминланганлик;
- психологик тайёргарлик;
- педагогик тайёргарлик;
- тадбир ўтказиладиган жойдаги шароит;
- объектнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш;
- шароит ва объектга хос хусусиятларни эътиборга олиб профи-лактик таъсир усул ва шакллари ишлаб чиқиш ва асосийларини белгилаб олиш.

Профилактик суҳбатни ўтказиш босқичида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- якка тартибдаги профилактик таъсир этишнинг усул ва шакл-лари объектга нисбатан қандай таъсир этаётганлиги бўйича мунтазам назорат олиб бориш;

- объектни якка тартибдаги профилактик тадбирлар унинг ман-фаатлари йўлида олиб борилаётганлигига ишонтириш, акс ҳолда им-кон қадар профилактик таъсирнинг усул ва шакллари ўзгартириш;

- суҳбат жараёнида объектнинг қизиқишлари, муаммолари ҳам-да эҳтиёжларини ўрганиш;

- объектни қизиқтирган саволларига жавоб бериш, шунингдек мавжуд муаммоларини бартараф этиш ҳамда эҳтиёжларини қонди-риш юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.

Ўтказилган профилактик суҳбат натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– ўтказилган профилактик суҳбат ўз мақсадига эришдими, агарда эришмаган бўлса, унда яна қандай профилактик таъсир чора-тадбирларни ўтказилишни белгилаш лозим;

– профилактик суҳбатни ташкиллаштириш жараёнида йўл қўйилган камчилик ва хатоликларни аниқлаб, келгусида унга йўл қўймаслик бўйича хулосалар қилиш;

– ўтказилган профилактик суҳбат етарлими, агар етарли бўлмаса яна қандай қўшимча профилактик суҳбат ўтказиш лозим.

Ходимнинг ҳуқуқбузар аёллар билан ўтказадиган профилактик суҳбати ушбу тоифа шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда хулқ-атворини кузатиш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш нисбатан келгусида бошқа ғайриижтимоий ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олишга қаратилган бўлиши керак.

Жиноят содир этувчи аёллар билан профилактик ишларни амалга оширишда умумий, махсус, якка тартибдаги профилактик таъсир этиш ва виктимологик усулларида самарали фойдаланиш лозим.

IV БОБ

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

1-§. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг умумий профилактикасини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунига асосан хуқуқбузарликлар профилактикасининг тўртта туридан самарали фойдаланган ҳолда аёллар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шулардан бири хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини содир. Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг «Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси» деб номланган 3-боби талабларидан келиб чиққан ҳолда «аёллар жиноятчилигининг умумий профилактикаси»га қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг аёллар жиноятчилигининг олдини олиш, ушбу йўналишдаги хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолиятидир».

Аёллар ва эркаклар ғайриқонуний хулқ-атворнинг генезисидан баъзан турлича (ижтимоий, ижтимоий-психологик, физиологик ва ҳ.к.) омилларнинг мавжудлиги туфайли, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги бир хил ҳодисалар аёллар ва эркакларнинг хулқ-атворига ҳар хил таъсир кўрсатиши ҳамда уларда жинсий ниятнинг туғилиши ва уни амалга ошириш механизми ҳар хил эканлигини инобатга олган ҳолда, аёллар жиноятчилигининг профилактикасида улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг умумий хусусиятига эга бўлган омиллари билан бирга, айнан аёлларда ғайриқонуний хулқ-атворни вужудга келтирувчи кучли эмоционал омилларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш кутилган натижаларни беради.

Тадқиқотлардан маълумки, аксарият ҳолларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган оғир жиноятлар (одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш, безорилик ва ҳ.к.) аёллар томонидан асосан оиларўзғор муҳитида амалга оширилиши қайд этилган.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги низолар туфайли жиноятларнинг содир этилишига кўп ҳолларда шахснинг ўз манфаатини устун қўйиб, бошқаларга ўзининг жисмоний устунлигини намойиш этиш ёки қўрқитиб қўйиш мақсадида ўз сўзи ва таъсирини ўтказишга ҳаракат қилганлигини кўриш мумкин. Маълумки, оила-турмуш доирасида содир этилган жиноятлар таркибида ўч олиш, қасос, оила аъзоларининг бир-бирини ёқтирмаслиги, адоват, алам, келишмовчилик ва психологик зиддиятлар оқибатида зўравонликлар содир этилади. Шундай ҳолатларда кўпинча айбдор шахснинг қилмишига яраша муносиб жавоб қайтариш, кучи, жаҳли ёки нимага қодир эканлигини кўрсатиш, хафа қилган кишига шикаст етказиш йўли билан бошидан кечирган азоб-уқубат ва кечинмалар ўрнини тўлдиришга интилиш каби руҳан ўзини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолатлар ва вазиятлар вужудга келади.

Табиийки, бу жараёнда одамларнинг интим алоқалари соҳасига ҳар қандай аралashiш олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш керак. Шунинг учун ички ишлар органлари профилактика инспекторлари жамоатчилик институтлари, хусусан, маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаролар ёрдамида беқарор оилаларни, эр ёки хотиннинг хулқ-атворида салбий хусусиятларнинг пайдо бўлганлигини ўз вақтида аниқлашлари, жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, хусусан, аёлларга нисбатан ғайриқонуний хулқ-атвор шаклланишининг дастлабки босқичларида профилактика ишларини тўғри ташкил этиш имконини беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларидан ҳисобланган аҳоли ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғиботларни тегишли мавзулар бўйича етарли билим ва тайёргарликка, шунингдек бир қатор касбий ва инсоний фазилатларга, етук малакали ва кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган ходимлар томонидан ўтказилиши ҳуқуқбузарликлар, хусусан, аёллар жиноятчилигининг профилактикасини самарали ташкил этиш гаровидир.

Шунингдек, кўпгина оилавий низоларнинг олдини олиш ички ишлар органлари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларидан маълум педагогик ва психологик кўникма ва билимларни, низоларнинг табиатини теран тушунишни талаб этади. Амалда жанжал содир бўлаётган хонадонга келишдан бошлаб ҳуқуқбузарга нисбатан чора кўриш ва келгусида жабрланувчининг хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ жуда кўп тактик ва руҳий қийинчиликлар

юзага келади. Бундай шароитларда оила билан ишлайдиган ходимлардан мураккаб эмоционал вазиятда низога ва жиноятнинг олдини олиш чораларининг мақбул тарзини танлаши талаб этилади. Бунга оилавий жанжалларни яраштириш комиссияларида кўриб чиқиш, фуқаролар йиғини мажлисларида муҳокама қилиш жараёнларида қатъий амал қилиш лозим ҳисобланади. Бундан ташқари, оилавий жанжаллар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш натижа-сида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақ-димномалар киритишда ҳам эътиборга олиш талаб этилади.

Аёллар жиноятчилигининг профилактикасида оиладаги муноса-батлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ота-онанинг ўз фарзандидан узоқла-шиши, унинг тарбияси ва хулқ-атвориغا бефарқлиги, ота-она билан бола ўртасида зарур эмоционал алоқаларнинг йўқлиги ёки бундай алоқаларнинг заифлашиши одамларда ўзининг ижтимоий ҳолати ва ўзига нисбатан ишончсизлик туйғусини пайдо қилади. Юқорида зикр этилган ҳодисалар бундай шахсларнинг ташқи ҳолатлар ва шарт-шароитларга қарам бўлишига олиб келади. Бу эса вояга етмаган қиз-ларга кўпроқ салбий таъсир қилади. Уларнинг маънавий ва ижтимоий тикланиши эркакларнинг маънавий ва ижтимоий тикланишига қара-ганда қийин кечади. Шунинг учун ҳам оила ва оиладаги тарбия умумий профилактик таъсир кўрсатишнинг асосий объектларидан бири бўлиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда аёллар жиноятчи-лигининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган давлат, ҳудудий ва соҳавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, ўз вақтида сифатли ҳуқуқий тарғиботларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ва самар-рали ташкил этиш талаб этилади.

2-§. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг махсус профилактикасини ташкил этиш

Аёллар жиноятчилигининг махсус профилактикаси – ҳуқуқ-бузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг мавсумий ёки криминоген вазиятдан келиб чиқиб, республикада, минтақада ёки шаҳар-туман миқёсида ёхуд алоҳида кичик ҳудуд ва объектда аёллар жиноятчили-гининг профилактикасини амалга ошириш, бу турдаги ҳуқуқбузар-

ликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият тушунилади.

Ички ишлар органларида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ИИВда ишлаб чиқилган ва амалга ошириш тартиби ички буйруқлар билан белгилаб бериладиган махсус ҳамда тезкор тадбирлар бўйича махсус режалар асосида амалга оширилади. Ички ишлар органлари бу борадаги махсус режаларни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига кирувчи бошқа субъектлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, шунингдек бу жараёнга ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари вакилларини жалб этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2015 йил 17 октябрь 182-сонли буйруғи аёллар жиноятчилигининг профилактикаси, хусусан, махсус профилактикасини амалга оширишда алоҳида ўрин тутди.

Буйруқда тезкор вазиятдан келиб чиқиб, одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадида «Орият» тадбири ва бошқа тезкор-профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиши, ушбу тадбирлар тегишли ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланган режага асосан, одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими, бўлинмалари, гуруҳлари ходимлари томонидан соҳавий хизматларнинг ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда республика, ҳудудий ёки тармоқ миқёсида амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бу борада олиб бориладиган тезкор-профилактик тадбирлар ҳаммомлар, сауналар, меҳмонхоналар, ётоқхоналар, дам олиш масканлари, кинотеатрлар, видеозал ва видеосалонлар, аудиовизуал маҳсулотларни сотиш дўкон ва шохобчалари, интернетлар (кафе, клуб ва ҳ.к.), тунги клублар, дискотекалар, чойхоналар, бильярд мавжуд бўлган объектлар ҳамда одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин бўлган бошқа объектларда ўтказилиши белгиланган.

Ўз уйларини ижарага берадиган шахслар томонидан одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар содир

этилаётганлиги тўғрисида маълумотларни тўплаш мақсадида манбалар бириктирилади ва олинган маълумотлар асосида чора-тадбирлар белгиланади.

Бундан ташқари, таносил ва ОИВ/ОИТС касаллигининг аҳоли орасида тарқалишига сабабчи асосий манбалар бўлган фоҳишаларни аниқлаш бўйича махсус тадбирлар ўтказилади, натижаларига кўра аниқланган ушбу тоифа шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари таъминланади.

Алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўйган аёлларнинг шахсини таърифлайдиган маълумотлардан уларнинг ҳаётий қарашлари, хулқ-атвори, атрофдагиларга, жамиятга муносабати кабилардаги маълум ўхшашлик профилактика вазифаларининг ўхшашлигини ҳам белгилаб беради.

Спиртли ичимликларни суистеъмол қилувчи аёлларнинг кўпчилигига (фёъл-атвор хусусиятларидан қатъи назар) руҳий инфантилизм хос. Руҳиятнинг реактив ва аффектив бузилиши ҳам аёллар фёъл-атворининг умумий жиҳатларидан ҳисобланади. Улар 30-35 ёшдан кейин аёлларда алкоголизм билан касалланиш эҳтимоли анча ортган даврда кучаяди (аёллар жиноятчилигига доир статистика маълумотлари ҳам, махсус тадқиқотларнинг натижалари ҳам 30-50 ёшлилар аёлларнинг энг криминоген ёш гуруҳини ташкил этишини кўрсатади). Бу хусусиятлар аёлларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан келиб чиқиб махсус профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини талаб этади.

Гиёҳванд аёллар асосан гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ва уларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни, шунингдек бундай воситаларни сотиб олиш учун мулкка қарши жиноятларни содир этади. Гиёҳванд аёлларнинг кўпчилиги 30 ёшга тўлмаган бўлади, улар гиёҳвандлик воситаларини асосан 15-25 ёшдан бошлаб истеъмол қила бошлайдилар. Одатда аёллар орасида опиомания айниқса кенг тарқалган 67 фоиз, полинаркомания 35 фоиз, гашишизм 7 фоизни ташкил этади¹. Пиёниста аёллар орасида бўлгани сингари, гиёҳванд аёллар орасида ҳам маълумоти ва ижтимоий мақоми паст, доимий иш жойи ва маълум ихтисосликка эга бўлмаган шахслар кўпчиликни ташкил этади.

¹ *Антонян Ю.М.* Преступность среди женщин. – М., 1992. – С.185; *Габияни А.А.* На краю пропасти: наркомания и наркоман. – М.,1990. – С. 55.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, аёллар алкоғолизми ва гиёҳвандлигининг олдини олишда, биринчи навбатда уларга нисбатан алкоғолни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари самарали ташкил этиш лозим.

Табиийки, мазкур ижтимоий иллатларга қарши курашда давлат томонидан амалга ошириладиган махсус профилактик чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Булар жумласига ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг тарқалишига мафкуравий қаршилик кўрсатиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш каби тадбирлар киради.

Маиший соҳадаги рецидив жиноятларнинг олдини олиш муаммоси ҳам алоҳида диққатга сазовордир, зотан, у судланган аёлларни тарбиялаш ва уларни ахлоқан тузатиш муаммолари билан чамбарчас боғлиқ. Бунда оила аъзоларига қарши зўрлик ишлатиб содир қилган жиноятлари учун жазога ҳукм этилган аёллар билан ишлаш уларнинг яқинлари, айниқса, фарзандлари билан муносабатларини (агар бундай муносабатлар сақланиб қолган бўлса) пухта ўрганишни талаб этади.

Маҳкума озодликка чиқадиган пайт яқинлашгани сари бундай ишнинг аҳамияти ортиб боради. Маҳкума аёл ва унинг оиласи ўртасида низонинг юзага келиши ёки илгариги салбий муносабатларнинг қайтарилишини олдини олиш бўйича профилактика ишлари қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилиши, шунингдек бу соҳада кадрларни махсус тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

3-§. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш

Аёллар жиноятчилигининг якка тартибдаги профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш ҳамда назорат қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган аёлларни ҳуқуқбузарликнинг қурбонига айланиш хавфининг мавжудлиги, хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши

сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар, ҳуқуқбузарликларни содир этиш усули, шакли ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасида профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирларни амалга оширадидлар.

Профилактика суҳбати – аёлларни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтириш мақсадида ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, профилактик ҳисобга олинган ҳамда ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) мавжуд бўлган аёлларга нисбатан амалга оширилади.

Профилактика суҳбати ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса жойлашган бинода, шунингдек ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ёки ҳуқуқбузарлик содир этган аёлнинг яшаш, ўқиш, иш жойида, ички ишлар органларининг милиция таянч пунктларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаса ва шахс (аёл) ғайриижтимоий хулқ-атворини ўзгартирмаса ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирса, ушбу ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилиши мантиқий профилактик таъсир чораси сифатида эътироф этилади.

Расмий огоҳлантириш илгари профилактика суҳбати ўтказилмаган, аммо давом эттиришига йўл қўйиб бўлмайдиган хулқ-атворга эга, шунингдек ҳуқуқбузарлик содир этган ва кейинчалик ҳам ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган аёлларга нисбатан амалга оширилади. Бунда давом эттиришига йўл қўйиб бўлмайдиган хулқ-атворга эга аёллардан ёзма равишда тушунтириш хатлари олинади ва

алоҳида йиғма жилдга тикилиши ҳамда бу ҳақда компьютердаги маълумотлар базасига киритилишига доир амалиётни жорий этиш талаб этилади.

Расмий огоҳлантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасанинг ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахслари томонидан белгиланган шаклда амалга оширилади. Шунингдек, расмий огоҳлантириш амалга ошириш ваколатига эга бўлган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасанинг масъул мансабдор шахслари рўйхати ушбу орган ва муассаса томонидан шакллантирилиши лозим.

Расмий огоҳлантирилишига қарамасдан ҳуқуқбузарлик содир этган аёл қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши, бироқ унинг илгари ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида расмий огоҳлантирилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозим ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи аёлларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган аёлларга нисбатан қуйидагилар асосида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади:

педагогик ёрдам;

психологик ёрдам;

тиббий ёрдам;

ижтимоий ёрдам (иш, ўқиш, яшаш жойи билан таъминланиши, оиласи ва яшаш жойидаги маҳалла аҳли билан киришиб кетиши каби-ларда);

моддий ёрдам;

ҳуқуқий ёрдам.

Ҳуқуқбузарлик содир этган аёлларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида профилактик ҳисобнинг юритилиши ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари томонидан амалга оширилади.

Профилактик ҳисобга олинган аёллар билан индивидуал профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг ёши, руҳий ҳолати, ижтимоий аҳволи, маълумоти ва мутахассислиги, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари каби шахсий хусусиятлари эътиборга олинаши лозим.

Аёллар қуйидаги тоифалар бўйича профилактик ҳисобга олинади:

илгари судланиб, жиной жазони ўтаган шахслар (маъмурий назорат ўрнатилган шахслар бундан мустасно);

суднинг жазо тайинланмаган айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар;

жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатиш ёки реабилитация қилмайдиган асосларга кўра кўзғатишдан рад этиш тўғрисида қарор чиқарилган шахслар;

жиноят иши бўйича қамоқ билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилган айбланувчилар;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40, 41, 45, 47, 52, 56, 58, 61, 106, 131, 165¹, 183, 184, 184¹, 184², 184³, 187, 188, 188¹, 189, 189¹, 190, 191, 201, 202, 202¹, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган шахслар (хулқ-атвори тузалганлиги сабабли ушбу таъсир чорасини қўллашни давом эттиришга муҳтож эмас деб топилиб, мазкур муассасаларда бўлиши юзасидан суд томонидан белгиланган муддат ўтишидан олдин чиқарилган шахслар бундан мустасно).

Профилактик ҳисобга олиш, профилактик ҳисоб ишини юритиш ва тамомлаш фаолияти ички ишлар органларининг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган аёлларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагича:

ўзига нисбатан қўлланилаётган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларининг асослари ва ҳуқуқий оқибатларини билиш;

ўзига нисбатан тўпланган ҳужжатлар ва бошқа материаллар билан танишиш;

илтимослар қилиш;

юримдик ёрдам олиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органнинг ёки муассасанинг қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш кабилар.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган аёллар ҳуқуқбузарликлар

профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Ўзига нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилаётган аёллар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Аёлларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда Фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиясининг роли катта. Бу борада қуйидаги ишларни амалга оширишда кўмаклашадилар:

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган хотин-қизлар ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида;

– хорижга чиқиб кетаётган ва хориждан келаётган хотин-қизлар ҳисобини олиб бориш, уларнинг оилалари аҳволдан хабардор бўлиб туриш, хорижда ишлаб келган хотин-қизларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш ва ишга жойлаштиришда;

– ички ишлар органлари ҳисобида турувчи хотин-қизлар билан ишлашда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ва бошқ.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси амалга оширилаётган аёллар билан ишлашда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»-ги қонуннинг «ишонтириш усулининг устуворлиги» махсус принципа қатъий риоя қилишлари талаб этилади. Акс ҳолда якка тартибдаги профилактика орқали самарали натижага эришиб бўлмайди.

4-§. Аёлларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш

Аёлларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг аёлларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятидир.

Бу борада қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши талаб этилади:

аёлларнинг ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган аёлларни аниқлаш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланган аёлларнинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларидан келиб чиқиб профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи аёлларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи аёлларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш бўйича асослан-тирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи аёлларнинг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шунингдек ишлаб чиқишда иштирок этиш ва амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи аёлларни умумий ва яқка тартибда қонунда назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охирги зарурат чегаралари ҳақидаги маълумотларни тарғибот-ташвиқот қилиш орқали аёлларда қилинган ҳужумни бартараф этиш кўникмаларини шакллантириш;

аёллар жиноятчилиги профилактикасининг замонавий усуллари-га доир электрон адабиётларни яратиш ҳамда тарқатиш.

Сўнгги вақтларда кенг тус олиб бораётган жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш зарурати ҳақидаги илмий мунозара жабрланувчилар виқтимлигини пасайтиришга қаратилган тадбирлардан бири ҳисобланади. Шу боис шартли жазони қўллаш ёки жазони ўташдан муддатидан аввал шартли равишда озод қилиш амалиёти фақат жабрланувчига етказилган зарар жиноятчи томонидан бутунлай (ҳеч бўлмаса қисман) қопланган тақдирдагина аҳамиятга эга бўлади. Бу борада жинoий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига 66¹-модданинг киритилганлиги мақсадга мувофиқ бўлди.

Республикаимиз мустақилликка эришгач фуқароларимизнинг чет элларга чиқишларига кенг имкониятлар яратилди. Ҳар йили юз минглаб юртдошларимиз ўзлари истаган хорижий давлатларда бўлиб қайтишмоқда. Лекин айрим нопок кимсалар яратилган қулайлик-

ларни суиистеъмол қилиб, хорижий давлатларга чиқиш қоидаларини бузиш, у ерда бўлишлари давомида ноқонуний тарзда ишлаш учун ёлланиш, фоҳишаллик ва қўшмачилик билан шуғулланмоқдалар. Улар ғаразли мақсадлари йўлида, моддий манфаатдорлик эвазига одамларни алдаб олиб кетиб, халқимиз шаъни ва юртимизнинг халқаро обрўсига путур етказмоқдалар.

Бугунги кунда аёлларга нисбатан содир этилаётган одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларга доир виктимологик профилактика Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 6-боби, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 1 сентябрда қабул қилинган «Профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 131-сонли буйруғи ҳамда «Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2015 йил 17 октябрь 182-сонли буйруқ талаблари асосида амалга оширилиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда аёлларнинг одам савдоси жиноятлари қурбонига айланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

– аёлларнинг аксарият қисмини ҳуқуқий саводсизлиги, ҳатто ўзларининг оддий ҳуқуқларини ҳам билмасликлари;

– чет элга ишга бораётган аёлларнинг у ердаги қонунлар, тартиб қоида, иш ва иш ҳақи, яшаш шароити ҳамда ишга жойлашиш бўйича ҳақиқий ҳолат ҳақидаги керакли маълумотлар билан қизиқмасликлари, ўрганмасликлари;

– аёлларнинг ўта ишонувчанлиги, соддалиги, ҳатто норасмий турли эълонлар, нотаниш шахсларнинг ваъдаларига ишонган ҳолда уларга ўз тақдирини ҳал этишга розилик беришлари;

– аёлларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардан, хусусан паспортдан фойдаланиш тартибини билмасликлари ва унга риоя этмасликлари;

– чет элга борган аёлларнинг қийин вазиятларга тушган (ҳужжатини олдириб қўйган, алданган, тазйикқа учраган ва ҳ.к.) ҳолатларда кимга, қандай тартибда мурожаат қилишни билмасликлари кабилар.

Шуни таъкидлаш керакки, аҳоли турар жойларида, айниқса оилада турли хилдаги, шу жумладан жиноят содир этишга олиб келадиган салбий омилларнинг олдини олишда хотин-қизларнинг имконияти бениҳоя кенг ва серқиррадир. Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятни бошқаришдаги ролини янада кучайтириш, шунингдек улар-

нинг оилада, маҳаллаларда ва бошқа шаклдаги аҳоли турар жойларида ёшларга, айниқса вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этишда улар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹ги фармони қабул қилинди.

Мазкур фармонда, *биринчидан*, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий – ижтимоий, социал иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларнинг самарадорлигини ошириш; *иккинчидан*, оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш; *учинчидан*, хотин қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш; *тўртинчидан*, бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онгига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши қаратилган ишларни самарали ташкил этиш асослари белгилаб берилган.

Эътиборли томони шундаки, бугунги кунда профилактика хизматлари шахсни жиноят йўлига олиб келган сабаблар занжири-нинг дастлабки илк, шу билан биргаликда асосий ҳалқалари шаклланадиган оиладаги жараёнларга профилактик таъсир кўрсатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳузурида ташкил этилган «Хотин-қизлар кенгаши», «Яраштириш комиссияси» ва юқоридаги фармонга асосан жорий этилган «Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи»лар билан узвий ҳамкорликда фаолият олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бевосита ушбу ҳамкорликни ташкил этишни ҳуқуқий таъминловчи асосий манба сифатида хизмат қилмоқда.

Аёллар жиноятчилиги ва аёлларга нисбатан содир этилган жиноятга хос бўлган виктимологик омилларни ўрганиш жараёнида айбли виктимлик ҳолатларига ҳам эътибор қаратиш муҳимдир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 21. – 251-м.

Негаки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 110-моддасига кўра расман муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш деб квалификация қилинадиган жабрланувчининг хулқ-атвори баъзан виктим омил бўлиб хизмат қилади, яъни аёлларга нисбатан содир этиладиган зўрлик маълум шароитларда жабрланувчининг жавоб реакцияси учун замин яратади. Бундай ҳолатларда узоқ муддатли руҳий зўриқишнинг типик оқибатлари яққол кўзга ташланади, яъни бундай шароитда яшаётган аёлларнинг кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида баданга турли даражадаги шикаст етказиш ва ҳаттоки одам ўлдириш жиноятларини содир этганлар.

Бундан ташқари, кузатувларга қараганда аёллар томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида одам ўлдириш ва соғлиққа зиён етказиш жиноятларининг содир этилиши (ЖК 98, 106-м.) асосан турмуш ва оила муҳитида рўй беришини кўрсатадики, бунга аёллар девиант хулқ-атворининг яна бир ўзига хос жиҳати деб қараш мумкин¹.

Шундай қилиб, аёлларнинг ғайриқонуний хулқ-атвори билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга нисбатан алоҳида ёндашув талаб этилади. Бу икки жиҳат: биринчидан, аёллар жиноятчилигини жиноятчиликнинг алоҳида таркибий элементи сифатида ўрганиш, иккинчидан, ушбу муаммони жиноятчиликка қарши курашнинг кримнологик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари қаторида тадқиқ этиш зарурати билан белгиланади.

Мухтасар қилиб айтганда, аёлларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини самарали амалга оширишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассаса, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

¹ Зокирова О. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. – Т., 2004. – Б. 100.

V БОБ

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Аёллар жиноятчилиги профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамкорлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили ва таснифи

Маълумки, ҳар бир ҳуқуқий фаолият, муносабат ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солинади. Ҳуқуқ назариясида эса, ҳуқуқий тартибга солиш ҳуқуқий воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, қўриқлаш, уларни жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжига мувофиқ равишда ривожлантириш мақсадида мунтазам, норматив таъсир этиш жараёни тушунилади. Ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий муносабат субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб, уларнинг бажарилишини таъминлайди¹. Бир қатор олимлар жамиятда жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишнинг ҳуқуқий тартибга солинишини қуйидаги икки йўналишда олиб борилишини таъкидлашади:

биринчи йўналиш – бу ҳуқуқ нормалари ёрдамида жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларига, жиноятларнинг содир қилинишига имкон берувчи жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги салбий воқеа, ҳодиса ва жараёнларга таъсир қилиши орқали уларни кучсизлантириш, бартараф этиш ва унга қарши курашиш учун шароитлар яратиш;

иккинчи йўналиш – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш тартибини ўрнатиш ҳамда аниқ профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солишдир.

Таъкидлаш жоизки, бу йўналишлар ўртасидаги фарқлар шартли бўлиб, улар бир-бири билан узвий боғлиқдир².

Энди биз бевосита профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини ҳуқуқий тартибга

¹ Бобоев Х.Б., Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т., 2000. – Б. 357.

² Зарипов З.С., Исмаилов. И. Криминология. – Т., 1996. – Б. 228.

солувчи ҳуқуқий асосларнинг турларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Айтиш жоизки, ҳар бир фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, *биринчидан*, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, *иккинчидан*, ҳамкорлик бўйича субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, уларнинг масъулиятини оширишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Бугунги кунда профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи ягона ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Бироқ профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи алоҳида ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, уларни бир нечта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳ ҳуқуқий асосларга конституциявий нормаларни киритиш мумкин. Жумладан, Конституциянинг нормалари демократик жамиятдаги барча муносабатларни ижтимоий адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солишнинг бирламчи асосий манбаи сифатида хизмат қилиши билан ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишнинг олдини олишни таъминлайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир қатор қоидалари бевосита жиноятларнинг олдини олиш хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ва уларни жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий нормалар асосида тарбиялашда асосий манба ҳисобланади. Мазкур нормалар профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини ҳам белгилаб беради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида: «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин», деган қоида белгиланган бўлиб, мазкур норма профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини белгилаб беради.

Иккинчи гуруҳ ҳуқуқий асосларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларини келтириш мумкин. Профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички иш-

лар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигига доир аниқ бир қонун ёки қонуности ҳужжат бўлмаса-да, айрим қонунларда ушбу субъектлар ҳамкорлигининг алоҳида йўналишларини белгилаб берувчи нормалар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида келтирилган шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсон ҳаётига зарар етказишни жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги асосий вазифалари профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур кодекснинг Махсус қисмидаги барча нормалар жиноятларнинг олдини олишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида унинг вазифалари келтирилган бўлиб, мазкур кодекснинг асосий вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олишдир. Унинг бир қатор нормалари бевосита профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини белгилаб беради. Жумладан, 296-моддада жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт эканлиги, 297-моддада жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг тақдимномаси асос бўлиши, 299-моддада тақдимнома ва хусусий ажримларни бажариш мажбуриятлари, 300-моддада фуқаронинг ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисидаги тақдимнома ва хусусий ажрим тўғрисидаги қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонуни профилактика хизматларининг терроризмга қарши курашиш, хусусан унинг олдини олиш бўйича фаолиятини тартибга солувчи манба бўлиб ҳисобланади. Қонуннинг 5-моддасида террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа

профилактик чоралар мажмуини қўллаш орқали амалга оширади, деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонунининг 7-моддасида ички ишлар органлари, жумладан, профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши натижасида одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактик ишларни ўтказишга доир ваколатлари мустаҳкамланган. Унинг 8-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади. Ушбу нормалар профилактика хизматларининг одам савдосига қарши курашиш бўйича ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь қонунининг 10-моддасида вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлаш вазифаси белгиланган. Мазкур қонунга асосан, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашади, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини

амалга оширувчи органлар, жумладан, профилактика хизматлари билан ҳамкорлик қилади.

Учинчи гуруҳ ҳуқуқий асослар сифатида жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қиладиган қонунларнинг ижросини таъминлаш, бу соҳада фаолият олиб борувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик, унинг сабаблари ва унга имкон берувчи омилларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 27 март фармони асосида бугун ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошираётган профилактика хизматлари тизими ташкил этилган бўлиб, ушбу фармонда жамиятда жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишлари, давлат, жамият, халқ учун хавф туғдирадиган зўравонликларнинг олдини олиш, фош этишда ички ишлар идораларининг аҳоли билан ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан фаолиятини яхшилашда бевосита иштирок этиши ва амалий ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 19 июль фармонида мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг функционал-ташкилий тузилишини яхшилаш, мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги профилактик ишлар самарадорлигини оширишга имкон берганини, бироқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг чуқурлашуви, шунингдек мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солишга қаратилган диний экстремизм ва наркотиклар тажовузининг ўсиши ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этгани таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг, хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларнинг ёшлар маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 май фармони асосида 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига ҳудудда камида 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. Бугунги кунда милиция таянч пунктлари негизида профилактика (катта) инспекторларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Тўртинчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи қуйидаги қарорларини келтириш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибini сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида» ва 2001 йил 6 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВда жиноятчиликка қарши кураш бўйича профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорларида жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мавжуд тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибида, профилактика (катта) инспекторлари билан жойларда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар ўртасида профилактик тадбирларни амалга ошириш, ёшлар бандлиги, кичик бизнес, спорт тўғаракларини ҳамкорликда ташкил этиш зарурлиги белгиланган. Шунингдек, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ички ишлар органлари, жумладан, профилактика хизматларининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Милиция таянч пунктлари ва ижтимоий мослашув марказлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 16 май 162-сонли қарорига асосан милиция таянч пунктларининг атрофида спорт майдончалари ва фан тўгаракларининг, кичик бизнес шохобчаларининг ташкил этилганлиги, ёшларга шарт-шароитлар яратилиши, уларнинг бандлиги таъминланиши ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда қўйилган муҳим омил бўлди. Ушбу қарор асосида профилактика хизматлари ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этишда бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 299-сонли қарорига асосан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимлари жорий этилиб, уларни энг обрў-эътиборли ҳамда шу соҳада амалий тажрибага эга, аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар билан тўлдириш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 7 октябрь 274-сонли қарори билан тасдиқланган фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ ўз фаолиятини юритмоқда.

Бешинчи гуруҳ ҳуқуқий асослар сифатида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари келтириш мумкин. Масалан, 2002 йил 22 мартдаги «Милиция таянч пунктида ички ишлар идоралари ходимлари ва ва жамоат тузилмалари вакиллари-нинг ҳамкорлиги фаолиятини ташкиллаштириш бўйича «Услубий қўлланма»ни тасдиқлаш ҳақида»ги ҳамда 2014 йил 1 сентябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолияти сама-

радорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи бугунги кунда профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кунда етарли даражада ишлаб чиқилган ва амалий органлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини ифодаловчи ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида қайд этилган қонунлар ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича асосий вазифаларини белгилаб беради ҳамда ушбу соҳадаги ҳамкорликни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

2-§. Аёллар жиноятчилиги профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамкорлигининг аҳамияти, мақсади ва шакллари

Маълумки, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва мол мулкани турли тажовузлардан ҳимоя қилишда марказий милиция таянч пунктларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларининг қуйи тизими ҳисобланган яъни, милиция таянч пунктларида хизмат фаолиятини олиб боровчи профилактика инспекторларининг халққа яқинлиги ва улар доимий равишда одамлар орасида бўлиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ўз фаолиятини бевосита милиция таянч пунктлари негизида профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Чунки, аҳолининг асосий қисми маҳаллада яшайди. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди, бегона ва нияти бузуқ кимсаларнинг бор-йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади.

Милиция таянч пункти маҳалла ҳудудида хизмат қилаётган ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, жамоат тузилмалари вакиллари учун асосий таянч пункт ҳисобланади. Профилактика инспекторларининг улар билан узлуксиз равишда ҳамкорлик қилиб бориши милиция таянч пунктлари зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга хизмат қилади.

Профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигини олдини олиш фаолиятини ташкил этиш жараёнида милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали таъминланади. Шунингдек, профилактика (катта) инспектори МТП негизида ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари вакиллари, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишлари учун зарур ёрдамни кўрсатади.

Маъмурий ҳудудда аёллар жиноятчилигини олдини олиш билан биргаликда бевосита аёллар жиноятчилигини келиб чиқишига сабаб бўлувчи омил сифатида спиртли ичимликка ва гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни истеъмол қилишга ружу қўйган аёлларни ўз вақтида аниқлаш ва томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бар-тараф этиш бўйича профилактик чора тадбирларни амалга оширишлари лозим. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг тузалишини таъминлаш ва қайта ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш мақсадида профилактика хизмати ходимлари ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда тегишли тадбирларни олиб борилади.

Профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда бошқа ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорлигининг аҳамияти биринчидан, аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, иккинчидан аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, учинчидан алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўйган, илгари судланган ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган аёлларни аниқлаш ва улар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни кучайтириш, тўртинчидан жамиятга нисбатан салбий хулқ-атворли аёллар билан профилактик ишларни олиб боришда намоён бўлади.

Ички ишлар органлари томонидан маъмурий назорат қонуни таъсирига тушувчи аёлларни профилактик ҳисобга олиш таҳлилини

кузатадиган бўлсак, 2015 йилда 2014 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич 6,7 фоизга камайишга эришилганлигини кўриш мумкин. Шундан, 18-30 ёшгача бўлган аёллар 7,8 фоизга ошганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, 2015 йилда 2014 йилга нисбатан профилактик ҳисобдан чиқарилган илгари судланган аёллар 33,0 фоизни ташкил этади.

Жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамкорлигини самарали ташкил этилиши натижасида аёллар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган аёлларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни профилактика (катта) инспектори жазони ўташ жойларидан озод қилинганда уларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссия қарори, шунингдек ички ишлар органи ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати томонидан ишлаб чиқилган махсус топшириқ, режалар ва бошқа бошқарув қарорлари асосида ҳудудий ички ишлар органининг соҳавий хизматлари ва фуқаролар йиғини билан ҳамкорликдаги ишларни амалга оширади.

Профилактика инспектори ва хизматга жалб этилган ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари билан аёллар жиноятчилигини олдини олишда энг аввало маъмурий ҳудуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини, ҳудуднинг хусусиятларини, транспорт воситаларининг ҳаракатини, дам олиш ва кўнгилочар масканларни, диний ва оммавий маросимлар ўтказиладиган жойларни, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг товар-моддий бойликлари сақланадиган омборларини, ғазналарнинг жойлашиши, техник жиҳатдан ҳимояланганлиги ва кўриқланиш тартибини ва мазкур ҳудудни таърифловчи бошқа барча маълумотларни билишлари зарур.

Ҳамкорликка киришишда профилактика катта инспектори хизматга жалб қилинган ходимларга ишнинг моҳиятини тушунтиради, хизмат ҳудудидаги тезкор вазиятнинг хусусиятлари, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган шахсларнинг яшаш жойлари, қидирувда бўлган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг белгилари, ички ишлар органларини қизиқтирувчи барча шахслар ва

маълумотлар тўғрисида, ўғирланган нарсалар ва уларни сотиш ёки ўтказиш мумкин бўлган жойлар, шунингдек чет эл фуқаролари келиши ва жойлашиши, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли кўпроқ бўлган жойлар ва вақт ҳақида аниқ маълумот бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Хизмат давомида ҳар бир ходим милиция таянч пункти билан алоқа воситалари орқали доимий равишда алоқада бўлиб туради.

Ички ишлар органларининг милиция таянч пункти негизида аёллар жиноятчилигини олдини олишда профилактика инспекторлари билан ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ҳамкорликка жалб этилган ходимларга ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари ва асосий йўналишлари ҳақидаги вазифаларини белгилаб беради.

Профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигини олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятни юксалтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга оширади. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этади.

Профилактика хизматларининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ўтказиш фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йил давомида маҳалларда 30563 маротаба, корхона ва ташкилотларда 8894 маротаба, таълим муассасаларида 16694 маротаба, телевидение орқали 245 маротаба, радио орқали 853 маротаба, рўзномалар орқали 534 маротаба ҳуқуқий тарғибот ўтказилганлигини кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткични 2014 йилга нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йил давомида 2,8 фоизга ушбу кўрсаткичнинг ошганлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаш керакки, профилактика хизматлари аёллар жиноятчилигини олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги доирасида қуйидаги ишларни олиб боради:

– ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий мазмундаги тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш;

кенг жамоатчилик ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиш;

фуқароларни жамиятда ўрнатилган қоидаларга риоя этиш ҳамда уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

шахсда энди шаклланаётган ва ривожланаётган ғайриижтимоий салбий хулқ-атворни тўхтатиш, зарарсизлантириш;

содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш;

– фуқароларнинг ҳуқуқий онги ҳуқуқий ва маданиятини юксалтириш;

оммавий ахборот воситалари орқали аёллар жиноятчилигини олдини олишга қаратилган мавзуларда чиқишлар қилиш;

аҳоли ўртасида одам савдоси, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар савдосида аёллар улашининг кўплиги ҳамда ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишида аёлларнинг ҳиссаси катта эканлигини фуқароларга етказиш;

диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган аёллар ҳақидаги маълумотларни етказиш ва ҳ.к.

Профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигини олдини олишда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлиги жараёнида қуйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилади:

– қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

– қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

– қизларнинг соғлиғини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, қизлар спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган давлат дастурлари ижросини таъминлашда иштирок этиш;

– қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

– оила қурадиган ёшларнинг оила, жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини англаб етишлари, «мустаҳкам оила» ғоясининг амалий ифодасини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

– вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳара-

катлар содир этилишининг олдини олиш, уларни вужудга келтирадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга кўмаклашиш;

– «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуининг амалга оширилишига кўмаклашиш;

– оилаларга вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этишда, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда кўмаклашиш;

– қизларни иш билан таъминлашда, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, ҳунар ўрганиш, касаначилик билан шуғулланиш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастурларнинг ижросини амалга оширишда кўмаклашиш;

– маҳаллада, оилаларда ва ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (хотин-қизлар ўртасида турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳиша-бозлик, гиёҳвандлик, вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш кабилар) юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган қизлар ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида кўмаклашиш;

– хорижга чиқиб кетаётган ва хориждан келаётган қизлар ҳисобини олиб бориш, уларнинг оилалари аҳволидан хабардор бўлиб туриш, хорижда ишлаб келган қизларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари ва ишга жойлашишларига кўмаклашиш;

– ички ишлар органлари ҳисобида турувчи қизлар билан ишлашда ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

– намунали оилалар, уларда фарзанд тарбияси, оила аъзолари ўртасидаги ибратли муносабатларни оммалаштириш;

– қизларда миллий қадриятларимиз ва ибратли анъаналаримизга садоқатни шакллантириш, улар ўртасида тарғиб қилиш ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш.

Милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари ҳар бир соҳавий хизмати ходимининг бошқа хизматлар ходимлари билан ўзаро ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу ушбу ходимларга юклатилган вазифалар кўлаמידан келиб чиқади.

Милиция таянч пункти негизида профилактика (катта) инспекторларининг ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари билан аёллар жинойтчилигини олдини олишда ҳамкорлик ўзининг усул ва шаклларида келиб чиқиб амалга оширилади. Милиция таянч пунктлари негизида ҳам ички, ҳам ташқи ҳамкорликни самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан профилактика (катта) инспекторларига боғлиқ. Қолаверса, маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашга комплекс ёндашиш принциpidан келиб чиқиб ҳамкорликни йўлга қўйиш профилактика инспекторининг бутун фаолиятини қамраб олади. Шу боис «профилактика инспектори» атамасини «ҳамкорлик ташкилотчиси» атамаси билан маънодош деб ҳисоблаш мумкин¹.

Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган, ихтисослигидан қатъий назар, барча соҳа ходимлари ўз ишини маҳалладан, профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорлик қилишдан бошлаши, унга таяниши лозим. Чунки аҳолининг асосий қисми маҳаллада яшайди. Маҳаллада ҳамма бир-бирини танийди, беғона ва нияти бузуқ кимсаларнинг бор-йўқлигини ҳам шу маҳалла аҳли яхши билади².

Профилактика инспектори ва хизматга жалб этилган ички ишлар органларининг бошқа хизмат ходимлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун ҳудуддаги оператив вазиятни, аҳоли таркибини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиши, профилактик ҳисобда турган шахсларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини, ҳудуднинг хусусиятларини, транспорт воситаларининг ҳаракатини, дам олиш ва кўнгилочар масканларни, диний ва оммавий маросимлар ўтказиладиган жойларни, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг товар-моддий бойликлари сақланадиган омборларини, ғазналарнинг жойлашиши, техник жиҳатдан ҳимояланганлиги ва қўриқланиш тартибини ва мазкур ҳудудни таърифловчи бошқа барча маълумотларни билишлари зарур.

Ҳамкорликка киришишда профилактика катта инспектори хизматга жалб қилинган ходимларга ишнинг моҳиятини тушунтиради,

¹ Организация работы участковых инспекторов милиции / Под ред. Ф. Е. Колонтоевского. – М., 1992. – С. 81; Организация деятельности участковых уполномоченных милиции. – Екатеринбург, 2002. – С. 7.

² Тошкент шаҳар ИИББ Профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий билимини ошириш юзасидан услубий қўлланма. – Т., 2002. – Б.7.

хизмат ҳудудидаги тезкор вазиятнинг хусусиятлари, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган шахсларнинг яшаш жойлари, кидирувда бўлган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг белгилари, ички ишлар органларини қизиқтирувчи барча шахслар ва маълумотлар тўғрисида, ўғирланган нарсалар ва уларни сотиш ёки ўтказиш мумкин бўлган жойлар, шунингдек чет эл фуқаролари келиши ва жойлашиши, турли жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимоли кўпроқ бўлган жойлар ва вақт ҳақида аниқ маълумот бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Хизмат давомида ҳар бир ходим милиция таянч пункти билан алоқа воситалари орқали доимий равишда алоқада бўлиб туради.

Профилактика инспектори ички ишлар органларининг соҳавий хизмати ходимлари билан аёллар жиноятчилигини олдини олишда узлуксиз алоқада бўлиб, тезкор вазият ҳақида мунтазам равишда ўзаро ахборот алмашуви ва амалий ҳамкорликни ўзаро алмашиб боради.

Ўзаро ахборот алмашуви жараёнида маъмурий ҳудудда профилактика инспектори хизмат кўрсатиш ҳудудидаги тезкор-криминоген ва ижтимоий сиёсий вазият тўғрисида жамоатчилик вакиллари ва аҳолининг руҳий ҳолати бўйича мунтазам равишда ҳамкорликка жалб этилган ходимларга ахборот бериб туради. Шунингдек, ўзаро амалий ҳамкорлик жараёнида ҳамкорликка жалб этилган ходимлар билан биргаликда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, уларнинг яқин ва жинойи алоқаларини, содир этилиб очилмай қолган жиноятлар, яшаш жойларидан номаълум сабабларга кўра узок муддатларга чиқиб кетган аёлларнинг қаерга ва нима сабабдан кетганига доир маълумотларни тўплаш ҳамда ҳамкорликда текширади.

Ўзаро ахборот алмашиш ҳамкорлигининг энг кўп тарқалган шаклидир. ИИО ходимлари айнан ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва уни алмашиш асосида ишлаб чиққан хулосага кўра ҳуқуқбузар ёки ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар билан муносабатда бўлиши, уларнинг тақдирларини белгилаши боис айрим олимлар ахборот олиш ва унга ишлов беришни ИИО фаолиятининг асосий технологияларидан бири дея таъкидлайдилар¹.

Ўтказилган ижтимоий сўров жараёнида милиция таянч пунктлари негизидаги ҳамкорлик шакллариининг қайси бири самарали эканлигини билиш мақсадида респондентларга тегишли савол билан мурожаат этилганида, уларнинг 53,6 фоизи муайян ишни биргаликда

¹ Криминология / Под ред. Дж. Ф. Шели; Пер. с англ. – СПб., 2003. – С. 465.

режалаштириш, амалга ошириш ва таҳлил қилишни, 31,3 фоизи бир-галикдаги рейд, қўшма тадбир ўтказишни, 21,2 фоизи ўзаро ахборот алмашишни, 17,4 фоизи муайян вазифаларни ҳал қилишда ўзаро ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашни самаралироқ деб ҳисоблаши маълум бўлди¹.

Милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ходимларининг ўзаро ва уларнинг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, *биринчидан*, ушбу ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солинганлигига; *иккинчидан*, ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, усул ва шакллари-нинг, куч ва воситаларнинг аниқ белгилаб олинганлиги, шунингдек ҳамкорликнинг функционал ваколатлар доираси билан аниқ чегараланганлигига; *учинчидан*, ҳамкорликнинг муҳим шарти бўлган ахборот муҳитининг яратилганлигига; *тўртинчидан*, ҳамкорликнинг биргаликда режалаштирилиши, режаларнинг амалдаги ижроси самарали таъминланиши ва иш натижаларининг биргаликда таҳлил қилиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир².

Ички ишлар органлари профилактика хизматининг соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этилиши натижасида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга эришиш мумкин.

3-§. Аёллар жиноятчилиги профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишдаги ўзаро ҳамкорлик – ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланиб, ўзаро келишилган ҳолда фаолиятнинг шакл ва усуллари, хизмат ваколатларидан самарали фойдаланиши бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ хизмат, яъни бошқарувнинг бир-бирига бўйсунмаган алоҳида иштирокчилари ўз ҳаракатларини ўзаро келишиб бажариша-

¹ *Икрамов Ш.Т., Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2013. – Б.11.

² Ўша жойда.

ди. Ҳамкорликни ташкил қилиш ишлар идоралари тизимидаги меҳнат тақсимоти, таркибий бўлинмалар ўртасида вазифалар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши каби масалаларни қамраб олган мақсаднинг вужудга келиши сифатида ҳам қараш мумкин. Ўзaro ҳамкорликнинг мақсади бошқарув тизими олдида турган умумий вазифаларини ҳал этишда куч ва воситаларни тўғри тақсимлашни англатади¹.

Айрим юридик манбаларда ички ишлар идораларининг бошқа субъектлар билан ҳамкорликни шартли равишда қуйидаги тўрт йўналишга: а) ички идоравий ҳамкорлик; б) идоралараро ҳамкорлик; в) жамоатчилик билан ҳамкорлик; г) халқаро ҳамкорликка ажратади².

Профилактика хизматларининг аёллар жиноятчилигини олдини олишда асосан ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан қуйидаги ҳамкорликда олиб боради:

- жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари;
- терговчи;
- патруль-пост хизмати нарядлари ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари;
- одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспекторлари;
- озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати (жазони ижро этиш инспекциялари) ходимлари;
- хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш ходимлари.

Профилактика инспекторининг жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходими билан ҳамкорлиги. ЖҚ ва УЖҚКХ ходими милиция таянч пунктининг таркибига кирувчи субъектлардан бири бўлиб, у ушбу масканда зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари, хусусан профилактика инспекторлари ва жамоат тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

¹ *Зарипов З. С.* Профилактическая функция следственных подразделений органов внутренних дел. – Т., 1980. – С. 57.

² *Исмаилов И.* Терроризмга қарши кураш // Қонун ҳимоясида. – 2004. – № 7. – Б.30–31.

Милиция таянч пункти негизида профилактика инспекторининг ЖК ва УЖҚКХ ходимлари билан аёллар жиноятчилигини олдини олишда ҳамкорлигининг асосий йўналишлари: *биринчидан*, одам савдоси, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши, терроризм ва диний экстремизмнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; *иккинчидан*, суриштирув органлари, суд ва терговдан яширинган шахсларни, бедарак йўқолганлар қидируви ҳамда шахси номаълум мурдаларни аниқлаш; *учинчидан*, ҳудудда содир этилган жиноятларни иссиқ изидан, тез ва сифатли очиш, ўтган йилларда содир этилиб, очилмай қолган жиноятларни фош этиш, шунингдек бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлашда ўз аксини топади.

Шуни таъкидлаш жоизки, профилактика инспектори милиция таянч пункти негизида ЖК ва УЖҚКХнинг ҳам соҳавий йўналишлар бўйича, ҳам маъмурий ҳудудга бириктирилган ходимлари билан ҳамкорлик қилади.

Милиция таянч пункти негизида профилактика инспектори ЖК ва УЖҚКХ ходимлари билан ҳамкорликда қуйидаги ишларни амалга оширади:

– милиция таянч пунктида ҳисобда турган ўта хавфли рецидивистлар, муқаддам судланганлар ва маъмурий назоратда бўлган шахсларнинг рўйхатини юритиб, бу борада ушбу шахсларнинг турмуш тарзи, ҳаётий шароитлари, юриш-туришлари бўйича ЖК ва УЖҚКХ ходимлари билан ўзаро ахборот алмашиб боради;

– жиноят содир этишга мойил аёллар, уларнинг алоқалари, шунингдек кутилаётган жиноятлар тўғрисида мунтазам равишда ахборот алмашиб, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўради;

– хизмат ҳудудида диний-экстремистик оқим тарафдорлари, айникса, ушбу оқим таъсирига тушиб қолган ёш қизлар ва аёлларни аниқлаш мақсадида маҳалла фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, дин ишлари бўйича кўмита вакиллари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларнинг маъмуриятлари билан мунтазам равишда фикр алмашиб, аниқланган ҳолатлар юзасидан ЖК ва УЖҚКХ ходимларига хабар беради;

– ЖК ва УЖҚКХ ходимининг ташаббуси билан милиция таянч пунктида маъмурий ҳудуддаги қидирувдагилар, бедарак йўқолганлар, ўтган йилларда содир этилиб очилмаган жиноятлар бўйича иш ташкил

қилинганида у билан ҳамкорликда иш олиб боради ва зарур амалий ёрдам кўрсатади;

– хизмат кўрсатиш ҳудудидаги тезкор-криминоген ва ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисида, жамоатчилик вакиллари ва аҳолининг руҳий ҳолати бўйича тезкор-қидирув хизмати ходимларига мунтазам равишда хабар бериб туради;

– ҳудудда ноқонуний фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар, масжидлар ҳамда диний-экстремистик ташвиқот юритувчи, миссионерлик ҳаракатларини амалга оширувчи фуқароларни аниқлаш чораларини кўради, тезкор-профилактик тадбирлар, рейдлар ўтказиши;

– ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа муаммолар ҳамда масалаларни сабаб қилиб фуқароларни оммавий чиқишларга даъват қилиши, шунингдек террорчилик-қўпуровчилик ҳаракатларини содир этиши мумкин бўлган шахслар ва жиноий гуруҳларни аниқлаш ҳамда зарарсизлантириш мақсадида ЖК ва УЖҚКХ ходимлари билан биргаликда барча байрам тадбирлари ўтказиладиган, фуқаролар оммавий тўпланадиган жойларда тезкор-қидирув ва профилактик тадбирларни амалга оширади;

– ҳудудда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини аниқлаш ва айбдорларга тегишли чоралар кўриш мақсадида тезкор-профилактик тадбирлар ва рейдлар ўтказиши. Бундай жиноятларни фош этишда асосий эътибор муқаддам судланган, ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган ва жиноят содир этишга мойил шахсларга қаратилади;

– ҳудудда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар содир этаётган жиноий гуруҳ, жиноий уюшма аъзоларини ҳамда ахлоқ-одоб доирасида ҳуқуқбузарлик содир этаётган шахсларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш мақсадида, ЖК ва УЖҚКХ ходимлари билан ҳамкорликда доимий равишда кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширади;

– яшаш жойларидан номаълум сабабларга кўра узоқ муддатларга чиқиб кетган аёлларнинг қаерга ва нима сабабдан кетганига доир маълумотларни ЖК ва УЖҚКХ ходимлари билан ҳамкорликда тўплаш ҳамда текшириш чораларини кўради, улар бўйича маълумотларнинг ички ишлар органларининг «Узоқ муддат» маълумотлар базасига тўлиқ киритилишини таъминлайди;

– тезкор-қидирув хизмати ходими томонидан ўтказиладиган суриштирув, тергов, суддан ва жазони ўташдан бўйин товлаб яшириниб

юрган шахсларнинг қидирувини амалга ошириш ва уларни қўлга олиш тадбирларида профилактика инспектори иштирок этади ва керакли маълумотлар алмашинувини амалга оширади.

Профилактика инспекторининг терговчилар билан ҳамкорлиги. Милиция таянч пункти ички ишлар органлари терговчиларининг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришига хизмат қилувчи асосий таянч маскани ҳисобланади.

Милиция таянч пунктлари негизида профилактика инспекторлари билан терговчилар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчидан*, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изи»дан очишга хизмат қилувчи дастлабки ҳаракатлар ва бошқа процессуал тадбирларни амалга ошириш; *иккинчидан*, очилмай қолган жиноятлар бўйича ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш; *учинчидан*, биргаликдаги жиноятларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш бўйича иш олиб бориш, *тўртинчидан*, уй қамоғи ва бошқа тегишли эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг ўрнатилган талабларга риоя этишларини назорат қилишда ўз аксини топади.

Профилактика инспекторларининг терговчилар билан ушбу йўналишдаги ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– муайян ҳудудда содир этилиб, очилмай қолган жиноятларни очиш бўйича милиция таянч пунктига бориб, шу ерда профилактика инспектори билан ҳамкорликда ишни ташкил қилади;

– аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлайди, уларни ўрганиб, шундай жиноятлар қайта содир этилишининг олдини олиш чораларини кўради, шу мақсадда ҳудуддаги давлат органлари, жамоат тузилмалари, корхона, муассаса ва ташкилотларга тегишли мазмундаги тақдимномалар киритиш масалаларида ҳамкорликда иш олиб боради;

– терговчининг алоҳида топшириғи асосида профилактик ҳисобда турган шахсларни содир этилган жиноятга алоқадорлигини текшириш;

– муқаддам жиноят содир этиб, милиция таянч пунктида профилактик ҳисобда турувчи муқаддам судланган шахслар бўйича маълумотлар тўплаш;

– муқаддам судланганлар ва жиноятга мойил шахслар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш;

– айбланувчи шахни ИИБга мажбурий равишда келтириш;

– жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, уларни барта- раф этиш зарурий маълумотларни алмашиш;

– улар биргаликда жиноятларнинг олдини олиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш мақсадида, ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширадилар, жумладан маъмурий ҳудуддаги таълим муассасалари, уй-жой ширкатлари, корхона ва ташкилотларда учрашув, суҳбатлар ташкил этиб, долзарб мавзуларда маърузалар ўқийдилар, қонунлар тизимидаги ўзгаришлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиб борадилар.

Профилактика (катта) инспекторлари тергов хизмати билан ўзаро ҳамкорлик давомида маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни «иссиқ изидан» очишда дастлабки тергов ҳаракатларини амалга ошириш бўйича керакли чора-тадбирларни белгилайди ва амалга оширади. Профилактика инспекторлари тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунга қадар содир этилган жиноят изларини сақлайди, у ердаги далилий ашёлар йўқолишининг олдини олади ҳамда жиноятчи ва жиноят шохидларидан жиноят ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва тергов гуруҳига тақдим этади.

Профилактика инспекторининг патруль-пост хизмати нарядлари ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари билан ҳамкорлиги. Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати таркибига кирувчи туман, шаҳар ички ишлар органлари ЖТСБ ходимлари ҳудуд профилактика инспекторлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб борадилар. Ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчидан*, кўчалар ва бошқа жамоат жойларида содир этилган жиноятлар, тезкор вазиятнинг таҳлилинини олиб бориш, патруль-пост нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш дислокациясини ишлаб чиқиш, шунингдек туман, шаҳар ҳудудида жорий суткада хизматни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасига таклифлар киритиш ва уни тайёрлаш; *иккинчидан*, ўтказиладиган оммавий тадбирлар вақтида жамоат тартиби сақланишини таъминлаш; *учинчидан*, назорат-лицензия тизими қоидаларига риоя этилишини текшириб, назорат қилиб боришда ўз аксини топади.

Милиция таянч пунктлари негизида профилактика инспекторининг ЖТСБ ходимлари билан ҳамкорлиги қўйидагиларда намоён бўлади:

– профилактика инспектори хизмат олиб бораётган ҳудуддаги тезкор вазиятни таҳлил қилиб, жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) ходимларига патруль-пост нарядларини постлар ва патруллик йўналишларига жойлаштириш дислокацияси ҳамда туман, шаҳар ҳудудида жорий суткада хизматни ташкил этиш бўйича қарор

лойихасини тайёрлашда инобатга олиш учун тегишли таклифлар киритади;

– милиция таянч пунктига бириктирилган ППХ нарядларининг пост ва патрулик йўналишларини маъмурий ҳудуд харитасига асосан белгилашда, патруль-пост нарядларининг куч ва воситаларидан жамоат тартибини сақлашда самарали фойдаланиш борасида жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) инспектори билан доимий равишда ўзаро ахборот алмашиб боради;

– хизмат ҳудудидаги наркотик моддалар, шахвоний руҳдаги материалларни тарқатувчилар, ўғирланган молларни олиб сотувчилар, фоҳишалик билан шуғулланувчилар, валюта операцияси, рэкет, дайдилик, тиланчилик билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш мақсадида меҳмонхоналар, ресторанлар, қаҳвахоналар, бозорлар, кинотеатрлар, парклар, видеосалонлар, ётоқхоналар, шоҳбекатлар, аэропортлар, вокзаллар ва жиноий унсурлар тўпланадиган бошқа жойларни текширади ҳамда аниқланган зарур маълумотларни жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гуруҳи) инспекторига тақдим этади;

– сурункали равишда жамоат тартибини бузувчи ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи, оиласи нотинч бўлган, гиёҳвандликка мубтало бўлган аёлларни назорат қилади;

– ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва чеклаш, ўз ваколатлари доирасида профилактик тадбирлар ўтказиш;

– йўналишда хизмат олиб бориш жараёнида фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бориш.

Милиция таянч пунктлари негизда профилактика инспекторининг одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари билан ҳамкорлиги. Мазкур ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчидан*, одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини амалга ошириш; *иккинчидан*, одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни содир этаётган шахсларни аниқлаш, уларнинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишини таъминлаш, жумладан шундай ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ишлар ва материалларни кўриб чиқиш ва ушбу жараёнда иштирок этиш; *учинчидан*, одам савдосидан жабрланганларни белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда ўз аксини топади.

Одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлим (бўлинма, гуруҳ)лари инспекторларининг аёллар жиноятчилигини олдини олиш фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати ходими ўзига бириктирилган ҳудудни таърифловчи, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларида мавжуд бўлган барча маълумотларни олади ва ўрганиб чиқади, таҳлил қилади ва хизмат фаолиятида фойдаланади;

– махсус, аниқ мақсадли ва кенг қамровли тадбирлар жараёнида одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари томонидан аниқланган «хавфли гуруҳ»га мансуб шахсларга нисбатан тўпланган бирламчи ҳужжатлар тегишли асослар мавжуд бўлган ҳолларда уларни ички ишлар органлари ҳисобига олиб ушбу ҳужжатлар асосида профилактик ишларни олиб бориш ва уларнинг кейинги хатти-ҳаракатларини назорат қилиб бориш учун унинг доимий истиқомат қиладиган ҳудудига хизмат кўрсатувчи профилактика инспекторига тақдим этилади;

– одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликларни олдини олиш хизмати ходими ҳамкорликда одам савдоси ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликни содир этиб ички ишлар органи профилактик ҳисобига олинган шахслар билан яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини амалга оширади;

– ҳамкорликда хизмат ҳудудида фоҳишахона сақловчи ёки қўшмачилик қилувчи, фоҳишалик билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан қонун билан ўрнатилган тартибда жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш чораларини кўриш;

– биргаликда криминоген ва «хавфли гуруҳ»га мансуб шахслар кўпроқ тўпланадиган масканлар, жумладан тунги кўнгилочар муассасалар, кафе ва барлар, ресторанлар ва бошқа жойларда махсус тадбирлар ўтказиш, аниқланган ҳар бир қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тўпланган ҳужжатларни тегишли органларга юбориш;

– ҳаммом ва сауналар, «массаж»хоналар, оромгоҳ, санаторий ва профилакторий, дала ҳовли, меҳмонхона ҳамда ётоқхоналар, ўз уйлари ни ижарага берувчи шахсларнинг фаолиятини қатъий тартибда назорат остига олиш, уларда содир этилиши мумкин бўлган турли ноқонуний хатти-ҳаракатлар, шунингдек ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш юзасидан махсус тадбирлар ўтказиб бориш;

– ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли тери-таносил ва ОИТС касалликлари тарқалишининг олдини олиш, бу тоифа касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш ва бу борада жамоатчилик таъсирини оширишга бағишланган профилактик мазмундаги учрашувлар, бевосита мулоқотлар ва давра суҳбатларини ўтказадилар;

– ҳокимликлар ҳузуридаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш хизматлари билан ҳамкорликда МДҲга аъзо ва хорижий давлатларга чиқиб меҳнат қилиб келиши ҳақида истак билдираётган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар, уларнинг одам ёлловчи, одам траффиги билан шуғулланувчи шахслар таъсири остига тушиб қолмасликларига қаратилган махсус тадбирларни ўтказадилар, шундай тоифа шахсларнинг рўйхатларини олиб борадилар ва улар билан профилактик суҳбатлар ўтказадилар;

– порнография, зўравонлик, шафқатсизлик ва ваҳшийликни тарғиб қилувчи, шунингдек миллий кадриятларимиз, маънавиятимизга зид бўлган маълумотларнинг тарқатилишини олдини олиш мақсадида, биргаликда видеотасвир ва аудио овоз ёзиш студияларининг, видео ва аудио маҳсулотлари, хусусан CD, DVD дисклари билан савдо қилувчи шохобчалар, видеотекалар, барча турдаги рўзномалар, ойномалар, турли хил ахборот тарқатувчи маҳсулотлар билан савдо қилувчи шохобчаларнинг фаолиятини қатъий назорат остига оладилар;

– биргаликда одам савдоси қурбонларини аниқлаш, уларни белгиланган тартибда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш ва бошқ.

Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходими штати бўлмаган шаҳар, туман ИИБларда ушбу йўналишдаги вазифалар ҳудудий профилактика инспекторларига, ҳисоботларни жамлаш эса милиция таянч пункти профилактика катта инспекторларига юклатилади.

Профилактика инспекторининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси инспектори билан ҳамкорлиги.

Милиция таянч пунктлари негизида профилактика инспектори билан ВЕЎНҲП инспектори ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари: *биринчидан*, вояга етмаган қизлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг, ғайриқонуний қилмишларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни

аниқлаш ҳамда бартараф қилиш; *иккинчидан*, вояга етмаган қизларнинг ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш ва ушбу жараёнда иштирок этиш; *учинчидан*, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ҳамда улар билан якка тартибда профилактика ишлари олиб бориш; *тўртинчидан*, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ва ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда ўз аксини топади.

Кўрсатилган йўналишларда профилактика инспекторлари билан ВЕЎНХП инспекторларининг ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– профилактика инспекторлари ВЕЎНХП инспекторлари билан ҳамкорликда жамоатчиликнинг кўмагига таянган ҳолда болалар қаровсизлиги, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга қаратилган умумий профилактик чора-тадбирларни амалга оширадилар;

– маъмурий ҳудудда тураржойлар ва меҳнат жамоаларида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, фарзанд тарбияси ва келажаги учун уларнинг ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилувчи маърузалар ўқийдилар, маҳаллий матбуотда мақолалар билан чиқишлар қиладилар;

– ҳудудда истиқомат қилувчи вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш орқали уларнинг турли хил салбий йўлларга кириб кетиши, ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш мақсадида, уларни милиция таянч пунктлари негизида ташкил этилган факультатив тўғаракларга жалб этадилар, улар орасида спорт мусобақаларини ташкил қиладилар;

– биргаликда маҳаллий давлат идоралари, ташкилотлар, вояга етмаганлар ишлайдиган ёки ўқийдиган жойлар маъмуриятлари, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иш жойларига вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни тезликда бартараф қилиш бўйича таклифлар киритадилар ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиладилар;

– вояга етмаганларнинг яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, бошқа ташкилотларда, тўғараклар ва клубларда вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг аҳволини ўрганадилар ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатадилар;

– ички ишлар органлари бошқа хизматлари ёрдамига таянган ҳолда вояга етмаганларни жиноят ва жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларга жалб қилаётган шахсларни аниқлайдилар ҳамда уларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўрадилар;

– фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ва вояга етмаган ҳуқуқбузарларни аниқлаб, ҳисобга оладилар ҳамда улар билан белгиланган якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этадилар;

– ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли органлар ва муассасаларга таклифлар киритадилар;

– вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига белгиланган тартибда жойлаштириш учун уларга тааллуқли ҳужжатларни тайёрлайдилар, шунингдек етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашадилар;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шартли ҳукм қилинган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, афв этилиши муносабати билан жиноий жазодан озод қилинган, махсус ўқув-тарбия муассасаларидан келган ўсмирлар билан кенг қамровли тарбиявий ишлар олиб борадилар;

– ҳуқуқбузарлик, жумладан жиноят содир этишга мойил бўлган, ичкиликбозликка ружу қўйган, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилувчи, уйи ёки ўқув муассасаларидан рухсатсиз кетиб қолган, қимор ўйинлари билан шуғулланадиган вояга етмаганлар билан қонунга мувофиқ белгиланган профилактик ишларни ташкил этадилар.

Профилактика катта инспектори вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ВЕЎНХП инспекторларининг жамоатчилик билан доимий ҳамкорликда ишлашига зарур шароитларни яратиб беради.

Профилактика инспекторининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходими билан ҳамкорлиги. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати таркибидаги озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ

бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимлари учун милиция таянч пунктларида алоҳида хизмат хоналари ажратилмаган бўлса-да, улар ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинган аёлларни назорат қилиш борасида ўз фаолиятини ҳудуд профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ташкил этадилар.

Милиция таянч пункти негизида ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагиларда ўз аксини топади:

биринчидан, ҳудудда ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш, бундай тоифадаги аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

иккинчидан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган ва шартли ҳукм қилинган аёлларнинг профилактик ҳисобини юритиш, уларнинг такроран жиноят содир этишларининг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш.

Милиция таянч пункти негизида профилактика инспектори озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходими билан ҳамкорликда:

– озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимларидан ахлоқ тузатиш ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазолар тайинланган ва шартли ҳукм қилинган маҳкумлар ҳақидаги маълумотларни олади ва уларга нисбатан профилактик ҳисобларни юритади ҳамда улар томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган талабларга риоя этиб борилишини назорат қилиб, тегишли профилактик ишларни амалга оширади;

– шаҳар-туман ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимининг билдиргиси асосида ҳисобда турган шахсни ҳудуд паспортига киритади ҳамда унинг хулқ-атворини яшаш ва иш жойидан ўрганиб боради ҳамда ўрганиш натижалари бўйича ва бошқа маълумотлар тўғрисида ҳар ойда бир маротаба озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизматида билдирги орқали маълум қилиб боради;

– озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда маҳкумнинг хулқ-атвори ва жазонинг ижроси устидан назорат олиб боради

ҳамда улар билан якка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширади;

– жазо муддати давомида маҳкум томонидан суд ҳукми билан юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чораларини кўради, зарур ҳолларда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлаш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда маҳкумга ишга жойлашишда ёрдам беради;

– жазо муддати тугаши муносабати билан маҳкумни профилактик ҳисобдан чиқаради ва келгусида у томонидан жиноятлар содир этилишининг олдини олишга доир профилактик ишларни амалга оширади;

– ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар тайинланган ва шартли ҳукм қилинган шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар содир этилганида, профилактика инспекторлари озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимлари билан ҳамкорликда уни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда бартараф қилиш чораларини кўради;

– маҳкум томонидан жазони ўташ тартиби ва шартлари бузилган тақдирда бу ҳақда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлаш хизмати ходимларига хабар беради ва маҳкумга нисбатан белгиланган тартибда қонуний чора кўрилишини таъминлайди;

– шартли ҳукм қилинган шахслар томонидан синов муддати давомида маҳкумлар ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажармасалар ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун уларга маъмурий ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимлари профилактика инспекторлари билан келишган ҳолда жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритади;

– ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган ва шартли ҳукм қилинган шахс жазони ўташдан яширинганида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини назорат қилиш хизмати ходимлари билан биргаликда ушбу шахснинг яшириниш сабаблари, яқин алоқалари, бориш эҳтимоли мавжуд бўлган жойларни ўрганади ҳамда олинган маълумотлар асосида маҳкумни қидириб топиш, улар натижа бермаса, зудлик билан ЖК ва УЖҚКХ ходимлари иштирокида ушбу шахсларга нисбатан қидирув эълон қилиш чораларини кўради.

Милиция таянч пункти негизда профилактика инспектори ХЧК ва ФРБ ходими билан ҳамкорликда:

– худудда истиқомат қилувчи фуқароларнинг паспорт тизими қоидаларига риоя этишларини таъминлаш;

– чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидаларига риоя этишларини таъминлаш;

– узоқ муддатга бошқа давлатларга чиқиб кетган Ўзбекистон фуқароларининг ҳисобини юритиш;

– аҳолининг фуқаролик билан боғлиқ қонун ҳужжатлари талабларига оғишмай риоя этишларига хизмат қиладиган ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш;

– паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан қайд эттирмай яшаганлик учун, паспортни атайлаб яроқсиз ҳолга келтирганлик ҳамда паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланувчи аёлларни аниқлаш;

– паспорт тизими қоидаларига риоя қилинишига масъул бўлган шахслар фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, ёхуд қайд этмай яшашига йўл қўйгани учун, шунингдек фуқаролар ўзлари эгаллаб турган уй-жой биноларида паспортсиз шахсларнинг қайдсиз яшашига йўл қўйганини аниқлаш;

– чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлиши вақтинча, чекланган жойларга кириш ёки унда яшаш қоидаларини бузганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Шунингдек, профилактика инспектори ХЧК ва ФР хизмати ходими маъмурий ҳудудда жойлашган «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази»нинг манзили, ишга ёлланиш учун фуқаролар тўпланадиган жойлар, уларнинг рўйхатдан ўтмасдан яшаши мумкин бўлган манзиллар тўғрисида маълумотлар беради ҳамда зарур ҳолларда улар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг паспорт-виза қоидаларига риоя этишини таъминлаш борасида маъмурий ҳудудда ҳамкорликда махсус тадбирлар ўтказиш бўйича таклифлар билан чиқади.

Зеро, профилактика хизмати жамиятдаги, алоҳида маъмурий ҳудуддаги ҳар бир жинойтнинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлаши, уларни бартараф этиш, кучсизлантириш, таъсирини йўқотиш ҳамда уларга тўсиқлар қўйиш бўйича манфаатдор профилактика

субъектлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириши лозим¹.

¹ *Мухторов Ж.С.* Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари. –Т., 2008. – Б. 32.

VI БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилиги профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили ва таснифи

Мустақиллик бизга сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларда ислоҳотлар олиб боришни тақозо этди. Мазкур ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини ҳам четлаб ўтмади, албатта. Шу ўринда айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ, хусусан, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ислоҳотларни олиб бориш жараёнида асосий эътибор ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янада мустаҳкамлашга, унинг мутлак янги миллий тизимини шакллантиришга қаратилди.

Ўтган давр мобайнида ички ишлар органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди ва бугунги кунда янада такомиллашиб бормоқда. Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида, 700дан ортиқ қонунлар ва минглаб қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилингани баробарида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда ички ишлар органлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу йўналишдаги фаолиятни самарали ташкил этишга хизмат қиладиган ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича жараён изчил давом этмоқда. Бугунги кунда ички ишлар органлари ҳар қандай йўналишдаги фаолиятини ҳамкорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, ички ишлар органларининг маъмурий ҳудудда хизмат олиб бораётган соҳавий хизматларининг олдида турган асосий ва долзарб вазифалардан бири аёллар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда уни унинг олдини олишга қаратилган дастлабки профилактик чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Умуман олганда, аёллар билан иш-

лаш ички ишлар ходимларида муайян қийинчиликларни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан жамиятдаги ҳар қандай хотин-қизлар билан ишлашда ички ишлар органлари биринчи галда ушбу тоифа шахслар билан ишлашга, уларга тарбиявий таъсир чораларини қўллашга ваколатли ва қобилиятли бўлган жамоатчиликка, аниқроғини айтганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири бўлгани каби бугунги кунда ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоа тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи қонун ва қонуности ҳужжатлар яратилган. Албатта, ҳар бир фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, биринчи галда, ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, иккинчидан, ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактика бўйича жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, уларнинг масъулиятини оширишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қилади. Бугунги кунда аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи ягона ҳуқуқий асос мавжуд эмас. Бироқ, ички ишлар органлари ҳамда жамоат тузилмалари фаолиятини белгилаб берувчи алоҳида ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, уларни бир нечта гуруҳга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳ ҳуқуқий асосларга конституциявий нормалардир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари демократик жамиятдаги барча муносабатларни ижтимоий адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солишнинг бирламчи асосий манбаи сифатида хизмат қилиши билан ҳар қандай ҳуқуққа хилоф қилмишнинг олдини олишни таъминлайди. Шунингдек, мамлакатимиз Конституциясининг бир гуруҳ қоидалари ўз навбатида бевосита жиноятчиликка қарши кураш ҳамда профилактик хусусиятига эга бўлиб, фуқароларни ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишда ва уларни жамиятдаги умуминсоний, ахлоқий нормалар асосида тарбиялашда асосий манба ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида: «Қону-

нийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкин», деган қоида белгиланган бўлиб, мазкур норма асосида ички ишлар органлари аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактика бўйича фаолиятида жамоат тузилмалари жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб беради. Бундан ташқари, Конституциянинг ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этишга асос бўлувчи нормаларини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни белгиловчи (19, 20, 21, 27, 31, 37, 43, 45, 64, 66-моддалар), ички ишлар идоралари аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш қоидалари ва йўналишларини белгилаб берувчи (13-14, 22-25, 29, 31, 35, 47-53, 55, 57, 63, 64, 121-моддалар) ҳамда ички ишлар органларининг аёллар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида ўзлари риязати талаб қилувчи нормаларга (15, 18, 19, 27-31, 33, 35, 37, 44, 53, 58, 61, 65, 121-моддалар) бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи гуруҳ ҳуқуқий асосларга Ўзбекистон Республикасининг қонунларини келтириш мумкин. Ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилиги профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигига доир аниқ бир қонун ёки қонуности ҳужжат бўлмаса-да, айрим қонун ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу субъектлар ҳамкорлигининг алоҳида йўналишларини белгилаб берувчи нормалар мавжуд. Хусусан, ёш хотин-қизларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорининг жамият манфаатлари йўлида тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун уларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни кафолатлаш мақсадида ички ишлар органлари жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун нормаларига амал қилади. Мазкур қонун асосида жойларда профилактика хизматлари ва ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари жамоат тузилмалари билан, *биринчидан*, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда, *иккинчидан*, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, *учинчидан*, уларнинг таълим-тарбия масалаларига оид чора-тадбирларни амалга оширишда, *тўртинчидан*, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлашда,

бешинчидан, хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида келтирилган шахсни, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсон ҳавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш тўғрисидаги асосий вазифалари ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш жараёнидаги вазифаларига мувофиқ. Мазкур кодекснинг Махсус қисмидаги барча нормалар жиноятчиликка жумладан, аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилгандир. Ички ишлар органлари жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, аёллар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш жараёнида Жиноят кодексининг нормалари ва уларнинг мазмуни ҳамда содир этилган қонунга хилоф хатти-ҳаракатларнинг ҳуқуқий оқибатлари, қўлланиладиган жазо чоралари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришлари, *биринчидан*, аҳолининг, жумладан аёлларнинг мазкур қонун нормалари бўйича билимларини оширишга хизмат қилса, *иккинчидан*, аёлларнинг ушбу қонун нормаларига амал қилишлари уларнинг жиноий хатти-ҳаракатдан ўзини тийишларига олиб келади. Бундан ташқари, «икки томонлама олдини олиш» нормалари олимлар томонидан эътироф этилган бўлиб, мазкур турдаги нормалар (ЖК 109-м., 110-м. 1-қ., 122-м., 140-м. 1-қ., 216¹-м., 217-м., 226-м., 277-м. 1-қ.) жиноятларни содир этганлик учун ўз вақтида жавобгарликка тортиш, аёллар томонидан содир этилиши мумкин бўлган бошқа хавфлироқ жиноятнинг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 2-моддасида унинг вазифалари келтирилган бўлиб, мазкур кодекснинг асосий вазифаларидан бири жиноятларнинг олдини олишдир. Унинг бир қатор нормалари бевосита аёллар жиноятчилиги профилактикасида ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини белгилаб беради. Жумладан, 296-моддасида белгиланган ваколатлар доирасида жиноят ишларини юритишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳар қандай турдаги жиноятнинг жумладан, аёллар томонидан содир этилган жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлайдилар. Бунинг учун кодекснинг 297-моддасида белгила-

нган ваколатлар доирасида суриштирувчи, терговчи, прокурор аёллар томонидан содир этилган жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритади, шунингдек, кодекснинг 299-моддасига асосан ҳудудий профилактика инспекторлари ва жамоат тузилмалари аёллар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан киритилган тақдимнома ва хусусий ажримларни бажариш мажбуриятларини оладилар. Ушбу мажбуриятларни бир ойлик муддат ичида бажармаган субъектлар, жумладан жамоатчилик тузилмалари қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 2000 йил 15 декабрь қонуни ички ишлар органларининг терроризмга қарши курашиш, хусусан унинг олдини олиш бўйича фаолиятини тартибга солувчи манба бўлиб, бугунги кунда террористик ташкилотларда аёлларнинг иштирок этаётганлигини, улар томонидан бу турдаги жиноятларнинг содир этилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда уларни олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги муҳимдир. Мазкур қонуннинг 5-моддасига асосан террорчилик фаолиятининг олдини олиш давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмалари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа профилактик чоралар мажмуини қўллаш орқали амалга оширилади. Қонуннинг 6-моддасида эса давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар терроризмга қарши курашни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашадилар ва зарур ёрдам беришлари тўғрисида қоида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги 2008 йил 7 январь қонунда ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги муайян вазифалари белгиланган. Унинг 6-моддасида бола ҳуқуқларини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки назарда тутилган бўлиб, унга кўра жамоат тузилмалари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашиши, болага ёки унинг қонуний вакилига ҳуқуқий, услубий, ахборотга оид ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш назарда тутилган. Бундан

ташқари, жамоат тузилмалари бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши ҳамда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу норма ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан 18 ёшгача бўлган болалар, хусусан, қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолиятида ҳамкорлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонунининг 7-моддасида ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, жамоат тузилмалари, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари, билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактик ишларни ўтказишга доир ваколатлари мустаҳкамланган. Унинг 8-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади. Ушбу нормалар ички ишлар органлари аёллар томонидан кўпроқ содир этиладиган жиноятлардан бири бўлган одам савдосига қарши курашиш бўйича жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги 2010 йил 29 сентябрь қонунининг 19-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки белгиланган. Мазкур қонунга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат тузилмалари ўз ваколатлари доирасида вояга етмаган қизларнинг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этади, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашади, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларга ва оилаларга ёрдам кўрсатади, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаган

қизларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувиға кўмаклашади, вояға етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалға оширувчи органлар, жумладан, ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 2013 йил 22 апрель қонунининг 11–14-моддаларига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг субъектлари ваколатлари доирасида ички ишлар органларининг тегишли хизматлари билан ҳамкорликда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалға ошириш, ушбу соҳада мамлакатимизнинг маҳаллаларида маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалға оширади.

Яна бир муҳим ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги 2014 йил 25 сентябрь қонунидир. Мазкур қонунга мувофиқ давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари, унинг профилактика хизматлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик субъектлари сифатида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқаролар, шу жумладан хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалға ошириш борасида ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни ҳам муҳим ҳуқуқий асосдир, унда аёллар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалға ошириш бўйича ушбу фаолиятни бевосита амалға оширув ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ваколатлари белгиланган. Ички ишлар органларининг аёллар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ваколатлари қонуннинг 10-моддасида мустаҳкамланган.

Қонун нормаларига асосан ички ишлар органлари жамоат тузилмалари билан аёллар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, якка, махсус, виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини ҳамкорликда амалга оширади. Қонуннинг 21-моддасида бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ундаги жамоат тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки бўйича ваколатлари белгиланган бўлиб, мазкур норма ички ишлар органларининг ҳар қандай турдаги, жумладан аёллар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича жамоат тузилмалари билан биргаликдаги иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчи гуруҳ ҳуқуқий асослар сифатида жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қиладиган қонунларнинг ижросини таъминлаш, бу соҳада фаолият олиб боровчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан ички ишлар органлари профилактика хизматлари, шунингдек, жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятда тинчлик ва осойишталикни, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик, унинг сабаблари ва унга имкон берувчи омилларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари ва қарорлари ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб беради:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2001 йил 27 март фармони асосида бугун ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошираётган профилактика хизматлари тизими ташкил этилган бўлиб, ушбу фармонда жамиятда ҳар қандай турдаги жумладан, аёллар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишлари, давлат, жамият, халқ учун хавф туғдирадиган зўравонликларнинг олдини олиш, фош этишда ички ишлар идораларининг аҳоли билан ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек, милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

лари ва жамоатчилик билан фаолиятини яхшилашда бевосита иштирок этиши ва амалий ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 19 июль фармонида мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг функционал-ташкилий тузилишини яхшилаш, мамлакатда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги профилактик ишлар самарадорлигини оширишга имкон берганини, бироқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг чуқурлашуви, шунингдек, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, жамоат тартиби ва хавфсизлигига таҳдид солишга қаратилган диний экстремизм ва наркотиклар тажовузининг ўсиши ички ишлар органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб этгани таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг, хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларнинг ёшлар маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 май фармони асосида 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига ҳудудда камида 500 та оила яшайдиган маҳаллаларда, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. Бугунги кунда милиция таянч пунктлари негизида профилактика (катта) инспекторларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини кўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги 2006 йил 10 октябрь фармони профилактика инспекторларининг милиция таянч пунктлари негизида ёшлар билан ишлаш комиссиялари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларидан биридир. Ушбу фармон асосида фуқаролар

йиғини ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш комиссияси фаолиятига доир йўриқнома тасдиқланган. Мазкур йўриқномада комиссиянинг маҳалла ҳудудида истиқомат қиладиган етакчи, фаол, иқтидорли ва намунали ёшлар билан бир қаторда, нотинч оилалар фарзандлари, диний-экстремистик оқимларга ҳамда ҳуқуқбузарликка мойил йигит-қизлар билан тарбиявий тушунтириш ишларини олиб боради. Бугунги кунда ушбу комиссия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2013 йил 7 октябрь 274-сонли қарори билан тасдиқланган фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги Намунавий низомга мувофиқ ўз фаолиятини юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорлари ҳам юқоридаги мақсадларга хизмат қилади.

Тўртинчи гуруҳ ҳуқуқий асослар сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи қўйидаги қарорларини келтириш мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида» ва 2001 йил 6 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВда жиноятчиликка қарши кураш бўйича профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қарорларида жиноятчиликка, шу жумладан аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда мавжуд тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, маҳалла фуқаролар йиғинлари таркибида, профилактика (катта) инспекторлари билан жойларда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар ўртасида профилактик тадбирларни амалга ошириш, ёшлар бандлиги, кичик бизнес, спорт тўғрақларини ҳамкорликда ташкил этиш зарурлиги белгиланган. Шунингдек, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ички ишлар органлари, жумладан, профилактика хизматларининг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Милиция таянч пунктлари ва ижтимоий мослашув марказлари инфратузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2002 йил 16 май 162-сонли қарорига асосан милиция таянч пунктларининг атрафида спорт майдончалари ва фан тўгаракларининг, кичик бизнес шохобчаларининг ташкил этилганлиги, ёшларга шарт-шароитлар яратилиши, уларнинг бандлиги таъминланиши ҳуқуқбузарлик ва жинойatchиликнинг олдини олишда қўйилган муҳим омил бўлди. Ушбу қарор асосида профилактика хизматлари ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этишда бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 3434-сонли фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 2004 йил 29 июнь 299-сонли қарорига асосан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар лавозимлари жорий этилиб, уларни энг обрў-эътиборли ҳамда шу соҳада амалий тажрибага эга, аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, энг яхши миллий-диний анъана ва урф-одатларни сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида самарали таъсир кўрсатишга қодир фаол аёллар билан тўлдириш назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идораларига мутахассислар тайёрловини такомиллаштириш чоралари тўғрисида», 2010 йил 26 ноябрдаги «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида», 2010 йил 26 ноябрдаги «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида», 2011 йил 17 февралдаги «Маъмурий жазога тортилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини ташкил этиш тўғрисида», 2013 йил 10 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», 2013 йил 30 сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида», 2013 йил

7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ қарорлари ички ишлар органларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб беради.

Бешинчи гуруҳ ҳуқуқий асослар сифатида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва уни олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб берувчи қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини келтириш мумкин:

ИИВнинг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 2014 йил 1 сентябрь буйруғи бугунги кунда аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва уни олдини олишда профилактика хизматларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ҳамда амалга ошириш тартибини белгилаб беради;

ИИВнинг «Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2014 йил 11 ноябрь буйруғи уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг унга суд томонидан ўрнатилган тақиқ ёки чекловларга риоя этилишини назорат қилиш тартибларини белгилаб беради. Мазкур йўриқнома шахснинг уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойларида бўлишини ва улар томонидан суднинг қарори билан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилишини назорат қилиш бўйича профилактика инспекторларининг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини белгилаб беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари, унинг бошқа соҳавий хизматлари, хусусан, профилактика хизматлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини тартибга солувчи алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бугунги кунда етарли даражада ишлаб чиқилган ва амалий органлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини ифодаловчи ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланган. Бироқ бугунги кунда ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва уни олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини белгилаб

¹ *Икромов Ш.Т., Зиёдуллаев М.З.* Милиция таянч пунктлари негизида ҳамкорликни ташкил этиш ва бошқариш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2013. – Б. 212.

берувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қонунлар ҳамда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш бўйича асосий вазифаларини белгилаб беради ҳамда ушбу соҳадаги ҳамкорликни самарали ташкил этишга хизмат қилади.

2-§. Ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилиги профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг мақсади ва моҳияти

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, юрт фаровонлиги, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш биринчи галдаги вазифага айланди.

Маълумки, жамиятда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юклатилган асосий ҳамда долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан бир қаторда ички ишлар органларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда ички ишлар органлари аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва уни олдини олиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ваколатли субъектлардан бири бўлиб, ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, аёллар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чоратадбирларини амалга оширишда бевосита давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари билан ҳамкорлик қилади.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримов: «Салбий ҳодисаларнинг барчаси, жумладан, жиноятчилик ҳам маънавий қашшоқлик, маърифий кемтиклик шароитида вужудга келади. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонунбузарликнинг олдини олиш, тартиббузарликка қарши курашни кучайтириш, ҳозирги иқтисодий

ислоҳотларни амалга ошириш даврида қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларинигина эмас, балки ҳар бир раҳбарнинг, маҳалланинг, жамоатчиликнинг ҳам муҳим вазифасига айланиши керак»¹, - деб бежизга таъкидламаган. Зеро, жиноятчиликка, аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда жамоатчилик билан ҳамкорлик муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 27 март фармони асосида соҳада амалга оширилган ислоҳотлар энг биринчи галда Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматларининг ташкилий тузилиши ва асосий вазифаларини қайта белгилаб олишни тақозо этиб, республикамиз ҳудудида милиция таянч пунктларининг ҳамда уларда профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини йўлга қўйди. Шу боис ички ишлар идораларининг моддий-техник базаси, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш такомиллаштирилган бўлса, ички ишлар идоралари хизматларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, улар негизидаги жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Бундан ташқари, фуқаролик жамияти айрим институтлари, жумладан жамоат тузилмаларининг содир этилган жиноятларнинг фош этилишида ҳам муносиб ҳиссаси бор. Жиноятларни ҳамкорликда фош этиш 2014 йилнинг ўн икки ойи мобайнида 2013 йилнинг шу даврига таққослаганда, 13,8 фоизга, 2014 йилга нисбатан 2015 йилда 11,7 фоизга ошганлиги бу соҳада жамоатчиликнинг роли кучайганини тасдиқлаб турибди. Демак, ички ишлар органларининг нафақат жамоат тузилмалари, балки фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги муҳим, нафақат аёллар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш, балки аёллар томонидан содир этилган жиноятларни фош этишда ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан қаралганда, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги, *биринчидан*, ушбу соҳадаги қонунчиликнинг ижросини самарали таъминлашда, *иккинчидан*, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади, *учинчидан*, аҳолининг барча

¹Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т., 1997. – Б. 205.

қатламлари, хусусан аёллар ўртасида ҳам бирдай профилактик чоратadbирларни қўллашда тезкорлик ва тежамкорликка эришиш учун муҳимдир.

Ислохотлар натижасида ички ишлар органларининг барча тизими ҳамда улар таркибидаги соҳавий хизматларнинг жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги мустаҳкамланди. Айниқса ички ишлар органларининг барча турдаги, хусусан аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва уни олдини олишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Президент фармонлари, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруқ ва кўрсатмалари, йўриқномалари, вилоятлар, шаҳар, туман халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг қарор ва фармойишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБларининг буйруқ ва кўрсатмалари талаблари асосида ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, ўтган давр Ўзбекистон Республикасида аҳолини қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролардан ташкил топган жамоат тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани мазкур субъектларнинг барча турдаги, хусусан аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва уни олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу даврда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмаларининг роли сезиларли даражада ошди. Уларнинг барчаси аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг қудратли омилидир.

Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит

яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга хизмат қилмоқда¹.

Ички ишлар органларининг аёллар жинойтчилигига қарши кураш ва уни олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги, *биринчидан*, аёллар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишини, *иккинчидан*, ушбу фаолиятни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари томонидан жамоат назоратини амалга оширилиши, *учинчидан*, аёллар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жинойтларнинг профилактикасини самарали ташкил этишга, тўртинчидан, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга хизмат қилади.

Ўтган йилларда ички ишлар идоралари тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилишда мазмун-моҳиятига кўра уларнинг жамиятдаги роли ва мавқеи кўтарилди. Фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклигини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган тизимли комплекс чора-тадбирлар натижасида ички ишлар органлари профилактика хизматларининг аҳоли тинчлигини туну кун таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Бугунги кунда ҳудудий милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузурида фаолият олиб бораётган маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари, маҳалла котиби ҳамда қуйидаги комиссиялар билан ҳамкорлик қилмоқда:

Фуқаролар йиғини комиссиялари:

- фуқаролар йиғинларининг тафтиш комиссияси;
- фуқаролар йиғинларининг яраштириш комиссияси;
- фуқаролар йиғинларининг маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссияси;

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 42.

- фуқаролар йиғинларининг ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси;
- фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси;
- фуқаролар йиғинларининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси;
- фуқаролар йиғинларининг тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси;
- фуқаролар йиғинларининг экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссияси;
- фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари кенг жамоатчилик, меҳнат жамоалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг фаол ёрдамига таянган ҳолда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини турли хил жинойий тажовузлардан ҳимоя қилиш борасидаги қонун талабларини бажаришга ваколатли масъул субъект ҳисобланади. Шу боис ички ишлар органлари аёллар жинойятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этишда, *биринчидан*, қонунчиликка қатъий риоя қилишлари, *иккинчидан*, юқори даражада ҳуқуқий маданиятли бўлишлари, *учинчидан*, аҳоли, айниқса хотин-қизларнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги фикрларини инобатга олишлари, *тўртинчидан*, жамоатчилик ёрдамига доимий таянишлари, *бешинчидан*, юридик ва жисмоний шахсларнинг ариза ва шикоятларига ҳамда хабарларига тезлик билан эътибор беришлари ва қонуний чора-тадбирларни кўришлари, *олтинчидан*, ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда хизматда ва оилада бенуқсон хулқ-атворга эга бўлишлари зарур.

¹ *Изоҳ:* худуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини фаолияти асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Ички ишлар органлари аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар ҳузуридаги жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини самарали ташкил этиш, нафақат жамиятда аёллар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, балки аҳоли, айникса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

3-§. Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш

Ички ишлар органларининг ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари аёллар жиноятчилигига қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича фаолиятини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартда қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 113-сонли қарори талаблари асосида жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлашда ички ишлар органларига кўмаклашиш учун «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ташкил этилиб фаолияти йўлга қўйилган.

Мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда 1999 йил 19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Ушбу Низом бугунги кун талаблари асосида қайта ишлаб чиқилиб, унинг ўрнига 2014 йил 4 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 47-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур янги таҳрирдаги қарорга мувофиқ, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқаролар ва уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш, уларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштироки ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари фаолиятининг асосий йўналишлари замон талабидан келиб чиқиб белгилаб берилди.

Профилактика (катта) инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг ўрни беқиёс. Посбонлар ўзлари яшаётган ҳудудда содир этилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқбузарликлар, жумладан, аёллар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, содир этилган жиноятларни очишда, шунингдек ички ишлар идоралари ҳисобида турган илгари судланган аёллар, жиноят қилишга мойил шахслар билан ишлашда, қизлар учун ҳар хил спорт ўйингоҳлари, бичиш-тикиш ва бошқа турдаги тўғаракларни ташкил этишда профилактика инспекторига кўмаклашмоқда.

Профилактика (катта) инспекторлари «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси билан маъмурий ҳудудда хавфсизликни таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашиш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда фуқаролар фаоллигини ошириш ишларида, аҳолида, биринчи навбатда, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли амалга ошириш, халқимиз маънавиятига зид бўлган турли салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш ва ўтказиш, мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва барқарорлик натижасида аҳоли фаровонлиги таъминланаётганлиги, бу борада ўзининг фаол иштироки билан муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик ва фуқаролик бурчи эканлигини тушунтириш, фуқаролар йиғини ҳудудидаги экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари талаблари, умумдавлат

ҳамда ҳудудий дастурларда белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш ва ушбу жараёнда кенг жамоатчилик кўмагини шакллантириш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни назорат қилиш масалаларида ҳамкорлик қилади.

Таъкидлаш жоизки, юрт осойишталигини таъминлаш, аҳоли тинчлигини сақлаш фақат Қуролли Кучлар ёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, балки ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Шу боисдан маҳалла посбонлари ва чегарачиларга ёрдам берувчи кўнгиллилар ишини янада такомиллаштириш ва бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозим.

Профилактика инспекторларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан аёллар жиноятчилигига қарши кураш ҳамда уни олдини олиш бўйича ҳамкорлиги ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, ушбу жамоатчилик тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 май фармонида асосан фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппарати тузилмасидаги педагог-тарбиячи лавозими ўрнига жорий этилган. Бу лавозимга ҳаётий тажрибаси юқори бўлган, аҳолига, биринчи навбатда, ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида ижобий таъсир ўтказа оладиган обрўли ва фаол хотин-қизларнинг тайинланиши белгиланди.

Ҳозирда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар профилактика (катта) инспекторлари билан ҳамкорликда жамият бирлиги, аҳоли осойишталигини бузишга қаратилган ғайриинсоний ҳолатлар, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг тарқалишига йўл қўймаслик, маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш учун фуқаролар йиғини фаоллари, кўчабошилар, уйбошилар, посбонлар билан биргаликда мунтазам равишда диний экстремизм ва ақидапарастликка қарши аниқ тадбирлар ўтказиб бориш, маърифий-маънавий тадбирларни уюштирганда, дунёвий ва диний билимларнинг қарама-қарши келмаслигига эришиш, халқимизнинг ўзига хос маданий-маърифий, миллий, диний анъаналари, урф-одат ва расм-русумларини ўрганиб чиқиш ва жамоатчилик орасида кенг тарғиб этиш, маҳалланинг фаол аёлларини аниқлаш ва улар ёрдамидан кенг фойдаланиш, ёшларнинг қизиқишлари, иқтидор-

лари, таълим ва тарбияси билан боғлиқ барча муаммоларни муттасил ўрганиб бориш каби вазифаларни амалга ошириб келмоқдалар.

Умуман олганда, профилактика (катта) инспекторлари маслаҳатчилар кўмагида маҳалладаги нотинч оилалар билан ишлаш билан бир қаторда, намунали оилалар билан ишлаш ва уларнинг тажрибасини оммалаштириш, маҳаллада истиқомат қилувчиларнинг, шу жумладан, хотин-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда, касаначиликни йўлга қўйишда, керак бўлса, маҳалла аҳолисини иш билан таъминлаш бўйича тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларга таклифлар киритишда ҳамкорлик қилади.

ХУЛОСА

Ушбу қўлланма орқали биз ҳозирги замон аёллар жиноятчилигининг криминологик тавсифини беришга, унинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишга, жиноятчи аёлларнинг шахсини ва муайян ижтимоий муҳит шароитларида унинг шаклланиш механизмини очиб беришга, шунингдек криминологиянинг энг мураккаб муаммоларидан бири – жиноятлар профилактикаси ва жиноят содир этган аёлларга жазо тайинлаш муаммосини ҳал қилиш йўлларини таклиф қилишга ҳаракат қилдик.

Шу нуқтаи назардан аёллар жиноятчилигининг профилактикаси муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Бу куйидагилар билан изоҳланади:

– аёллар жиноятчилигининг ривожланишида сўнгги йилларда кўзга ташланган ташвишли тенденциялар;

– жамиятга, жамиятдаги маънавий-психологик муҳитга, жамиятнинг алоҳида институтларига, айниқса, оилавий муносабатларга аёллар жиноий хулқ-атворининг салбий таъсири ортиб бораётгани;

– аёллар жиноятчилигининг тузилишида тамагирлик жиноятлари етакчилик қилиши, бу жиноий қилмишлар давлатнинг иқтисод тизимига ва фуқароларнинг шахсий мулкига катта моддий зарар етказаётгани;

– аёллар жиноят содир этишига туртки берувчи ўзига хос сабаблар ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб, изчил профилактика ишини йўлга қўйишнинг зарурлиги;

– аёллар жиноятчилиги муаммоларини илмий ўрганиш даражасининг пастлиги, бу аёллар жиноятчилигининг олдини олиш ишларини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатаётгани кабилар.

Қўлланмада фақат аёллар жиноятчилигига хос бўлган ва шунинг учун ҳам уни жиноятчиликнинг тузилишидан алоҳида ҳодиса сифатида ажратиш имконини берадиган маълум хоссалари ва уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Бу хоссаларни ғайриқонуний хулқ-атворнинг объектив кўринишларини ўрганишдагина эмас, аёллар жиноий фаолиятининг хусусияти ва бунга туртки берувчи сабабларни баҳолашда ҳам аниқлаш мумкин.

Аёлларнинг жиноий хулқ-атвори ижтимоий воқеликдаги объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро таъсири билан белгиланади. Бундай омиллар орасида ижтимоий омиллар етакчи роль ўйнайди.

Ҳозирги замон аёллар жиноятчилиги ўзининг ижтимоий белгиланган хусусиятларига эга. Бу хусусиятлар жамиятда содир бўлаётган тарихий, жуғрофий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий, демографик ва бошқа ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Мазкур ўзгаришлар аёллар ҳаётий фаолиятининг микроижтимоий муҳитида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Микроижтимоий муҳит аёллар ҳаёт йўлининг турли босқичларига ҳар хил салбий таъсир кўрсатади. Бу бевосита ёш, меҳнат фаолияти, моддий аҳвол, оилавий муносабатларнинг ҳолати каби маълум ижтимоий-демографик тафовутлар билан белгиланади.

Маҳкум аёллар жазони ўтаётган озодликдан маҳрум қилиш жойлари шароитида микроижтимоий муҳитнинг салбий таъсири айниқса кучли сезилади, бундай жойлардаги муҳит эса ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, эркакларнинг колонияларидаги муҳитдан жиддий фарқ қилади.

Аёлларга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш ва жазони ижро этишнинг самаралилиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиши аёллар шахсида турғун ғайриижтимоий мойилликнинг шаклланишини белгиловчи криминоген омилларнинг таъсири учун шарт-шароит яратади. Бундай омиллар орасида уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига аёлларнинг жалб этилишида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва фоҳишаликнинг роли, муайян шахсга ва норасмий ижтимоий гуруҳларга, айниқса вояга етмаганларга профессионал жиноятчиларнинг анъана ва удумларининг таъсири катта. Шунингдек, жиноий фаолият ва фоҳишаликка вояга етмаган қизларни жалб этиш тенденциялари, аёлларнинг расмий меҳнат фаолияти профессионал жиноий фаолият билан чатишиши ҳам диққатга сазовордир.

Қўлланмада аёлларнинг профессионал жиноятчилиги билан боғлиқ алоҳида хусусиятларни кўриб чиқишга эътибор қаратдик. Пировард натижада биз мазкур масала юзасидан айрим принципиал хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик. Бу хулосаларнинг қисқача мазмуни шундаки, аёллар профессионал жиноятчилиги жиноий фаолият турларига кўра эркаклар профессионал жиноятчилигидек рангбаранг эмас. Аёллар профессионал жиноятчилигининг тарихи ҳам шундан далолат беради. Умумий жиноятчиликнинг тузилишида у эркаклар профессионал жиноятчилигига нисбатан ёрдамчи хусусиятга эгадир. Норасмий хулқ-атвор нормалари ва қоидалари, жиноий анъана ва удумларга риоя қилиш профессионал жиноятчи аёллар муҳитида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас.

Аёллар профессионал жиноий хулқ-атворининг юқорида зикр этилган хусусиятлари нуқтаи назаридан, бизнингча, бу иллатнинг олдини олишда жиноятчи аёллар шахсига типологик таъриф бериш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар бундай аёллар шахсининг бир нечта типини ажратиш имконини берди. Булар: паст малакали жиноятчи аёллар, тамагирлик-зўравонлик жиноятлари содир этувчи аёллар, юқори даражада профессионал ўғри ва фирибгар аёллар, фоҳишахоналарнинг эгалари, гиёҳвандлик воситалари ва ўғирлик молларни сотувчилар – «ўғри оналар», жиноий фаолияти, одатда, расмий меҳнат бандлиги соҳасида мансаб ваколатларини бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган «оқсуяк» профессионал жиноятчи аёллар.

Шундай қилиб, қўлланмада аёлларнинг ғайриқонуний хулқ-атвори билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишга оид маълум ёндашувнинг зарурлиги ўз ифодасини топди. Бу икки жиҳат: *биринчидан*, аёллар жиноятчилигини жиноятчиликнинг алоҳида таркибий элементи сифатида ўрганиш, *иккинчидан*, ушбу муаммони жиноятчиликка қарши курашнинг умумий кримнологик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муаммолари қаторида тадқиқ этишнинг зарурлиги билан белгиланади.

Умуман олганда, қўлланмада талқин қилинган аёллар жиноятчилигига қарши курашга оид умумдавлат аҳамиятига молик ва махсус кримнологик хусусиятга эга чора-тадбирлар бевосита жиноятчиликка қарши курашнинг умумий муаммоларини ҳал қилишга боғлиқ.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
--------------------	----------

I БОБ

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1-§. Аёллар жиноятчилигининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари.....	6
2-§. Жиноят содир этган аёллар типологияси	15

II БОБ

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ

1-§. Аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сабаблари.....	23
2-§. Аёллар томонидан жиноят содир этилишига имкон бераётган шарт- шароитлар	42
3-§. Жиноят содир этган аёллар таснифи	51

III БОБ

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН АЁЛЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

1-§. Аёллар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишда психологик билимларнинг аҳамияти	60
2-§. Жиноят содир этувчи аёллар психологияси	63
3-§. Жиноят содир этувчи аёллар билан ишлашнинг психологик жиҳатлари	79

IV БОБ

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

1-§. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг умумий профилактикасини ташкил этиш	88
2-§. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг махсус профилактикасини ташкил этиш	90
3-§. Аёллар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикасини ташкил этиш	93
4-§. Аёлларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этиш	97

V БОБ

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ СОҶАВИЙ ХИЗМАТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Аёллар жиноятчилиги профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамкорлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили ва таснифи	102
2-§. Аёллар жиноятчилиги профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ҳамкорлигининг аҳамияти, мақсади ва шакллари	109
3-§. Аёллар жиноятчилиги профилактикасида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	117

VI БОБ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИДА ЖАМОАТ ТУЗИЛМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

1-§. Ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилиги профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили ва таснифи	132
2-§. Ички ишлар органларининг аёллар жиноятчилиги профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигининг мақсади ва моҳияти	144
3-§. Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг аёллар томонидан содир этиладиган жиноятлар профилактикасида жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш.....	149
Хулоса	153

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ САБАБ ВА ШАРОИТЛАРИ ҲАМДА ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир Б. Қ. Эргашев
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 6.06.2016. Нашриёт ҳисоб табағи 10,0.
Адади 30 нусха. Буюртма № .

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
100197, Тошкент ш., Интизор кўч., 68